


# ЭПИК ШЕЪРИЯТ СУЛТОНИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

## ЭПИК ШЕЪРИЯТ СУЛТОНИ



Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриети

Тошкент - 2001

“Эпик шеърят султони” деб номланган ушбу мажмуага адабий  
илмлар, хусусан, Фирдавсий ва ўзбек адабиёти муаммосига  
бағишланган янги тадқиқотлар киритилган. Тўплам кенг илм-адаб  
аҳлига, олий ўқув юрлари талабаларига мўлжалланган.

Нашрга тайёрловчи ҳамда махсус муҳаррир:  
филология фанлари доктори, профессор Х.Ҳомидий.

Тақризчи: филология фанлари доктори,  
профессор А.Қуронбеков.

Э 460302000 – 268  
М361(04) – 2001 гриф – 2001

I SBN 5=86484=004=1

Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилди.

## МУНОСИБ УЛУШ

Абулқосим Фирдавсий (941-1025) дунё адабиётининг буюк сиймоларидан бири ҳисобланади. Бўлажак шоир Эроннинг Табарон вилоятига қарашли Тус шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида деҳқон (ўртаҳол феодал) оиласида дунёга келади. У Тус ҳамда Марв мадрасаларида ўқийди. Замонасидаги барча билимларни, бадиий сўз санъатини пухта эгаллайди; қадимги тарих, халқ оғзаки ижодига қизиқади.

Сомонийлар янги марказлашган маҳаллий ҳокимиятни ташкил этгач, аждодлар тарихининг бадиий солномасини яратиш мақсадида дарий-форсий тилда «Шоҳнома» яратишни бухоролик шоир Дақиқийга топширадилар. У «Гуштасп ва Аржасп» достонини ёзгач, фожиали ҳалок бўлади. Бу муҳим вазифа Фирдавсийга топширилади. У Хуросону Мовароуннаҳр шаҳарларини кезиб, халқ бахши ва ровийларидан кўҳна ривоятлар, миф ва достонларининг сюжетларини ёзиб олади; халқ тарихига оид хроникалар, камёб сарчашмаларни ўрганиб чиқади. Натижада 35 йил заҳмат чекиб, 120 минг мисрадан иборат мангу барҳаёт «Шоҳнома»ни яратади.

Фирдавсий ўз достонларида аждодлари тарихини, миллий анъаналарини, адолат, одил шоҳ бошчилигидаги марказлашган давлат учун кураш, халқ қаҳрамонлиги, ватанпарварлик, эл-юрт ҳимояси йўлида фидоийлик ғояларини юксак кўтаринки руҳда ифтихор билан куйлади; «Рустам ва Сухроб», «Бижон ва Манижа», «Сиёвуш», «Исфандиёр» достонларида турли қавмлар, улус ва миллатлар биродарлиги, хусусан Эрону Турон халқларининг дўстлиги, ҳамжиҳатлигию қардошлигини тараннум этди. Фирдавсий «Рустами достон»ни қай даражада меҳр ва маҳорат билан яратган бўлса, туронлик шоҳжаҳон паҳлавон Афросиёбни шу даражада кўтаринки руҳда тасвирлаган. Юртга донғи кетган баҳодирларини инъом этган Таҳмина, Фарангиз, Манижалар Турон шоҳлари хонадонларининг фарзандлари эдилар. Мана минг йилдан зиёд вақтдирки, Фирдавсий яратган Сом, Наримон, Золи Зар, Рустам, Исфандиёр, Гурдофарид, Пирон, Афросиёб, Комуси

Кашоний, Аршанер, Бакром сингари образлар ва улар сиймосида мужассамлашган инсонпарварлик ғоялари башариётнинг ҳайратга солиб келмоқда. Шунинг учун ҳам «Шоҳнома» эшик шеърининг мангу гултожи сифатида барча халқлар томонидан селиб ўқилиб, улар адабиётига сезиларли таъсир этиб келмоқда.

Университетимиз профессор ўқитувчилари ана шу буюк даҳо ижодини, умуман форсий тилдаги маънавият неъматларини ўрганиш, тўдиққ этиш, тилибаларга ўргатиш борасида ўзига хос анъанага эга. Улар бу адабиётнинг Рудакий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Камол Хўжандий ва Бедиллар сингари намояндалари ижодини илмий жиҳатдан пухта ўрганибгина қолмасдан, улар шеърининг кенг китобхонлар оммаси, муаллимлар доирасига олиб кириш борасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар. Бир неча йилдан бери ўтказиб келинаётган Шоҳномахонлик, Ҳофизхонлик, Бедилхонликлар фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Мазкур тадбирларнинг аксарияти республикамиз телевидениеси орқали намойиш этилди. Бугина эмас, бизнинг муаллимларимиз мазкур адабиётнинг айрим сиймолари ҳаёти ҳамда ижодий мероси ҳақида фундаментал илмий тадқиқотлар ҳам яратиб келмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Н.М.Маллаев форс-тожик классиклари ҳақида бир туркум илмий мақолалар ёзиш билан бирга, 1962 йили Ўзбекистонда биринчи бўлиб «Абулқосим Фирдавсий» номли тарихий-илмий очерк яратди. Унда олим ўз ҳамкасбларининг илмий изланишларидан ҳамда «Шоҳнома»нинг танқидий матнидан фойдаланиб, Фирдавсий ҳаёти ва ижодий меросини анча батафсил таҳлил қилган. Бундан ташқари олим Низомий «Хамса»сини ҳам мукамал ўрганиб, шоирнинг ахлоқий-таълимий, маърифий қарашлари ҳақида ҳам махсус қўлланма чоп эттирган.

Филология фанлари доктори, профессор Х.Ҳомидов устози анъанасини давом эттириб, Фирдавсий ижодининг ўзбек классик адабиётига таъсири, «Шоҳнома»нинг наср ва назм аралаш классик таржималарини ҳамда ҳозирги шеърини

таржималарини ўрганиш борасида бир қатор ютуқларини қўлга киритди. Олимнинг «Барҳаёт шеърий қаср»(1979), «Боқий бўстон таровати»(1985), «Навоий ва Фирдавсий»(1986), «Шоҳноманинг шухрати»(1991) сингари илмий рисоалари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, муаллифнинг Хофиз, Бедил, Камол Хўжандий, Низомий, Ҳилолий, Восифий ҳақидаги илмий лавҳалари турли асарларидан жой олган. Шунингдек у 60 босма табоқ ҳажмидаги «Шоҳномаи туркий»ни ҳам нашрга тайёрлаган.

Ана шу қутлуғ ва хайрли ишларнинг давоми сифатида 2000 йил 27 ноябрида университетимизда Шарқшуносларнинг анъанавий V анжумани бўлиб ўтди. У Фирдавсий ва ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган эди. Анжуман ишида пойтахтимиздаги илмий-тадқиқот институти ходимлари, олий ўқув юр்தларининг етакчи олимлари билан бир қаторда Эрон Ислои Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари ҳам иштирок этдилар ва маърузалар билан қатнашдилар. «Эпик шеърият султони» деб номланган мазкур мажмуага асосан ўша анжуман дастуридан ўрин олган маърузаларнинг матнлари киритилди. Ўйлаймизки ушбу тўплаи эрон ва ўзбек халқлари ўртасидаги илмий-маданий, адабий ҳамкорлик ва алоқаларнинг янада равнақ топишига, халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга муносиб улуш бўлиб қўшилади.

**Б.Ф.Қодиров**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ректори, техника фанлари доктори, профессор

## ФИРДАВСИЙ «ШОҲНОМА»СИ ИККИ МАДАНИЯТ ҲАМКОРЛИГИ ҲАКИДАГИ ДОСТОН

Оллоҳ таоло номи билан

«Цивилизация» сўзига берилган барча тавсифлардаги умумий жиҳат бу инсон омилidir. Бу тушунчада инсоннинг барча ўзига хос хусусиятлари, жумладан турли маданиятлар, цивилизациялар ўртасидаги алоқалар акс этгандир. Исломи дини тарқалишидан олдин ва кейинги қаҳрамонлик достонларининг асосий мавзуси ҳам шунга бағишланган. Қадим замонлардан қаҳрамонлик мотивлари тараннум этилган асарлар шеърятнинг бир йўналишини ташкил этган. Улар мазҳабий шеърлар каби маданиятлар алоқалари асосида шаклланган.

Инсоният кўплаб мазҳабий шеърлар яратган. Тавротнинг баъзи боблари, Авестонинг айрим парчалари, юнонликлар мазҳабий тароналари, ҳиндларнинг диний оҳанглари шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири ўз халқининг қаҳрамонлик эпосида салмоқли ўрин тутди. Зотан айнан шу диний тароналар заминида эпос бир адабий жанр сифатида шаклланди.

Услубий жиҳатдан эпос шеърятнинг шундай бир кўринишики, унда маълум бир халқнинг ўзлиги намоён бўлади. Бошқа ибора билан айтганда, бирор халқнинг ўзлигини танитишга қаратилган ва унинг маълум бир диёрда жойлашиш учун олиб борган курашлари ва мағлубиятлари вақт ўтиши билан ҳақиқат ёки ярим афсона шаклида тилларда достон бўлади, кейинчалик эса уларни бир забардаст санъаткор назм риштасига тизади ва у мазкур халқнинг достонига айланади. Жаҳонда башарият тафаккури тараққиётига сезиларли таъсир ўтказган достонлар бармоқ билан санарли. Улар орасида энг машҳурлари қадимий қаҳрамонлик эпослари бўлмиш Юнонистонда «Илиада» ва «Одиссея», ҳиндистонда «Рамаяна» ва «Маҳабҳарата», Эронда эса Фирдавсийнинг «Шоҳномаси»дир. Бу эпик асарлар миллий ўзлик ва миллий

маданиятнинг мустаҳкамланишида бекиёс ўрин тутганлиги боис кейинги асрларда яшаб ўтган ёзувчилар ижодига ҳам баракали таъсир кўрсатган.

«Шоҳнома»нинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки ислом дини тарқалишидан олдин Эронда мавжуд бўлган маданиятни исломдан кейинги Эрон маданияти билан пайваст эта олди. Бошқача қилиб айтганда, ислом динидан олдин мавжуд маданият оламини исломдан кейинги маданият оламига сингдира олди ва Эрон маданиятида узилиш юзага келишига йўл қўймади.

«Шоҳнома»нинг бу хислати жуда ҳам аҳамиятлидир. Зеро «Шоҳнома» исломдан кейинги дунёга исломдан олдинги дунё адабиётини олиб кириб, мушоҳада этиш учун кўзгу янглиг хизмат қилди. Маданий изчиллик ва давомийлик деб аталувчи тушунча эса айнан шундан иборат. Шу маънода биз Фирдавсий дахоси олдида қарздормиз.

«Шоҳнома» ҳам зикр этилган бошқа икки эпик манзума каби маданиятлар алоқаларини тараннум этадиган асардир. Унда Турон ва Эрон халқлари биродарлиги тасвирланган ҳамда бу ҳамкорликнинг кўп қирралари қамраб олинган.

Рустам никоҳига кирган Самангон подшоҳининг кизи туронлик Таҳмина тўғрисидаги дostonга тўхталсак. Унда бу никоҳдан туғилган фарзанд – Сухроб саргузаштлари хусусида ҳикоя қилинади. Сиёвушнинг Туронда қатл этилиши эса икки диёрда яшаётган халқларни жанг гирдобига тортади. «Рустам ва Сухроб» дostonидаги никоҳ воқеалари орқали икки халқ ўртасидаги алоқалар ривожланганлиги тасвирланган бўлса, «Сёвуш»да эса фитна ва шошқолоқлик туфайли юз берган фоже тасвири воситасида алоқаларнинг ёмонлашиб, жангу жадалга сабаб бўлгани кўрсатилган.

Бинобарин, «цивилизациялар ва маданиятлар диалоги» лозимлиги тўғрисидаги ғоя Шарқ тафаккурига хос жиҳатлардан бўлиб, унинг намуналарини Шарқ адабиётида кўплаб учратиш мумкин.

Бугунги кунга келиб Ғарб ва Шарқнинг икки мутафаккири цивилизациялар ва маданиятлар алоқаларининг келажаги хусусида ўз лойиҳаларини илгари сурдилар. Доктор Хотамий



жаноблари ва Хорвард университетининг профессори Самуил Хонтингтон жаноблари Шарқ ва Ғарб маданиятларининг вакиллари сифатида ўз қарашларини баён этдилар.

Жаноб Хонтингтон Ғарбга хос дунёқарашдан келиб чиқиб «Цивилизациялар жанги» мавзусини кўтарган бўлса, жаноб Хотамий эса Шарқ дунёқарашини нуқтаи назаридан «Цивилизациялар ва маданиятлар диалоги» ғоясини илгари сурди.

Бу икки қарашни солиштириш натижасида Шарқ ва Ғарб тафаккурининг янги қирраларини илғаб олиш мумкин.

Башариятнинг келажакдаги алоқалари миллийлик доирасидан чиқиб, цивилизациялар даражасига кўтарилиши тўғрисидаги ҳақиқат юзасидан баҳоланганда жаноб Хотамий ва Самуил Хонтингтон фикрлари бир-бирига зиддир. Инсоният ва унинг келажакдаги тўғрисидаги бошқа масалалар юзасидан ҳам уларнинг фикрлари ўзаро қарама-қаршидир:

1. Жаноб Хотамий фикрича ҳар бир цивилизация ўзига хос маданиятга эга. Цивилизациянинг инсонийлик ва маданийлик асосига қуриш мумкин. Ўзаро яхши алоқалар «цивилизациялар диалоги» меваларидан бири ҳисобланади. Бундан барча манфаатдор. Ваҳоланки Хонтингтон айтишича маданиятлар ва цивилизациялар ўртасида фарқ йўқ, цивилизация тушунчаси сиёсийлашади, цивилизациялар диалоги ва алоқалари ҳосиласиздир. Хотамий фикрича тарих башарият ақли ва инсонлар ўртасидаги ишқ-муҳаббат орқали бошқарилади. Ўтмишда ва ҳозирги кунда инсоният бошдан кечирган низо ва урушлар бугунги инсониятга ихтилофларни ечиш йўлларини излашга ундайди. Миллий ўзликни англаш муаммолари, катаклизмалар башарият ақл-тафаккури доирасидаги воқеликдир. Шундай бўлгач, инсоният уларни ҳал этиш йўлларини топа олади. Ваҳоланки, Хонтингтон маданиятни догматизм ва фанатизм манбаи деб ҳисоблайди. Унинг ақидасига кўра тарих ночорликда имиллаб илгарилаб боради, башарият эса тарихий ўзгаришлар асиридир. Келажак ўтмиш томонидан белгиланган ва инсоният фикрловчи ҳайвондир. Ўзликни англаш цивилизациялар даражасидаги катаклизмалар, инсоният келажакини эса ваҳшийлик ва зўравонлик шаклида тавсифлайди. Тарихнинг табиий

ривожланиш қонуниятларини уйдирма деб ҳисоблайди. Инсониятни эса бир-бирига қарши ириллаб турган буриларга ўхшатади. Бинобарин, Ғарбга Жануб маданиятини назорат қилиб туришни тавсиф этади.

2. Хотамий жанобларининг қарашларини ва Ҳонтингтон жанобларининг назариясини бир-бирини тўлдирувчи деб баҳолаш мумкинми, йўқми деган саволга шундай жавоб берган бўлардим. Ҳонтингтон бу икки қарашни бир-бирига зид деб билади. Ваҳоланки, Хотамий жаноблари бу икки қарашни (реализм ва идеализм)ни бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар сифатида баҳолайди. Хотамий ақидасича башариятга ҳаётдаги ҳақиқатнинг мусбат жиҳатларини идеал даражага кўтариш масъулияти юклатилган. Хотамий жаноблари бу фикрни Куръони каримдаги «Биз Парвардигор даргоҳидан эдик ва унга қайтурмиз» деган оятдан илҳомланиб, изҳор этган. Яъни биз Мутлақ мойдан келиб чиққанмиз ва унга нисбат бериламиз, вақт ўтгач эса яна Мутлаққа қайтгувчимиз, деган ақидага эргашади. Ҳонтингтон фикрича, башариятнинг келажаги зиддиятлар ва ихтилофлардан иборат. Бинобарин, Ғарбнинг сиёсатчи арбоблари, хусусан америкаликлар Жанубнинг Шимол баробарида қад ростлашларига қарши ўлароқ ҳарбий қудратдан фойдаланиш керак, деган ақидани ташвиқ қиладилар. Хотамий жаноблари эса башарият ўзлигини англаши керак ва цивилизацияларни бир-бирига туташтириш учун ўз ақлий қуввати ва ташаббускорлигидан фойдаланиши керак деган ғояни илгари суради.

3. Юқоридаги қарашлардан қайси бири тўғри? Бу борада шуни айтиш жоизки, ғносеологик нуқтаи назардан Ҳонтингтон қарашларига кўра, инсон фикрловчи махлукдир. Бинобарин, Ҳонтингтоннинг инсон ҳақидаги қарашлари фатализмга яқиндир. Жаноб Хотамий эса инсонни тафаккур, ирода ва эҳтиромга лойиқ мавжудот, деб ҳисоблайди ва уни ҳайвонлардан фарқли ўлароқ ўз иродаси билан вазиятни ўзгартиришга қодир, деб билади. Ҳонтингтон фикрича, барча нарса сунъий ақлий моделлардан ташкил топган ва унинг инсон борасидаги қарашлари фаталистикдир. Шундай бўлгач, Хотамий жанобларининг башарият ва инсоний илмлар

тўғрисидаги тасавури, Хонтингтон ёзганларига мутлақо зиддир. Унинг фикрларини постмодернистлар ҳам ёқлайдилар ва гноселогик нуқтаи назардан инсоний ва ижтимоий фанлар табиий фанлардан бутунлай фарқ қилади. Бас, шундай экан, хулоса қилиш мумкинки, гноселогик жиҳатдан Хонтингтон қарашлари табиий илмлар парадигмасидан иборат бўлиб, унга кўра табиий илмлар ва ижтимоий илмлар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқликда қаралади. Ваҳоланки, Хотамий жанобларининг башарият тўғрисидаги қарашлари замонавийдир ва у ижтимоий ва инсоний илмларни табиий илмлардан холи ҳолда, деб кўради. Хонтингтон инсонни табиий инстинктлар ва сунъий ақлий тушунчалар етаклаши тўғрисидаги ғояларни илгари суради. Масалан, компьютер ақл асосида иш юритади. лекин у фикрлаш қобилиятидан маҳрум. Бироқ Хотамий жаноблари учун инсоннинг фикрлаш ва қонунийликка таяниши муҳимдир. Унинг фикрига кўра, инсоният фақатгина тарбия олибгина қолмасдан, балки таълим-таҳсил ҳам кўради. Демак, келажакда инсон шу қадар ақлий камолот ва теран фикрлаш даражасига етишадикки, у ўз улуғ номига муносиб ишларни амалга оширади.

Иброҳим Худоёр

## «ШОҲНОМА»ДА МАЪРИФАТ ВА АСЛ НАСАБ МАСАЛАСИ

Оллоҳ таоло номи билан

Эрон ва жаҳонда миллий эпик асар сифатида шуҳрат қозонган ҳаким Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си нафақат бугунги Эрон худудида, балки қўшни ва узоқ мамлакатларда ҳам севиб ўқиладиган асарлардан ҳисобланади. «Шоҳнома» ва ундаги маънавий-маърифий қарашлар халқ оммаси учунгина эмас, балки гоҳида Эрон билан уруш ҳолида бўлган турли мамлакатларнинг шоҳлари ва зодагонлари учун ҳам катта маърифий аҳамиятга эга бўлган. Шу ўринда Сафавийлар давридаги Эрон билан мазҳабий можаролар ва жаҳонгирлик даъвосида уруш олиб борган усмоний султонларининг «Шоҳнома»га бўлган қизиқишлари диққатга

саговордир. Зероки, турк султонларида «Шоҳнома» хонлик бир маданий-адабий анъана бўлган. Ориф (Фатхулло Ажамий) (ваф. 969 ҳ.к) Сулаймон Қонунийнинг шоҳномахони, Алоуддин Мансур Шерозий ва ундан сўнг Луқмон Урмавий Салим иккинчининг шоҳномахонлари эдилар. (Фирдавсий. Доктор Муҳаммад Амин Раёҳий. янги нашр, Техрон 1375 шамс. 345 бет)

Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си Кавказ ва Кавказ орти мамлакатларида, Арманистондан тортиб Гуржистон ва Озарбайжонгача, Туркия, Ўрта Осиё, Покистон ва Хиндистонда севиб ўқиладиган бир асар бўлиши билан бирга бу мамлакатларда яшовчи халқлар маданиятининг ажралмас бир қисми саналади. Фирдавсий ва «Шоҳнома»нинг жаҳоншумул аҳамиятга эга эканлигининг сабаби нимада? – деган савол туғилади.

Бизнингча бу оламшумул шуҳратнинг сабаби, «Шоҳнома»нинг жаҳоний ва абадий рисолатида, «Шоҳнома»нинг боқий ва умумбашарий мундарижасидадир. Бу китобда гурур ва нодонлик, ҳаёт ва мамот, ишқ ва нафрат, уруш ва тинчлик, яхшилик ва ёмонлик, хуллас Ахурамаздо ва Ахриман ўртасидаги доимий аёвсиз курашлар гўзал бир шаклда, бадий ва санъаткорона бир тарзда тасвирланган. Барча миллатлар қалбини ўзига мафтун этган нарса «Шоҳнома»да инсонийликнинг юксак пардаларида тараннум этилганлигидир.

«Шоҳнома» уч асосий – асотирий, паҳлавонлик ва тарихий қисмлардан иборат. Асарнинг қаҳрамонлик қисми алоҳида аҳамиятга молик. Зероки бу қисм асарнинг ўзак руҳи бўлиб, унда асосан Эрон ва Турон ўртасидаги жанглар тасвирланган. Демак бундан «Шоҳнома» дostonлари икки миллат, икки халқ ўртасидаги урушларни акс эттирган, унинг асосини доимий нафрат ва адоват ташкил этар экан, деган хулоса келиб чиқади. У ҳолда нега Турон замин халқлари ҳам Фирдавсий дostonларини севиб ўқийдилар? Демак гап бошқа ёқда. Бу «Шоҳнома»нинг инсонпарварлиги-ю ирқларастликдан холислигидадир. Вайронгарчилик намунасини эса биз бугунги кунда ҳам дунё аҳли қулоғини қоматга келтириб, маданият ва тараққиётдан бонг ураётган XX асрда ҳам кўрмоқдамиз.

XX асрнинг қонли воқеалари ҳали ҳеч кимнинг хотирасидан ўчмаган. Ханузгача XX аср маданиятли инсонларнинг димоғига қон ва порох ҳиди уриб турибди. Эллик миллион нафардан ортиқ кишининг жонини қурбон қилган биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ирқпарастлик ва гегемонлик учун олиб борилган хунрезликлар натижаси эмасмиди? Аммо «Шоҳнома»нинг юксак ғоялари Эрон ва Турон ўртасидаги урушлар, ирқпарастлик ва қаҳру адоватлардан устун туради.

Маълумки, Фирдавсий ҳижрий IV (милодий X-XI) асрда яшади. Бу пайтда у ва унинг халқи ҳамда маданияти уч ярим асрлик тажрибага эга эди. Бу маданиятнинг пояси бўлган ислом динини шоир «Шоҳнома»да ифтихор билан зикр этади:

Туро дину дониш раҳонат дуруст,

Руҳи растагорий бибоядат жуст.

Агар дил нахоҳий ки бошад нажанд,

Нахоҳийки доим буви мустаманд.

Ба гуфтори пайғамбарат роҳ жўй,

Дил аз тирагиҳо бад – ин об шўй.

(«Шоҳнома»и Фирдавсий. Жюль Моль, Доктор Сиёвуш огоҳ муқаддимаси билан, 1 нашр «Гулистони китоб» нашриёти, 4 бет).

(Нажот йўлини излашинг керак. Сени дин ва билим кутқаради. Агар қалбинг афғор, ҳолинг зор ночор бўлишини хоҳламасанг, пайғамбаринг буюрган йўлдан юр ва бу сув билан қалбингдаги гарду ғуборларни юв.)

Ислом динида бир кишининг бошқа биридан устунлиги фақат ва фақат унинг тақвоси ва парҳезкорлигида билинади. Ирқ жинс, тил куч ва бошқа ҳеч қандай тушунча инсоннинг мартабасини белгилай олмайди. «Ё айюҳаннаса инна холақнакум мин закарин ва унса ва жаъалнакум шуъубан ва қабаила ли таорафу, инна акрамакум индаллоҳи атқокум.» (Қуръони Карим, Хужурот сураси, 13 оят).

Исломнинг асосий файз ва моҳияти ҳазрати Муҳаммад (сав)нинг одобларида тажаллий этган. Салмони Форсий, Сухик Румий ва Билол Хабашийлар Курайшлардан тақводорликлари билан асло фарқ қилмасдилар.

«Шоҳнома»ни яратган буюк Фирдавсий ҳам шу диннинг

фарзанди эди ва Яздон ҳидояти ва олий ирққа ишоралар қилгани билан адолат ва инсоф чизигидан четга чикмаган. Шунинг учун ҳам «Шоҳнома»да эронийлар ва туронликлар ўртасидаги узоқ давом этган урушлар ирқпарастлик натижаси эмас, балки минтақада адолат ва ҳақиқатни барқарор этиш учун олиб борилган жанглاردир.

Бу мавзу «Шоҳнома»нинг тарихий қисмида қай тарзда акс этишини кўрсатиш учун баъзи бир байтларни мухтасар таҳлил қилиб ўтамиз. Фирдавсий «Шоҳнома»да қадимги эронийларнинг донолик рамзи бўлмиш Бузургмехрнинг Сосонийлар шоҳи Ануширвон тушунга таъбир қилаётган чоғида айтган сўзлари орқали ўзининг ирқ ва маданият ёхуд асл насаб ва маърифат ҳақидаги қарашларини куйидагича ифодалайди:

Чунин дод посух бад - у раҳнамун

Ки фарҳанг бошад зи гавҳар фузун.

Ки фарҳанг оройиши жон бувад,

Зи гавҳар суҳан гуфтан осон бувад.

Гуҳар беҳунар зору хор асту суст

Ба фарҳанг бошад равон тандуруст.

(Донишманд унга шундай жавоб берди: Маданият (маърифат) ирқдан (асл насабдан) афзалдир. Зеро маданият жоннинг зийнатидир. Асл насабдан гапириш эса анча осон. Асл насаб хор-зор ва бебақодир. Руҳ маърифат билангина боқийдир.)

Фирдавсийнинг фикрича, камида еттита ҳислат - донишмандлик, хоксорлик, ўзини тута билиш, ҳайр эҳсон ва саҳоват, илм-фан, гўзал урф одатларга риоя қилиш пок ахлоқдан иборат бўлган маърифат, ирқпарастлик ва асл насабдан устун туради. Ушбу хусусиятларга эга бўлган ҳар бир инсон жаҳоннинг энг гўзал инсонлари сирасига, мазкур сифатлар билан зийнат топган ҳар бир миллат эса жаҳоннинг энг маданиятли ва тараққий топган миллатлар қаторига киради. Бу биз «Шоҳнома»дан олишимиз лозим бўлган энг муҳим сабоқдир. Зероки шоир барча авлодларга қарата шундай деган эди:

Хунар беҳтар аз гавҳари номдор,

Хунармандро гавҳар ояд бақор.

(Яъни: Хунар энг тоза нав гавҳардан ҳам яхшироқдир.  
Хунарманд эса гавҳарни кўлга киритгувчидир.)

## Шоислом Шомухаммедов ШЕЪРИЯТИМИЗ САРЧАШМАСИ

Минг йил давомида фақат Шарқдагина эмас, Фарб алломалари ва буюк шоирлари, адиблари томонидан ҳам «Шоҳнома» ҳақида ажойиб гаплар айтилган ҳамда бу дохиёна асар жуда юксак баҳоланган. Аммо «Шоҳнома»нинг бутун бойликлари, барча фазилатларининг тагига етиб, уларни таърифлаб тугаллай олмаганлар.

Ушбу қисқа мақоламда «Шоҳнома»нинг фазилатларини батамом қамраб олиб, уларни тўлиқ баён этолмасам-да, бир нечасинигина санаб ўтмоқчиман.

Аввало шуни айтиш жоизки, бундан минг йил муқаддам яшаб, ижод этган дostonчиликнинг моҳир устои, ўз замонасининг буюк алломаси Ҳаким Абулқосим Фирдавсий халқ оғзаки ижоди бойликларини чуқур ўрганиб, уларни бир улкан китобда бадиий ифода эта олди.

Улуғ Фирдавсий «Шоҳнома»си майдонга келган кунданок кимнинг мутолаасига тушса, унинг дилига завқу шавқ бахш этган, қайси диёр тупроғига қадам қўйса, унда донғи кетган, қайси бир мамлакат шоҳлигига насиб этса, унда шўришу гавғо кўтарган, ниҳоят минг йиллик даврда бутун жаҳонни забт эта олган, шундай узоқ умр кўрса ҳам қариб қолмаган, билакс, тобора навкирон қудрати, ёшлик таровати оша борган фавқулодда ажиб бир асардир.

У – Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг тўрт мингта яқин даврини ифодаловчи афсонавий ва ҳақиқий тарихи.

У – ушбу даврда Ўрта Осиё ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ халқлари яратган афсоналар, эпик дostonлар, ҳикоят ва ривоятлар қомуси.

У – жуда содда ва жуда мураккаб ҳодисаларни ажойиб уйғунлик билан бир катта дostonга бирлаштириш маҳоратининг ёрқин намунаси.

У – араб тилининг 200 йиллик ҳукмронлигидан кейин форсий тилни тахтга миндирган, ажам халқлари ўтмиши ва маданий бойлигини байроқ қилиб кўтарган, унинг равшан нури тиниқ тароватини кўз-кўз қила олган ҳамда тарихий ўрнини аниқлаб бера олган, ватанпарварлик туйғуларини энг баланд пардаларда васф эта олган куй.

У – Шарқ мумтоз шеърияти ва халқ ижодиётида вояга етган ифода воситаларни ўзида жамлаган, уларга сайқал бериб, янги юксакликларга кўтара олган, ўрта аср талабига биноан уларнинг ўрнини мустаҳкамлаб, қонунлаштирган маҳорат мактаби.

У - ҳозиргача навқиронлик ҳусну-тароватини йўқотмаган, аммо шу билан бирга ўз даври кишилари, бундан X-XI аср илгари яшаган ватандошларимизнинг фикру ўйлари, кураш ва ташвишларини тасвирлаган, улар дилини бизга ёритиб бера олган кўзгу.

У – Ўрта Осиё ва Эрон ерлари, одамлари ҳақидаги энг яхши асар бўлиши билан бирга умумбашарий ҳис-туйғуларни куйлаш олган одамийлик, яъни инсонпарварлик ғояси ниҳоятда юксак ифодаланган мусиқа.

У – қаҳрамонликка ундовчи бир нидоким, бу ҳақда форс шеъриятининг улуғ намояндаларидан бири XII аср шоири Анварий:

Ҳар он қаски шоҳномахоний кунад,

Агар зан бувад, қаҳрамоний кунад.

Яъни:

Кимики, у шоҳномахонлик қилур,

Аёл бўлса-да қаҳрамонлик қилур.

деган эди.

Шоҳнома – Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Шота Руставели, Гёте, Байрон, Пушкин, Лев Толстой ва бошқа ўнлаб Ғарб ва Шарқ адабиёти даҳолари ижодида жилва этган нур, улар ижодидаги Рустам, Баҳром, Искандар, Фарҳод, Сиёвуш, Гурдофарид, Ширин, Дилором образларини яратишга илҳомлантирган манба.

У – шеърият сарчашмаси.

Мазкур фазилатлардан ҳар бирининг исботи учун



«Шоҳнома»дан кўплаб мисоллар келтириб, уларни истаганча далил-ҳужжатлар билан мустаҳкамлашимиз мумкин. Аммо ушбу кичик бир мақолада бунинг имкони жуда оз.

«Шоҳнома»нинг фақат битта жиҳатига тўхталиб ўтмоқчиман. Бу «Шоҳнома»нинг шеърят манбаи эканлиги хусусида. Унинг бу фазилати ўрта аср Шарқ адабиётшунослигида ҳам, аҳли шуаро орасида ҳам тан олинган. Айниқса дostonчилик устозлари Асадий Тусий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар Фирдавсий анъаналарини давом эттириб, Жамшид, Рустам, Баҳром, Фарҳод, Кайковус, Кайхусрав, Искандар ва бошқа образларни такомиллаштириб, алоҳида дostonлар ёзганлар ёки хатто лирик асарларида ҳам «Шоҳнома» қаҳрамонлари образларини кенг кўламда кўллаганлар. Бундан кўпчилик ўқувчилар хабардор.

Аммо мен шунга амин бўлдимки, кичик лирик шаклдаги шеърятимизда ҳам кўпгина фалсафий фикрлар манбаи «Шоҳнома» экан.

Масалан, Умар Хайём «Рубоиёти»ни олиб қарайлик.

Маълумки, бутун жаҳонни ўз тасарруфига олган Хайём рубойларидаги ҳаёт тадқиқоти, ҳаёт-мамот масалаларини ўта ҳаққоният билан ифода этган фалсафий фикрлар жуда кўплаб замон ва макон китобхонларини ҳайратга солган ва ҳайратлантириб келмоқда. Аммо Хайёмни ўқиётиб, қалбларимизни ҳаяжонга солган кўпгина фавқулodда фикрларни биз «Шоҳнома» сатрлари орасида ҳам учратганимизни эслаймиз.

Аввало, биз бу рубойлардан ҳам «Шоҳнома» қаҳрамонлари – Фаридун, Кайковус, Рустами Дoston, Жамшид, Баҳром ва бошқалар тимсолидан жойи-жойида ва маҳорат билан фойдаланилганининг гувоҳи бўламиз:

Масалан:

Шодлик истама, қўй, умринг бир дамдир,

Тупрокда ҳар зарра Кайкубод, Жамдир.

Жаҳону борликнинг иши бир йўла–

Уйқудир, ҳаёлдир, ҳийладир, ғамдир. (№91)

(Умар Хайём. Рубойилар. Т., 1985 й.)

Бу саройда Жамшид ичар эди жом,  
Энди кийик, тулки олади ором.  
Бир умр кулонлар овлар эди у,  
Ўлимга кулондай овланди Баҳром. (№117)

Танангда бор экан томир, суяк, пай,  
Яшайвер тақдирнинг уйдан чиқмай.  
Ёв Рустам бўлса ҳам бўйнингни эгма,  
Миннат чекма дўстинг бўлса Хотам Той. (№396)

Юқорида айтилганидек, рубойилардаги айрим фалсафий фикрлар ва ахлоқий ақидаларда ҳам «Шоҳнома» нафаси сезилиб туради:

Бирор киши чиқиб ҳар замон мана мен дейди,  
Моли сийму зари бор чунон, мана мен дейди.  
Иши ривож топиб турганда, бир кун ажал,  
Пистирмадан чиқиб ногоҳон, мана мен, дейди. (№314)

каби Хайём сатрлари ўзидан 100-150 йил муқаддам ёзилган ҳаким Фирдавсийнинг қуйидаги мисралари билан нақадар ҳамо-ҳанг:

Ажаб иш кўрсатур бу чархи баланд,  
Бир қўлида тожу, бирида каманд.  
Тожу тахт эгаллаб қувнаб турган чок,  
Бирдан келиб тушар бўйнингта сиртмоқ. (Сухроб, 515-бет)  
(Фирдавсий «Шоҳнома», 1-китоб, Т., 1975 й.)

«Шоҳнома»дан яна бир мисол :

Эй чарх, ўриб ташлаш гар бўлса одат,  
Экмоқ, ўстирмоқлик бизни не ҳожат?  
Бу кун кўтарарсан бировни юрсак  
Эрта тупроқ аро жонсиз бир кесақ. (Ғахмурос, 60-б.)

Хайёмда:

Бу кун бахтинг боғи гулга тўкиндир,  
Қўлинг нечун майсиз? Юрагинг тиндир.  
Май ичгил замона алдамчи бир ёв,  
Бундай кунни топмоқ жуда қийиндир.(№65)

Фирдавсийда:

Дунёга ишонма, кўнгил боғлама,  
Дунё алаמידан дилинг доғлама.

Унда вафо йўқдир ва йўқдир бако,  
Шундайдир бошидан охир бу дунё.(1-т.687)

Хайёмда:

Мен кетдим чунки бу жаҳони бедод,  
Бунда яшамоқнинг охири барбод.  
Ким қочиб қутилса ажал дастидан,  
Майли ўша бўлсин ўлимимдан шод.(№349)

«Шоҳнома»да:

Деди: «Бу жаҳонда билмасанг, билгил,  
Истаб тополмассан бирор беғам дил.» (3 т. 520)

Умар Хайёмда:

Олам бари меҳнат кунларимиз ғам,  
Фалак иши офат айёми ситам.  
Ҳар ён назар солдик кўп кездик олам,  
Бирор кимса йўқдир дили хотиржам.(№32)

Фирдавсий:

Шундайдир беш кунлик дунё қилмиши,  
Шуни билгач, ундан ранжимас киши,

Андух чекмай бода ичгил буду шаб,  
Дил тўла мусиқа, кулгу тўла лаб. (3 т. 531)

Хайёмда:

Жахонда ғам ема, қўлингдан келса,  
Яхшимас бор-йўқдан дил дардга тўлса.  
Беш кунлик дунёда шодлик-ла еб-ич,  
Бир дон элтолмассан хазининг бўлса. (№126)

«Шоҳнома»да:

Дунё шу бу сирга топилмас калит,  
Қидириб ўзингни айлама ҳит.

Бир эшик бу ҳеч ким очолмас кушод,  
Беҳуда этмагил умрингни барбод. (1 т. 526)

Хайёмда:

Билоғонлар бор-ди ўхшаш офтобга,  
Ҳар бири хазина илму одобга.  
Бу қоронгу тундан йўл топишолмай,  
Бирор афсона деб кетдилар хобга. (№187)

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг кўпида мазкур шоирлар дунёнинг ноқислиги, бевафолиги, умрнинг қисқалиги, энг олий мавжудот – инсоннинг нокомлиги ҳақида ўта ачиниш ва таассуф билан гапирдилар, бу ҳақда хазрати Одам нуқтаи назаридан сўзлаб, унинг бахти ва хотиржамлиги учун курашадилар, улар Одамга роҳат-фароғат, баркамоллик истайдилар. Дунё эса бебақо ва ситамкор. Ана шунга куйинадилар. Хайём ҳатто бу дунёни ўзгартириш, қайтадан қуриш фикрига тушиб исён кўтаради:

Фалакка ҳукм этган тангридай бўлсам,  
Фалакни этардим ўртадан барҳам.

Янгидан шундай бир фалак тузардим.  
Яхшилар тилакка етарди ул дам. (№ 343)

Бу икки даҳонинг энг улуғ орзулари – бу дунёдан қайғуни  
батамом йўқотиб инсонга эзгулик – бахтли ҳаёт бахш этиш:

Такдир лавҳасида ҳукмим бўлғонда,  
Майлимча ёзардим уни шул онда.  
Қайғуни дунёдан йўқотиб буткул,  
Шодликдан бўларди бошим осмонда. (№ 427)

Шу мазмундаги мисраларни «Шоҳнома»дан ҳам келтириш мумкин. Олимлар форс адабиётидаги изчил гуманизм босқичининг бошланишини Умар Хайём рубойларига тақаб келганликларини эсларканмиз Ленинград университети ўқув программасида Умар Хайём ҳақида «Основоположник гуманистического мировоззрения в персоязычной литературы» деб ёзилган (тузувчи проф. А.Н.Болдырев) бу фикрни буткул инкор этмаган ҳолда, шуни кўрсатмоқчимизки, аслида бу соҳа ҳам Абулқосим Фирдавсий илғорлик қилган, «Шоҳнома» эса ўзидан кейинги ёзилган асарлар учун манба вазифасини ўтаган.

Чуқур инсонпарварлик, Саъдий ибораси билан айтганда, «одамийлик» ақидаларини ифода этувчи Хайём рубойлари илдизини ҳам «Шоҳнома»дан топиш мумкин.

Мана Хайём томонидан инсонга берилган баҳо:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин қораси – жавҳари ҳам биз.  
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,  
Шаксиз унинг кўзи – гавҳари ҳам биз. (№ 339)

«Шоҳнома»да ҳам:

Замона чиройи одамдан фақат,  
Одамдан топадир ҳар нарса қиймат. (Зол ва Рубода, 185)

каби байтларни келтириш мумкин.

Фирдавсий китобни Акл васфидан бошлайди. Ундан кейингина оламнинг, ой, куёшнинг яратилиши ва бошқа мавзуларга ўтади.

Шуниси қизиқки, Фирдавсий дostonлари ва Хайём рубойлари композициясида ҳам ўхшашлик, аниқроғи бир хиллик топамиз.

Маълумки, форсий шеърятнинг энг катта шакллари дан бўлган дoston – маснавийда ҳар бир асар, ҳар бир дoston ўз чўпкори – ўз композициясига эга. Ҳар бир кичик асар қатори рубой ҳам шундай.

Агар биз «Шоҳнома» дostonлари композициясига эътибор берсак, шоир воқеаларни бетартиб тасвирлаб келади-да, охири май базми билан тугаллайди, яъни майга мурожаат этади. Умар Хайём рубойларининг ҳам кўпчилиги шундай тугайди:

Бадбахтмен, гуноҳдан ҳеч қутулмадим.  
Аммо будпарастдек ноумид бўлмадим,  
Тонг чоғи уйғонсам бош оғриғидан,  
Маю маъшук керак, жаннат демадим. (№ 104)

Ёки:

На иссик, на совук, чиройли баҳор,  
Булут гул юзидан ювади губор.  
Сариқ гулга булбул юрак тилидан  
Фарёд қилиб дейди: «май ичсам даркор!» (№138)

Бунда ҳаким Фирдавсий услубининг тадрижий давоми кўринади.

Модомики, фалакдан мадад кутиш беҳуда экан, Хайём ибораси билан айтганда «фалакнинг ўзи инсондан ожизроқ ва бечорароқ» экан, ҳар икки даҳо шоиримиз ҳам инсонларни бир-бирига зулм қилмасликка, меҳрибонлик ва яхшилик қилишга, эзгуликка, жаҳонда фақат яхши ном қолдиришга чақирадилар.

Аммо дунё сирлари, ҳаёт маъноси, одамнинг унда тутган ўрни, унинг орзу ва умидлари, интилишлари ҳақидаги ва бошқа фалсафий қарашлардаги уйғунликни мушоҳада этар эканмиз,

буларни ҳаким Фирдавсий ҳаким Хайёмдан 100-150 йил аввал айтганлигини ёки шеъриятга киритганлигини қайд қилишимиз, «Шоҳнома»нинг ҳақиқатан шеъриятнинг туганмас манбаи эканлигини тан олишимиз лозим бўлади.

## Абдуқодир Хайитметов «ШОҲНОМА» ВА ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ

Дунё адабиётининг шоҳ асарларидан бири Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»дostonи бўлиб, шоир уни X аср 70 йилларида ёзишга киришган ва 993-94 йилларда тугаллаган эди. Достонни яратишга шоир ўз умрининг ўттиз йилини бағишлаган бўлиб, бу асарнинг қандай юзага келганлиги, шоир тирик вақтида бу асар ўз қадрини топмагани, шоир ҳаётининг эса аянчли тугагани ҳақида кўпгина ривоятлар мавжуд.

Лекин шоир вафотидан (1020-1030 йиллар орасида) кейин «Шоҳнома»нинг доврўғи ой сайин, йил сайин орта борди. Узоқ Баласоғунда (Қорахонийлар давлати ҳудудида) яшаб ижод қилган Юсуф Хос Ҳожиб 1069-1070 йилларда унинг вазни (мутақориб)да «Қутадғу билиг» достонини яратган ва эронийлар бу асарни туркий «Шоҳнома» сифатида қабул қилган эдилар.

Фирдавсий достони форсий тилда ёзилган бўлса ҳам, лекин ўзбек китобхонлари, хусусан шоир ва адиблари унга доим яқиндан муносабат билдирдилар.

Уни ўқиш, ўрганиш, унинг образларидан фойдаланиш адабий ҳаётда секин-аста умумий қоидага айланди. «Шоҳнома» қаҳрамонларидаги паҳлавонлик, жанговорлик, адолатпарварлик, маърифатпарварлик хусусиятлари ўзбек шоирлари асарларида Олтин Ўрда, Хуросон, Мовароуннаҳрдаги ҳукмдорларга нисбат берила бошлади. Бу эса ерли ҳукмдорларга ҳам хуш келар, ўзларини «Шоҳнома» қаҳрамонлари даражасида тасаввур этишдан завқланар эдилар.

Масалан, Хоразмий (XIV аср) «Муҳаббатнома»да Олтин Ўрда хони Муҳаммад Хўжабекни мадҳ этар экан, уни афсонавий Жамшидга қиёслади. Чунки унинг даврида кишилар ғам-андух, касаллик, қарилик, ўлим нима билмаганлар,

хурсандчиликда ҳаёт кечирганлар:

Муҳаммад Хўжабек – Жамшиди Соний,  
Жаҳоннинг орзуси, халқ хони.

Халқ шундай подшоҳларни орзу қилиши табиий. Муҳаммад Хўжабекнинг саҳийлиги тўғрисида гап борганда эса, шоир уни «Шоҳнома»нинг бошқа бир қаҳрамони, катта хазиналар эгаси – Фаридунга ўхшатади, ҳатто ундан юқори кўяди. Чунки Хўжабек ўз бойликларини камбағал, қашшоқ, «мискин»ларга беришга тайёр турган:

Фаридун Ганжини мискинга берур.

Хоразмий Хўжабекнинг жанговорлик сифатлари билан «Шоҳнома»даги паҳлавон Рустамдан кам эмаслигини, жанг вақтида қўлида қилич билан душманга далил ташланишини ва унинг сафларини ёриб ўтишини таъкидлайди:

Агар десам сени Рустам, – ярарсен,  
Қиличинг бирла сафларни ёрарсен.

«Таашшукнома» муаллифи Саййид Аҳмад ҳам Хуросон подшоси Шоҳрух шахсини улуғлашда «Шоҳнома» тимсолларига мурожаат этган ва улардан яхши фойдалана олган:

Шаҳоншоҳи жаҳон, Доройи аъзам,  
Фаридун сийрату Жамшид макдам,  
Сулаймон талъату Кайхусрав иршод,  
Скандар шавкату Нўширвон дод.

Ўзбек шоирларининг ўз ижодларида бу хил бадий усуллардан тез-тез фойдаланиб туришлари уларнинг тасвирларига ёрқинлик бағишлаган ва уларнинг гоё ва ниятларини чуқурроқ ифодалаб берган. Айни вақтда бу усул кўринишлари уларнинг улуғ Фирдавсий адабий маҳоратига тан беришлари белгиси ҳам эди. Бу хил мисолларни ўзбек



дунёвий адабиётидангина эмас, кейинги давр шоирларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шарқ адабиётида бошқаларнинг асарларидаги қаҳрамонлар номларини ўз асарида турли мақсадларда эслаш, эслатиш талмеҳ деб аталган. Аммо талмеҳнинг яширин хили ҳам бўлган. Яширин талмеҳда бошқа асар қаҳрамонларининг қилиғи, ишлари эсланган ҳолда исми айтилмайди. Масалан, «Ҳайратул-аброр» достонида Алишер Навоий юқори даражадаги сахий одам қандай бўлиши кераклиги ҳақида мулоҳаза юритар экан, бундай зот дарёнинг ёнида бўлиб, ундан бир томчи сув тамаъ қилмайди, бир одам ярадор бўлиб инграб ётган бўлса, ўзига олиб қўйган мар ҳамни ҳам ундан аямайди, – дейди:

Баҳрга етса, тиламас шабнаме;  
Захми кўрса, аямас марҳаме.

Бизнингча, бу ўринда Навоий «Захми кўрса, аямас марҳаме» деганда «Шоҳнома»даги эрон шоҳи Кайковусни кўзда тутган. Суҳроб қаттиқ ярадор бўлиб, ўлим тўшагида ётганда отаси Рустам Кайковус олдида дори сўраб боради, лекин Кайковус бермайди. Бу – Суҳробнинг ўлимига сабаб бўлади. Рустам Кайковусга узоқ йиллар садоқат билан хизмат қилган эди. Навоий сахийликни улуғлаш билан бирга қизғанчиқликни маълум даражада Фирдавсий асаридаги тимсол орқали қораламоқда.

Навоий бир умр «Шоҳнома»ни ўқиган, ўрганган, ундаги маҳорат сирларини эгаллашга интилган. Масалан, Навоийнинг йиғитлик йилларида Саййид Ҳасан Ардашерга 1464-1465 йилларда йўллаган шеърининг мактубида Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си бўйича юритган мулоҳазалари гоят қизиқарли. Навоий шу даврдан бошлаб бошлабоқ буюк ҳамсанавислардан Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий билан бир қаторда Фирдавсийнинг энг улуғ намоёндаси деб ҳисоблаган. Навоий фикрича, Фирдавсийнинг дostonчиликда кимлигини «Шоҳнома»даги Рустам образининг ёрқин кўрсатиб турибди. Бугун ҳаёти, куч ва ғайратини халқ ва Ватан ишига сарф

этган паҳлавон Рустам образини ниҳоятда ёркин ва мукаммал ишлаш билан Фирдавсийнинг ўзи ҳам шеърӣй ижод соҳасида ажойиб жасорат кўрсатган! – дейди Навоӣй ва уни «гурд» – қаҳрамон деб атаиди:

Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,  
Ки гар келса Рустам жавобин берур.

Навоӣйнинг бу мактабдаги талқинига кўра, жаҳон адабиёти тарихида қаҳрамонлик дostonлари яратишда Фирдавсийга тенг келадиган шоир йўқ. Бунга ҳамма иқрор. Янги «Шоҳнома» яратмоқчи бўлган кўп шоирлар ҳам охиросибатда унга тан берганлар. Бунга Фирдавсий аввало ўттиз йил тинимсиз меҳнат қилиш орқали эришган эди. Бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларни Навоӣй катта самимият ва ҳурмат билан очик ва равшан ифодалаган:

Рақам қилди фархунда «Шоҳномае»,  
Ки синди жавобида ҳар хомае.  
Мусаллам дурур зоҳиран ул иши,  
Ки марзаға келмайдурур ҳар киши.  
Деди ўз тили бирла ул кони ганж,  
«Ки си сол бурдам ба «Шоҳнома» ранж».

Охирги мисрада Навоӣй бошқа шоирдан шеърӣй иқтибос келтириш (тазмин) санъатини кўллаган бўлиб, ўз фикрини Фирдавсийнинг ўз сўзлари билан далиллаган. (Мисра таржимаси: «Ўттиз йил ранж чектим «Шоҳнома» устида!»).

Навоӣй мактубида ва унинг «Садди Искандарий» дostonида Фирдавсий-Навоӣй ижодий муносабатларига оид яна бир муҳим гап бор. Юқорида айтганимиздек, бу мактубда Навоӣй Фирдавсийнинг «гурд» – «қаҳрамон» деб атаган. 1484-1485 йилларда Навоӣй ўз «Ҳамса»сининг бешинчи дostonи – «Садди Искандарий» устида ишлар экан, маълум муддат ўзини беҳол сезади. Чунки олдинги тўрт дostonни шоир қисқа муддат (1483-1484 йиллар) ичида ёзган, бу эса уни анча чарчатган эди. Шоир ўзининг бу аҳволини оёқ остида қолган чумоли

(«мур»)нинг аҳволига қиёслайди:

Не кўнглунгда қувват, не жисмингда зўр,  
Нечукким оёғ остида қолса мўр.

Шоирда «Хамса»ни ёзиб тугаллай олмаслик хавфи туғилади. Шунда ғойибдан хотифнинг нидоси келиб, уни бўшашмасликка, («сустой маслиқка»), ҳар қандай кийинчиликларни енгиб, ўзининг улуғ мақсадини амалга оширишга даъват этади. Хотиф Навоийнинг ўз «Хамса»сини охирига етказиш билан ўз халқи, ватани учун жуда катта вазифани амалга оширишини, бу хизмати туфайли у халқ дилидан қаҳрамон сифатида ўрин олажагини башорат қилади:

– Ки бу мулк аро қаҳрамон бўлғасен.  
Улус ичра соҳибқирон бўлғасен.

Бизнинг фикримизга, Навоийни «Хамса»ни ёзиб тугатишдек бир ишга даъват этган ва илҳомлантирган хотиф Абулқосим Фирдавсийнинг руҳи эди. Навоий Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган хатида Фирдавсийнинг «гурд» (қаҳрамон) деб атаган бўлса, бу ўринда хотиф ҳам Навоийни Фирдавсий каби қаҳрамон бўлишга ундайди. Бу эса Навоий ҳаётида катта ижобий натижа бериб, унинг «Хамса»си тез ниҳоясига етган. Бинобарин, «Хамса»ни яратиш жараёнида Навоийга Низомий, Ҳусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий билан бир қаторда Фирдавсий ҳам устозлик қилган, руҳан мададкор бўлган. Мен хусусан «Садди Искандарий» достони маълум даражада Фирдавсий «Шоҳнома»сига ҳам жавоб сифатида ёзилган, – деб ҳисоблайман.

Умуман, ўтмишда Фирдавсий «Шоҳнома»си қадимиятни ва адабий маҳорат сирларини ўрганишда, бадиийлик чўққиларини белгилашда шоирлар учун ҳам, адабиёт олимлари учун ҳам юксак мезон вазифасини бажариш дейиш мумкин. Бунга XV асрнинг биринчи ярмида фаолият кўрсатган, Улугбекнинг замондоши, катта адабиётшунос олим ва шоир Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг «Фунунул-балоға» номли илмий тадқиқоти ёрқин мисол бўла олади. Бу асарнинг

фотокопияси, аввал хабар қилинганидек профессор Э.Умаров саъй ҳаракати билан АҚШдан Ўзбекистонга олиб келинди.

«Фунунул балоға» 1436-37 йилда ёзилган ўзбек тилидаги биринчи илмий асар бўлиб, муаллиф нусхасида беш қисмдан иборат бўлган. Унинг биринчи қисми шеър турлари масалаларига, иккинчи қисми қофия ва радиф изоҳларига, учинчи қисми Шарқ адабиётининг бадиий санъатлари таърифларига, тўртинчи қисми аруз вазни талқинларига бағишланган. Шеърнинг муаммо турини тушунтиришга оид охирги қисм бизгача етиб келмаган.

Шайх Аҳмад бу рисолада адабиётшунослик муаммоларига тўхталар экан, йўл-йўлакай бу масалаларни исботлаш, ойдинлаштириш учун ўзбек ва форс- тожик адабиёти намоёндалари ижодидан юзлаб шеъррий мисоллар келтиради. Улар орасида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»дан келтирилган мисоллар алоҳида таҳсинга сазовор. Масалан, Шайх Аҳмад бароати истехлол деган бадиий санъат турини тушунтирар экан, бу сўз санъати дostonларда бирон қисса ёки ҳикоянинг асосий мазмуни, унинг қандай тугалланишига ишора қилинишини билдиради дейди ва бунга «Шоҳнома»даги Сухроб дostonининг биринчи байтини мисол келтиради:

Агар тундбоди барояд зи ганж,  
Ба хок афканад норасида туранж.

Таржимаси:

Хазинадан қуюн кўтарилса,  
Аввал хом туранж (апелсин)лар ерга сочилади.

Ерга тўкилиб, нобуд бўлаётган апельсин – бу Сухроб, узаро келишмовчилик ва ёвузчилик туфайли бевақт ҳалок бўлган қаҳрамон йигит. Сухроб ҳақидаги дoston унинг ўлимини тасвирлаш билан тугалланган. «Шоҳнома»нинг илмий-танқидий матнида бу байт дoston бошида келган ҳолда, бошқа оммавий нашрларда учинчи байт бўлиб келади. Бу ҳолда у бароати истехлол бўла олмайди. Шайх Аҳмад унинг бароати истехлол санъатига тегишли эканини, бадиий юксаклигини таъкидлаган. Акс ҳолда бу байтнинг бадиий

қимматиға путур етади.

Шайх Аҳмад шеърнинг маснавий тури ҳақида мулоҳаза юритар экан, бунга ҳам биринчи бўлиб «Шоҳнома»дан мисол келтиради, бунда Фирдавсийнинг устоз эканини «устод уш-шуаро» «маликул-калом» иборалари билан алоҳида уқтиради.

Бадий санъатлардан муболағанинг игроқ турига Шайх Аҳмад Фирдавсийдан яхши мисоллар келтирган. Масалан, улуғ шоир қаттиқ жанг вақтидаги тўс-тўпалон, шовқин-суронни куйидаги каби жонли байтлар орқали тасвирлаган:

Зи суми сутурон дар он паҳно дашт

Замин шаш шуду осмон гашт ҳашт.

Таржимаси:

Отлар туёғидан кенг дашт бўйлаб,

Замин олти бўлди, осмон саккиз.

Яъни отлар ерни шу қадар чангитибдики, натижада етти қават ернинг бир қавати чангга айланиб, олтига осмон эса бир қават қўшилиб саккизга бўлиб қолибди. Чиндан ҳам бу юксак муболаға! «Шоҳнома»дан сиёқул-эъдод, тажнисул-носик, сеҳрул-ҳилол каби санъатларга келтирилган намуналар ҳам гўзал. «Фунунул-балоға»да бундай мисоллар микдори йигирмага яқин.

Хуллас, бу айтилганлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда «Шоҳнома» талқинлари бой ва узоқ тарихга эга. Бизнинг давримизда бу юксак асар қатта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Ботир Валихўжаев

МИРИЙ - «РУСТАМ ВА СУҲРОБ»

ТАРЖИМОНИ

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си яратилган даврдан бошлаб шарқда шуҳрат қазонди. Бу улкан асар фақат форсийгўйлар орасидагина эмас, балки туркийгўйларнинг орасида ҳам кенг тарқалди. Улар турли тарзда бу асар билан танишдилар: уни таржима қилдилар, насрий баёнини яратдилар, ундаги тимсоллар, тасвир усул ва услубларидан илҳомланиб, янги-янги бадий тарихий асарларни яратдилар.

Бундай умумбашарий аҳамиятга молик бўлган асар билан ўзбек китобхонларини баҳраманд этишда XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб фаолият кўрсатган Очилди Мирий Каттақўрғоний ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди.

Очилди Мирий (1841-1899) ўз даврининг зуллисонайн шоири сифатида турли навъларда шеърлар ёзди, қатор дostonларни яратди. Туркий ва форсий адабиётлардан яхши хабардор бўлган Мирий, бир томондан, шу адабиётлардаги умумбашарий аҳамиятга молик бўлган анъаналарни ўзининг бадий ижодида давом эттирган бўлса, иккинчи томондан, улардаги нодир адабий ёдгорликлар билан туркийгўйларни баҳраманд этишга ҳаракат қилди. Ана шу туфайли у Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига ҳам мурожаат қилиб, ундаги «Рустам ва Сухроб» достонини умрининг охиригача, яъни 1898 йили 59 ёшда эканлигида ўзбек тилига ўгирди. Бу ёшда Абулқосим Фирдавсий «Рустам ва Сухроб» достонига мурожаат этишга шоирни нима мажбур этган эди, деган савол киши кўнглидан ўтади. Бу саволга Мирий ўзининг достонидан ниҳоятда аниқ ва пишиқ жавоб берган. Маълумки, Абулқосим Фирдавсий қарилик чоғларида (65 ёшида) 37 ёшар ўғлидан ажралиб, ўзининг бу даврдаги ҳолатини шундай баён этади:

Маро сол бигузашт бар шасту панж,  
На неку бувад биёзам ба ганж.  
Магар баҳра гирам ман аз панди хиш,  
Барандишам аз марги фарзанди хиш,  
Маро буд навбат, бирафт он жавон,  
Зи дардаш манам чун тани биравон...  
Бирафту гаму ранжаш эдар бимонд.  
Дилу дидаи ман ба хун дарнишонд.

Бундай ҳолат, Очилди Мирий бошига ҳам тушган эди. 1898 йилда Очилди Мирий бирданига иккита ўғлидан (бири 33 ёшда, иккинчиси 23 ёшда) жудо бўлиб, руҳан ниҳоятда қийналади.

Ташлаб мени кетди икки фарзанд,  
Бағрим айириб, икки жигарбанд.

Ана шу оғир мусибатни оз бўлсада, енгиллаштириш мақсадида ўзининг кайфиятига мос келувчи «Ғамнома»ларни ахтарар экан, Абулқосим Фирдавсийнинг «Рустам ва Сухроб»и унинг диққатини ўзига тортади ва шундай ёзади:

Фирдавсийким, мулки назм шоҳи,  
«Шоҳнома»дир бу сўз гувоҳи...  
Ким андин бўлуб фасона оғоз,  
Рустам ғамидин тарона оғоз...  
Бу қиссага обу ранг бермиш,  
Ё ҳам қад учун хаданг бермиш.  
Фикр этдим ўзум ўзумга монанд,  
Рустам ғамидур ғамимга пайванд,  
Онинг ғамидин қилай фасона,  
Ўз мотамим этгали баҳона.  
Шоядки бу қиссадин ўсонсам,  
Бетоқат улушларимни ёнсам.

Демак, ота-Фирдавсий, ота-Рустам, ота-Мирийларнинг ўзаро ўхшаш тақдирлари – ўғилларидан жудо бўлишлари бу икки шоирни ҳамда Рустамни бир-бирларига маънавий жиҳатдан боғлайди. Бошқача айтганда, инсон билан боғлиқ бўлган кайфият ва кечинмалар ҳамма замонларда уларни бир-бирлари билан яқинлаштирган. Ана шу мақсадда Мирий ҳам «Рустам ва Сухроб»да фақат ўзининг кайфияти изҳорини кўриб қолмай, балки ундан сабоқ олиш яхшилик, нишот, фархундаликка олиб келишини ҳам назарда тутган:

Менким бу иш ихтиёр қилдим,  
Ҳайхот нетурфа кор қилдим.  
Бу қиссани назмида чекиб ранж,  
Туркий тили бирла мен гуҳарсанж...  
Турк аҳли очиб ниқоб мундин,  
Фирузлиғ ичра рўзгорим,  
Фархундалиғ айла хатми корим.  
Андоғ очилиб гули нишотим,  
Йўл берса тариқи инбисотим.

Маълумки, XIX асргача ҳам Фирдавсий «Шоҳнома»сини туркий-ўзбек тилига ўгириш тажрибалари бўлган. Аммо уларнинг Мовароуннаҳрда амалга оширилганлари асосан назму наср тарзида эди. Шу жиҳатдан Очилди Мирийнинг «Рустам ва Сухроб»ни назмда ўгириши диққатга сазовордир.

Мирий қалами билан майдонга келган «Рустам ва Сухроб» достонида Абулқосим Фирдавсий асарининг асосий воқеа ва қахрамонлари сақлаб қолинган бўлса-да, аммо уни аслиятнинг сўзма-сўз таржимаси эмас, балки эркин талқини деса бўлади. Бундай эркинликни шундан ҳам билса бўладикки, Мирий аслиятдаги айрим лавҳаларни қисқартиради. Масалан, Абулқосим Фирдавсий достонининг охирида Сухробнинг ўлимини эшитган онаси – Таҳмина қаттиқ изтироб чекади, унинг (Сухробнинг) уйда қолган буюмлари ва от-анжомларини дарвешларга бериб юборади ва бир йилдан сўнг вафот этади. Мирийда эса бу воқеа анча қисқартирилган, Сухробнинг ўлимини эшитган Таҳминанинг оҳу фиғони ортади. Мирий шу билан воқеани тугатади. Кўринадики, Абулқосим Фирдавсий достонининг хотимаси билан Мирийнинг талқини орасида фарқ бор. Бу фарқни қандай изоҳлаш мумкин? Бизнингча, Абулқосим Фирдавсий достонида она ўз ўғлининг кийим ва қурол-анжомларини бировга бериши ўша даврдаги расм-русм билан боғлиқ бўлса керак. Мирий замонасида эса бундай одат йўқ. Аксинча, энг яқин кишининг нарсабуюмларини муқаддас ёдгорлик сифатида сақланарди. Худди шундан келиб чиқиб, Мирий аслиятдаги юқори таъкидланган воқеаларни қолдириб, уни қуйидагича тугатади:

Таҳминаки бор онаси онинг,  
Сухроб эди боласи онинг.  
Муҳлик хабарида зор онаси,  
Афзун эди не бало балоси.  
Афғон била қилди кўзларин кўр,  
Беҳуш йиқилди, бўлди ранжур.  
Гулзор узорин этди гулгун,  
Гирноғ ила риш кўргузуб хун.  
Зулфики каманди жон бўлурди,  
Парканд этиб ани узди, юлди...



Тахмина ғамида қолмади тоб,  
Ошуби замона қилди симоб...  
Тахмина ғамига бердим анжом,  
Сухроб сўзини қилдим итмом.

Кўринадики Мирий Тахминанинг оху фиғонини тасвирлар экан, ўглидан ногоҳон ажралган ўзбек аёлининг аҳволи – руҳиясини ҳаққоний акс эттирган. Онанинг йиғидан «кўзлари кўр» бўлиши, беҳуш йиқилиши, кўксига уриб фиғон чекиши, сочларини юлиши, юзларини тирноғи билан тирнаш ва бошқалар фикримизни исботи бўла олади. Бундан ташқари Мирий достонига Абулқосим Фирдавсий асаригаги айрим воқеаларни тўлдирувчи, аниқловчи изоҳлар ҳам киритган. Масалан Абулқосим Фирдавсий достонига тасвирланишича, Рустам Самангон шаҳри яқинидаги ўтлоқ ухлаб қолгач, унинг оти Рахшни саманганликлар олиб кетадилар. Рустам эса уйғониб Самангонга келади ва шоҳнинг ёрдамида отни топади. Худди шу воқеа Мирийда бироз тўлдирилган, яъни Рахшни олиб кетиб, отхонага боғлаб кўядилар. Шу ерда биялардан бири Рахшдан «қочади». Бу тўлдириш бежиз эмас. Чунки Сухроб улғайгач, ўзига от танлаганда Рахшдан «қочган» биянинг тойчоғини танлайди. Бу билан Мирий Сухроб Рустамнинг ўгли бўлганидай унинг оти ҳам Рахшнинг авлоди эканини таъкидламоқчи ҳамда ота ва ўғил ўртасидаги яқинликни янада кучлироқ, таъсирлироқ ифодалашга эришади.

Мирий достонига шоирнинг ғамли кунларидаги руҳий ҳолатини ифода этувчи ва «чархга» мурожаат қилиб ёзган қуйидаги байтлар ҳам аслиятда кўринмайдиган иловалардир:

Эй чархи мушаъбади фусункаш,  
Бўлдинг мунингдек фасонаандеш.  
Бермонг не учун атони комин,  
Ўғлига отасининг паёмин.  
Иккисини кийнақўш қилдинг,  
Иккисини размжўш қилдинг.  
Эй чарх, не дей ғамингдин охир,  
Не дей сени мотамингдин охир.  
Бир менму десам бу ғам асири,

Юз мунча асиридур далери.

Бир менга етушмамиш бу мотам,

Бу дардиндур асири Рустам.

Мирийнинг «Рустам ва Сухроб»ида Фирдавсий достонида бўлганидек, Кайковус, Тус, Гударз, Рустам, Гев, Фаребурс, Гароз, Ҳажир, Баҳром, Рухом, Хомун, Бормон, Сухроб, Жандаразм, Таҳмина, Гурдофарид каби қаҳрамонлар бўлсада асосий диққат Рустам, Сухроб, Таҳмина, Ҳажир, Гурдофарид, Кайковусларга қаратилган. Мирий бу қаҳрамонларнинг Фирдавсийдаги хусусиятларни сақлаган ҳолда уларнинг руҳий кечинмаларини чуқур ва ҳар томонлама тасвирлашга ижодий ёндошади, уларнинг монолог ва диалогларини келтирадики, буларнинг баъзиси аслиятда кўринмайди. Жумладан Мирий тасвиридаги Рустам ўзининг барча буюк паҳлавонлик хусусиятлари билан бирга ходиса-воқеалардан чуқур таъсирланувчи, ўй-хаёлга берилувчи инсон ҳамдир. Раҳшни йўқотган Рустамнинг монологи (бу аслиятда йўқ) шу жиҳатдан характерлидир:

Кимдин дер эди сўроғин айлай,

Кўз мардумида туёғин айлай.

Аъдогаму мубталолиғинг бор,

Аҳбоб ила ошнолиғинг бор.

Душмангаму берк ўлуб инонинг,

Аъдогаму асир жонинг...

Гаҳ ёру гаҳи саворим эрдинг,

Разм этгали пайкборим эрдинг.

Устига лажому зин қилиб рост,

Даҳр ишларидин дер эрди дархост.

Бу даврки тавридур дигаргун,

Гаҳ устидур ости, ости устун.

Кунлар мен эгарди солдим ошуб,

Бу дам мен эгаргамен лагадқуб...

Бунда паҳлавон Рустам отини йўқотган оддий инсон сифатида руҳий жиҳатдан қийналиши ўз ифодасини топган. Бу монолог Рустамнинг инсонлигини янада чуқурроқ идрок этишга кўмаклашади. Бу билан Мирий ўзининг аҳволи, руҳий

кайфиятини Рустам тилидан баён этмоқда. Бундай ҳолни қуйидаги тасвирда ҳам кузатиш мумкин. Рустамнинг Сухроб ўлиmidан сўниги изтироблари Фирдавсийда шундай берилган:

Таҳамтан ҳаме гуфт, ки: «Эй номдор,  
Ту рафтию ман мондаам хору зор».  
(Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома» ж. II, сах. 309).  
Мирийда эса бу лавҳа қуйидаги тарзда чизилган:  
Дер эрди Таҳамтани ҳазинжон,  
Сен бордингу менда қолди армон.  
Эй, тоза ниҳоли боғи умрим  
Шамъи ватаним, чароғи умрим.  
Эй, равнақи боғи зиндангоний,  
Эй, партави меҳри осмоний,  
Эй, муниси хотири ҳазиним,  
Зебо чаман ичра ёсаминим.  
Эй, тира кузум ичидан нур,  
Кулбамни ичида жилваи хур.  
Эй, қоматинг асо қадимга,  
Раҳм, айла, жафои беҳадимга.  
Етмасму қулоғинга фиғоним,  
Оҳим била чикғудек равоним.  
Девонаю телбарой қилдинг,  
Ошуфтаю ғамзудой қилдинг.  
Афсус ёнимда тутмадинг ер,  
Ширинлик ила ўтмадинг бир.

Бу мисралар ўғлидан жудо бўлган отанинг кучли изтироби, оху фиғонидир. Уларни ўқиган китобхон кўз ўнгида фақат Рустамгина эмас, балки бирданига икки ўғлидан айрилиб қолган шоир Мирий ҳам гавдаланиб туради. Шундай қилиб, Мирий Рустамни ҳам забардаст паҳлавон ҳамда оддий инсон ва оталик меҳри кеч бўлса-да, жўш урган шахс сифатида тасвирлайди. Рустам бошига тушган фожианинг бош сабабчиси унинг ўзи, чунки у Сухробнинг ўзи туғдирди ва ўзи ўлдирди. Рустам тасвиридаги ана шу қутб-кучлилиқ ва оддийлик асар бўйлаб кўзга ташланади. Достондаги иккинчи қаҳрамон Сухробдир. Бу тимсолнинг Фирдавсий достонидаги

фазилатларини сақлаган Мирий ўз услубига содиқ қолиб, унинг руҳий кечинмалари тасвирини янада кучайтиради. Бу ҳол хусусан унинг Рустам билан учрашуви лавҳасида яққол кўзга ташланади. Бу тимсол тасвирида Мирийнинг унга нисбатан чин самимияти, ҳурмати ва меҳру муҳаббати гавдаланади. Шунинг учун Сухроб ўлдирилгач, шоирнинг:

Эй, золи фусунгари фусункаш,  
Сухробни бағрин айладинг реш...  
Ўғлин дамани асарсиз эттинг,  
Сухроб йигит бошига етдинг, –

деб фиғон чекиши ҳам бежиз эмасди.

Достонда хотин қизлардан Таҳмина ва Гурдофарид катнашади. Таҳмина асарнинг бошланишида ўз ихтиёри билан Рустамга турмушга чиққан бахтиёр аёл сифатида кўринса, асар охирида ўғлидан жудо бўлган муштипар мотамзада она сифатида кўринади.

Гурдофарид асарда кўпроқ паҳлавон сифатида кўринади: бир зарб билан филни йиқитади, ман-ман деган паҳлавонларни енгади. Ана шу паҳлавон Сухроб билан куч синаш учун майдонга чиқади. Аммо енгилган, паҳлавон аёл эканини кўрган Сухроб унга офаринлар айтади ва ҳаттоки, уни севиб ҳам қолади.

Асардаги Ҳомун, Ҳажр ва Ковуслар эса Сухроб фожеасини олдини олиш мумкин бўлган ҳолда бу ишни қилмаган ёвуз кучлар рамзи сифатида тасвирланади. Юқорида Мирийнинг биринчилардан бўлиб «Рустам ва Сухроб»ни назмда ўзбек тилига эркин талқин этган, деган мулоҳазани баён этган эдик. Ҳақиқатан, «Рустам ва Сухроб»нинг Фирдавсий қаламига мансуб аслияти ва Мирий қаламига мансуб эркин талқини киёсий ўрганилганда қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

Биринчидан, Мирий томонидан айнан таржима қилинган мисра ва байтлар, иккинчидан ижодий – эркин таржима – талқин қилинган воқеа, лавҳа, мисра ва байтлар.

Биринчи гуруҳга дахлдор масала ҳақида сўз юритганда шуни эслатиш жоизки, Мирий Фирдавсий асарини айнан, сатрма-сатр таржима қилмаган. Достонда бундай таржима кам учрайди. Шу жараёнда ҳам Мирийнинг ижодий ёндошуви

кўриниб туради. Масалан, Фирдавсий асарида Сухроб онасидан отаси кимлигини сўраб, шундай дейди:

Гар ин пурсиш аз бимонад ниҳон,

Намонам туро зинда андар жаҳон. (Абулқосим Фирдавсий.  
«Шохнома» ж. II. саҳ. 203)

Мирий бу мисраларни қуйидагича таржима қилади:

В-ар айламагунг бу роз изҳор,

Ўлдургум ўзумни кўрмайин ор.

Биринчи қарашда Мирий Фирдавсий байтини айнан таржима қилгандек кўринади. Аммо диққат қилинса, уларда бир муҳим фарқ мавжудлигини сезиш мумкин. Чунончи Фирдавсийда Сухроб ўз саволига жавоб олмаса, онасини ўлдирмоқчи бўлади (намонам туро зинда андар жаҳон.), Мирийда эса Сухроб саволига жавоб олмаса, ўзини ўлдиражагини айтади (Ўлдургум ўзумни кўрмайин ор). Бунда Мирий ўғилнинг онага қўл кўтариши ва ёки уни ўлдириши мумкинлигини ҳазм қила олмайди, бошқача қилиб айтганда, истамайди ҳам. Бундай мисоллар яна бор.

Айрим тимсолларнинг тасвирида ҳам Мирий «эркин ёндашиш» усулидан фойдаланади. Масалан, Фирдавсий Таҳминанинг сиймоси (портрети) ҳақида шундай ёзади:

Паси банда андар яке мохрўй,

Чу хуршеди тобон пур аз рангу бўй,

Ду абру камону ду гису каманд

Ба боло ба кирдори сарви баланд.

Ду рух чун ақиқи Ямони ба ранг,

Даҳон чун дили ошиқон гашта танг. (Кўрсатилган асар,  
198 - бет)

Худди шу масала Мирий тасвирида қуйидагича келган:

Зебо санаме ажаб нигоре,

Раъно чамане кўёш узоре.

Гунчасида реза-реза гулқанд,

Писта лаби кўрсатиб шакарханд.

Кокуллар уруб узорида печ,

Оғзидан нишон топилмайин ҳеч.

Йўқлуғда бўлуб белини тори,

Боре кўрунурда йўку бори.  
Гулбарги узоридан топиб нанг,  
Гулзор ўлуб олида сияҳсанг.

Кўринадики, Мирий аслиятга таянган ҳолда Таҳминанинг сиймосини батафсилроқ тасвирлайди. Баъзан эса муболагага берилиб кетиб, аслиятдаги гўзал ва чуқур маъноли ўхшатишларга ҳам ўзгартириш киритади. Масалан, Фирдавсийда: «Даҳон чун дили ошиқон гашта танг» (Оғзи ошиқлар кўнгли каби тор) ўхшатиши Мирийда: «Оғздан нишон топилмайин ҳеч» тарзида келтирилган. Бу масалада аслият ва талқиннинг фарқи ўз-ўзидан равшандир.

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си бошдан оёқ қаҳрамонлик оҳанги билан йўғрилган бўлиб, асарнинг қурилмасига ҳам, оҳанги, вазни ва қофиясига ҳам ана шу оҳанг сингиб кетган. «Рустам ва Сухроб» ҳам ана шу асарда ёзилган. Аммо Мирий учун «Рустам ва Сухроб» жангномагина эмас, балки «ғамнома» ҳам эди. Худди шу туфайли ғам, андуҳ дostonнинг бутун оҳанг ва вазнига ҳам сингдириб юборилган.

Шундан-да, Мирий «Рустам ва Сухроб»ни «Шоҳнома» ёзилган баҳрда (мутақориби мусаммани максур – фаулун, фаулун, фаулун, фаул) эмас, балки «ғамнома» мазмунига мос келувчи оҳанг ва вазнда ёзади. Бу эса арузнинг ҳажаз мусаддаси аҳраб (мафъулу мафоилун фаулан) баҳри бўлиб, «Лайли ва Мажнун»лар, яъни Навоий ибораси билан айтганда «финоқнома»лар ёзиладиган баҳрдир. Демак, Мирий «ғамнома»ларни ахтариб, «Рустам ва Сухроб»ни топган, уни қаҳрамонлик руҳидаги дostonликдан финоқнома, ғамнома руҳидаги дostonга айлантиради.

Мирий «Рустам ва Сухроб»нинг воқеа ва қаҳрамонларини Абулқосим Фирдавсийдан олган бўлса, уларни ўз мақсадига кўра бадий тарзда ифода этишга Алишер Навоий дostonлари, хусусан «Лайли ва Мажнун»нинг умумий руҳи ва ёзилиши услубига асосланади. Шунинг натижасида Мирий дostonида Фирдавсийдаги қаҳрамонлик руҳи ҳам, Алишер Навоийдаги руҳий кечинмаларни чуқур акс эттириш руҳи ҳам қоришиб кетган. Шу жиҳатдан Мирий дostonини жангнома-финоқнома деб айтиш ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Мирий ўзининг дostonчилик фаолиятига яқун ясовчи «Рустам ва Сухроб» асари билан, биринчидан, ўзбек халқини Абулқосим Фирдавсийнинг «Рустам ва Сухроб» дostonи билан таништирди, иккинчидан эса, аслият ёндашув туфайли ҳам аслиятнинг асосий хусусиятларини сақлади ҳамда мустақил деб айтиш мумкин бўлган ажойиб дostonни яратиб, ўзбек дostonчилиги хазинасига ўзининг муносиб улушини қўшди.

## Нажмиддин Комилов ФИРДАВСИЙНИНГ ШЕЪРИЙ КАРВОНИ

Атоқли ўзбек адибларимизнинг ажойиб истеъдоди, машаққатли ижодий меҳнатлари туфайли жаҳон классикасининг нодир намуналари бирин-кетин тилимизда янги ҳаёт топмоқда. Шулардан бири Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидир.

Фирдавсий – ўрта аср Шарқ уйғонишининг улуғ санъаткор адibi. Унинг номи замондошлари Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино сингари машриқу мағрибга тарқалган. «Дунёнинг биринчи даражали шоирларидан бўлган Фирдавсий (Н.Г.Чернишевский) ўз халқининг кўп минг йиллик тарихини шеърий тил билан қайта тирилтириб, унинг абадий безавол поэтик ҳайкалини бунёд этади. «Ўттиз йил ранж чекиб Ажамни порсийда янгидан тирилтирдим», – деган эди унинг ўзи. Диёрининг шонли ўтмиши билан фахрланувчи, унинг келажаги ҳақида қайғирувчи шоирнинг юраги бу китобда ҳамон тепиб турибди.

«Шоҳнома» – муаззам эпопея. У 120 минг мисра шеърни ўз ичига олган. Бу 50 та шоҳлик давридаги тарихий воқеалар, ҳар бири бир мустақил поэма ҳисобланувчи 15 та қаҳрамонлик ва ишқий саргузашт дostonи, 150 га яқин жангу жадаллар, 100 дан ортиқ турли ҳажмдаги ҳикоя, афсона ва ривоятларнинг мажмуи демак. Шоир буларнинг ҳаммасини тарихий даврланиш асосида изчил мунтазамликка келтирган бўлиб, яхлит бадий-мантиқий композицияга жойлаштирган. Асарнинг етакчи мотивлари, узига хос ягона барқарор мароми

«Шоҳнома»да халқчил, умуминсоний гуманистик ғоялар чуқур ифодалангани учун у мана минг йилдан бери турли миллат кишиларнинг сеvimли асари бўлиб келмоқда. Унда Хуросон ва Мовароуннаҳр халқларининг кўп асрлик оғзаки ижоди, Авесто гимнларида куйланган ғоялар, қадимги аждодларимизнинг табиат ва жамият ҳақидаги фалсафий қарашлари, турли-туман афсоналар, инсоннинг илк ибтидоий мусаффо туйғулари ила ажиб асотирларга ўралган армон-орзулари, ўтроқлашган аҳолининг маданий ҳаёт учун олиб борган кураши ўз аксини топган. Тинч ва осойишта меҳнат туйғули барпо бўладиган ширин турмуш кечинмалари, адолатли ва тадбиркор подшо бошқарадиган марказлашган кудратли давлат тўғрисидаги эзгу ғоялар куйланади. Улуғ шоир, шу тариқа, тарихий воқеаларни халқ ижодиёти билан устакорона боғлаб, ўзининг хикмати, бадиий - фалсафий бошдан-охиригача давом этади ва унга улуғвор рух бағишлайди. Оташин ватанпарварлик мавқеидан туриб ёзилган мушоҳодалари элагидан ўтказиб тақдим этади.

«Шоҳнома»да тарихий манбалардан яхши фойдаланилган, аммо шоирнинг мақсади Эрон шоҳлари ҳаётини хронологик тартибда баён қилиб чиқиш, тарихни назмга кўчириш эмасди. Унинг нияти ватан қаҳрамонларининг образини яратиш, ватанпарварлик, озодликни куйлаш орқали миллий мустақилликни сақлаб қолишга даъват этиш бўлган. Шунинг учун ҳам асарнинг марказий ғояси-қаҳрамонликни улуғлаш, бош қаҳрамонлари эса – Рустам, Баҳром, Сухроб, Исфандиёр каби паҳлавон лашкарбошилардир. Бу паҳлавонлар ватаннинг дахлсизлиги учун чет эл босқинчиларига қарши аёвсиз жангларда ғалаба қозонадилар, эл-юртнинг шарафи, орномусини ҳимоя этиб, ҳақиқат ва адолат учун тик туриб олишадилар. Энг кизиқарли саргузаштлар, драматик воқеалар ҳам шу қаҳрамонларнинг ҳаёти билан боғлиқ қилиб берилган. Муаллиф, «Умримнинг ярмидан воз кечиб, жаҳонни Рустам номи билан тўлдирай» («Ки як нима аз умри худ кам кунам, Жаҳоне пур аз номи Рустам кунам») дея буни очиқ баён этган эди. Шунинг учун ҳам шоҳлар «Шоҳнома»да иккинчи даражали персонажлардир. Уларнинг аксарияти салбий



ҳислатли кишилар қилиб тасвирланган. Афросиёб, Кайковус, Кайхусрав – уруш ва қирғинларнинг бош сабабкори, буларнинг калтабинлиги, жоҳиллиги оқибатида мамлакат ҳароб бўлади, беғуноҳ одамларнинг қони тўкилади.

«Шоҳнома»да лашкар тузишлар, жанг манзараларининг тасвири асосий ўринни эгаллайди. Лекин шунга қарамасдан, асарнинг бош мотивларидан бири-урушни қаттиқ қоралашдир. Уруш мудҳиш фожеа, инсоният фожиаси! Барча фалокатлар, вайронагарчилик, ҳасрат ва жудоликларни, қашшоқлик ва бенаволикни урушнинг оқибати деб тушунтиради шоир. Ҳар бир жанг тасвиридан сўнг, дostonларнинг муқаддима ёки хотималарида, кўпинча қаҳрамон тақдирини кўрсата бориш давомида Фирдавсий инсон қисмати, унинг жафо ва аянчлари устида тўхтаб, уруш келтирган аччиқ аламлардан фарёд чекади, кина ва адоват, ҳасад-хусуматларнинг бари Оҳарман дев макри бўлиб, бу одамзод уруғини ер юзидан йўқотишга қаратилган ёвуз ниятнинг зуҳуридир, дейди. Қон ариқлари, бир кунда пайдо бўлган гўристонлар, гўрсиз қолган уюм-уюм мурдалар, айрилиқларнинг бежавоб фарёдлари... Шоҳона дабдабаю ғалаба тантаналарининг кўтаринки тасвири баробарида урушнинг мана шу даҳшатли манзараси эпопеяда қайта-қайта жонлантирилган. Қайта-қайта тарих сабоғидан ибрат олишга, даъват этилади, тинчликнинг улуғ неъматини эканлиги, ҳаёт гуллаши учун зарурлиги таъкидланади. «Шоҳнома»нинг замонавийлиги, давримизнинг улуғ, эзгу ғояларига ҳамоҳанглиги ана шунда. Кишилиқ тақдирига қайғуриш, дўстлик ва ватанпарварликни тараннум этиш Абулқосим Фирдавсийни жаҳоннинг буюк гуманистлари қаторига олиб чиқди. Шунинг назарда тутиб, форс-тожик адабиётининг тадқиқотчилари «Шоҳнома»ни шоҳлар тўғрисида ёзилган асар эмас, балки шарқ адабиётининг шоҳ китоби деб атайдилар.

«Шоҳнома» ҳали тилимизга таржима бўлмасдан туриб халқимиз ичида маълум эди, унинг руҳи адабиётимизда кезиб юрарди. Ўзбек адабиётининг улкан намоёндаларидан Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳиридин Муҳаммад Бобурлар Фирдавсийни устоз деб билганлар, унинг даҳосидан руҳланганлар. «Шоҳнома» сюжетлари, қаҳрамонлари оғиздан-оғизга ўтиб, ўзбек фольклоридан мустаҳкам ўрин олади.

«Шоҳнома» XVIII-XIX асрлар ичида Шоҳ Ҳижрон, Мулло Охунд Хомуший, Нурмуҳаммад Бухорийлар томонидан ўзбек тилига бир неча марта таржима қилинган эди. («Шоҳнома» X асрдаёқ тўлиқ ҳолда насрий йўл билан араб тилига ўгирилган. Кейинчалик унинг айрим боблари турк, озарбайжон, урду, гужарат, ҳинд, грузин, арман, украин, қозоқ тилларига таржима қилинди. Инглиз, немис, француз, итальян, чех шарқшунослари асарни бир неча мартадан таржима қилиб, чоп эттирганлар. «Шоҳнома» юз йиллик давр ичида рус тилига ўн бешта таржимада нашр бўлган.) Бу таржималар Фирдавсий дostonини халқ дилига яна яқин қилди. Аммо шундай бўлса-да, мазкур таржималарнинг бирортаси ҳам «Шоҳнома» тўғрисида тўлиқ тасаввур беролмайди. Чунки, биринчидан, улар асосан насрий йўлда бажарилган бўлиб, Фирдавсий шеърятининг нафосатини етказолмасди, иккинчидан, мутаржимлар асар мазмунини ўзгартириб талқин қилганлар, маълум маънода замоналашгиришга мойил бўлганлар (исломий тушунчаларни сингдириш, янги адабий услубларини қўллаш каби). «Шоҳнома»ни шеърий йўл билан тўлиқ равишда таржима қилишга урунишлар бўлган, бироқ бу муваффақиятга олиб келмади. Шундай таржималардан бири ҳақида шоир Чўлпон 1925 йилда «Маориф ва ўқитувчи» журналида эълон қилган мақоласида хабар берган эди. Аммо, афсуски, бу нодир қўлёзма ҳанузгача қўлга кирган эмас.

Катта кемага катта сафар муносиб дейдилар, «Шоҳнома»дек улкан асарни таржима қилиш шунга яраша тайёргарлик, сабр-тоқат билан қилинадиган изланиш, ўқиш-ўрганиш, узок давом этадиган ижодий меҳнатни талаб қилади. Энг аввало бу ишга қўл урадиган шоирнинг юрагида бардам, бақувват ишонч, истеъдоднинг олтин калити жасоратга чорловчи журъат нурланиб турмоғи лозим. Бир неча йиллар давом этадиган бу ишда мутаржим мудом Фирдавсийнинг шеърий оламида яшайди, унинг ҳавосидан нафас олиб туради. Поғонама-поғона чуқурлаша бориб, ҳар бир байтнинг нозик қирраларига қадар идрок этиб, қалбига жойлаб олади. Ана шунда сеҳрли мисраларнинг замонамиз ўқувчиларига манзур бўладиган ўзбекча вариантлари туғила бошлайди—таржима жараёни бошланади.

Буни шунинг учун ҳам алоҳида таъкидламоқчимизки, «Шоҳнома»ни тушунишнинг мушкулликлари кўп. Хуросон ва Мовароуннаҳрда X асрда таркиб топган адабий анъананинг маҳсули бўлган бу асар форс-тожик классик адабиётига хос умумий услубий хусусиятларни ўзида акс эттириш билан бирга у фақат ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Унда исломгача бўлган адабиётнинг, биринчи навбатда, халқ оғзаки ижодиётининг таъсири кучли. Бу асар тилида айниқса яққол кўзга ташланади: шоир борича арабча сўз ва иборалардан фойдаланмасликка, соф форсча ёзишга интилади. Қизиғи шундаки, «Шоҳнома»нинг бу хусусияти уни тушинишни енгилаштириш ўрнига, аксинча, қийинлаштиради. Негаки, форс-тожик адабий тили узоқ замонлар араб тили таъсири остида ривожланиб, у китобхонлар онгига сингишиб қолган эди. Натижада «Шоҳнома» тилида бошқа асарларга нисбатан архаик қатлам кўпроқ бўлиб қолди. Ҳозирги тожик китобхонига Саъдий ва Жомий асарларини тушуниш «Шоҳнома»га қараганда осонроқ туюлишининг сабаби шундан. Абулқосим Фирдавсий асарини қисқартма насрий баёнга кўчириб нашр этган атоқли адиб Сотим Улуғзода бундай ёзади: «Бугунги кунда Фирдавсий шеърини тушуниш ҳар кимга ҳам насиб бўлмайди, ҳатто адабиёт мутахассислари ҳам уни яхши фаҳмлаб етиш учун луғат ва қомусларга муҳтож бўлмоқдалар. (Шоҳнома. Китоби яқум. Нашриёти «Маориф», Душанбе – 1976, саҳ. 4)

Шундай қилиб, «Шоҳнома» таржимони форс-тожик классик адабиёти, шарқ халқларининг кўп асрлик тарихий ва этнографиясини, қадимги ва янги форс тилининг хусусиятларини пухта билиши зарур бўлиб чиқади. Бадий асар таржимони истеъдодли ижодкор бўлишидан ташқари, яна тадқиқотчи олим, ҳар томонлама билимдон шахс бўлмоғи даркор деган гап шу ерда жуда-жуда ўринлидир. Бундай хислатларни «Шоҳнома»нинг янги таржимасини вужудга келтирган адибларимиз ижодида кўриш мумкин. Айниқса, форс-тожик адабиёти бўйича катта мутахассис, ҳалқаро Фирдавсий мукофотининг лауриати Шоислом Шомухаммедовнинг бу улкан ижодий ишни амалга оширишда

кўшган хиссасини алоҳида таъкидлаш керак. Ш.Шомухаммедов анча йиллардан бери шарқ адабиётидан таржималар қилиб, бизни хушнуд этмоқда. Рудакий, Хайём, Саъдий, Жомий, Бедил каби улуғ шоирларнинг пурҳикмат асарлари шу кишининг жонкуярлиги, таланти туфайли ўзбек адабиётининг мулкига айланиб қолди. Шоислом ака форс тожик классик адабиёти намуналарини нашр эттириш, уни тарғиб-ташвиқ қилиш борасида ҳам куч ғайратини аямасдан келади. «Шоҳнома» таржимасининг ярмидан кўпроғи Ш.Шомухаммедов қаламига мансуб, бундан ташқари, олим биринчи китобга катта илмий мақола, зарурий изоҳлар ёзган. Мутаржимнинг кўп йиллик ижодий тажрибаси, ҳосил қилган малака ва билими бу ишда ўзининг ижодий самараларини кўрсатган.

«Шоҳнома» таржимаси уч китоб ҳажмида нашр эттирилди. (Абулқосим Фирдавсий. «Шоҳнома». Гофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Биринчи китоб-1975, иккинчи китоб-1976, учинчи китоб-1977 йилда чоп қилинди.). Асарнинг Душанбеда чиқарилган тўққиз жилдлик нашри асос қилиб олинган. Таржима йигирма бир минг байт атрофидаги шеърни ўзи ичига олади, бу эпопеянинг учдан бир қисмига тенгдир. Ихчамлаштирилган варианты юзага келтириш учун асар қисмларини ажратиб олишда таржимонлар нималарга риоя қилганлар? Биринчи китоб (ҳаммаси Ш.Шомухаммедов таржимаси) асарнинг бошланиши – Каюмарс подшолигидан Сиёвуш достонининг адоғигача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Орадан муқаддима боблар, Фаридун подшолиги давридаги Салм-Тур-Эраж можаролари, Нўзар, Пашанг, Таҳмосп, Гаршосп шоҳлиги, Афросиёбнинг биринчи юриши ва Рустамдан енгилиши, Кайковуснинг Барбаристонга ҳужуми, Сиёвуш вафотидан кейин юз берадиган бир қанча воқеалар қолдириб кетилган. Афсонавий шоҳлар-Каюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас, Жамшид ва Заҳҳоқи морондан кейин таржимада эпопеянинг энг қизиқарли драматик достонлари – «Зол ва Рудоба», «Рустам билан Кайковус», «Сухроб» ҳамда «Сиёвуш» қиссалари келади. Яхлит достонларнинг айрим ички вазодлари қисқартирилган бўлса ҳам, лекин бу мазмун ва сюжетнинг бутунлиги, воқеаларнинг мантикий ривожига путур

етказмаган.

Иккинчи (Ҳамид Фулом, Назармат, Жуманиёз Жабборов таржимаси) ва учинчи (Ш.Шомуҳаммедов ва Ж.Жабборов таржимаси) китобларда ўзбек ўқувчиси Кайхусрав подшолиги воқеалари, «Бежан ва Манижа» достони, Исфандиёрнинг етти жасорати, Искандар шоҳлиги даври, Ашконийлар ва Сосонийлар сулолаларининг келиб чиқиши, Баҳром Гур, Хурмузд, Баҳром Чубин, Хусрав ва Ширин дostonлари билан танишади. Бу ерда ҳам биринчи китобда қўлланилган принципга асосан «Шоҳнома»нинг ҳажман катта, сюжети яхлит ва мазмунан ранг-баранг бўлган қисмлари танлаб олинган. Албатта, Фирдавсий асарининг кераксиз қисми йўқ, унинг ҳамма боблари ҳам қизиқарли ва муҳим. Аммо асарни қисқартириб таржима қилишга тўғри келар экан, мутаржимлар қўллаган принципни мақбул деб ҳисоблаш лозим. Чунки улар «тарихий хронологияни» сақлашга эмас, балки шоир даҳосини намойиш этадиган, кўп замонлардан буён эл орасида қадрланиб келган дostonларни танлаб олиб таржима қилганлар.

Колдирилган қисмлар тўғрисида ўқувчиларга ахборот бериш, ва шу йўл билан даврлар, воқеалар халқасини бири-бирига улаб бориш мақсадида уларнинг қисқача насрий изоҳи билан бериб борилган. Бирок, афсуски, ана шу яхши ўйланган тадбир иккинчи ва учинчи китобларда изчил давом эттирилмайди. Натижада асарнинг анча боблари ҳақида маълумот акс этмай қолган, бу эса орада узилишни юзага келтириб, баъзи қаҳрамонлар тақдирининг ноаниқ бўлиб қолишига сабаб бўлган. Масалан, «Шоҳнома»нинг бош қаҳрамони Рустам ҳаётининг нима билан тугагани ўзбек китобхонига қоронғи. Сабаби Рустамнинг Исфандиёр билан жанги ва бу жангдан сўнг паҳлавоннинг хоинона ўлдирилиши таржимада йўқ, бу ҳақда насрий изоҳ ҳам берилмаган. Шу сингари Кайхусравнинг Афросиёбга қарши «улуғ юриши», Искандар билан Доро жанги ва бошқа бобларнинг йўқлигидан таржима китоблари воқеалари ўзаро боғланмай турибди.

Бирок, ихчамлаштириш ва қисқартиришларга қарамасдан, ўзбекчалаштирилган дostonлар Фирдавсийнинг асосий ғоялари

нафосини ўқувчиларга етказа олади. Танлаб олинган ҳар бир дoston муаллифнинг муайян ижодий ниятини ифодалаб келади. Эзгулик ва ёвузлик орасидаги кураш, фарр ғояси, ватанпарварлик, қаҳрамонлик мотивлари чуқур акс этган.

«Шоҳнома» ҳажман катта асар бўлса-да, лекин унинг асосий услубий белгиларидан бири бу *мухтасарликдир*. Фирдавсий ажойиб усталик билан ихчам, лўнда ифодалар орқали микдоран кам, аммо мазмунан бой, таъсирчан байтлар ижод қилиб, ёркин образлар ярата олган. Улуғ шоир маснавий майдонида маҳорат билан шундай қалам сурадики, унинг бирор байтини жойидан силжитиш, ёки алмаштириш мумкин эмас. Асарнинг ҳар бир байти бир хикматдай жаранглайди. Улар ўзаро мустаҳкам мантиқий алоқага эга бўлиб, воқеалар жараёнининг тасвирини, фикрнинг ихчам давом этишини тўла акс эттиради. Бутун-бутун дostonлар бошдан-оёқ ана шундай хикматлар занжиридан ташкил топган. Шунинг учун «Шоҳнома»ни қисқартириб таржима қилганда, унинг алоҳида дostonлари, бобларини ажратиб олиш мумкин, бироқ, асарнинг ички тузилишига дахл қилиш, байтларнинг мантиқий кетма-кетлигини, улар сонини камайтириб ёинки кўпайтириб таржима қилиш мумкин эмас. Орадан байт ташлаб кетилса-воқеаларнинг мантиқий оқимига путур етади, бир байт икки-учта қилиб ўгирилса-тафсилийлик, чўзиқлик ҳосил бўлади. Шуларни эътиборга олиб, таржимонларимиз асарни *байтма-байт ўгириш* принципіга қатъий риоя қилганлар (биринчи китобнинг икки жойида байтлар қолдирилганидан таржимада мавҳумлик содир бўлганини кўрамиз. Бироқ, бу атайлаб қилинган «ихчамлаштириш» эмас, балки тасодифий ҳолга ухшайди). Зеро, маснавий таржимаси, алалхусус «Шоҳнома» шундай йўл тутишни тақозо этади. Чунки байт маснавийда асар маъносини ифодалайдиган энг кичик композицион бирликдир. Мутаржим шу бирликлар-байтларни бирин-кетин уз она тилида ижод қила бориб, асарни бутун ҳолида таржима қилиб чиқади. Булар шуни кўрсатадики, «Шоҳнома» таржимасининг қийматини белгилаш, унинг таҳлилини амалга ошириш учун ишни ҳар бир байтнинг шакл-мазмун, маъно-бадийлик яхлитлигида асл нусхада қай даражада мос келишини аниқлашдан бошлаш лозим. Таржимонлар

маҳорати, метод ва усуллари шундагина ойдинлашади. Шу асосда таржима ҳақида ҳукм чиқарилади.

Мисолларга мурожаат қилайлик: Темирчи Кова илоншоҳ Заҳҳок саройига шиддат билан кириб бориб, унинг золимлигини фош қилиб ташлайди, ўғлини қайтариб беришни талаб қилади. Одамларнинг болаларини ўлдириб, миясини илонларига едириб, шоҳлик қилаётган Заҳҳок Кованинг важоҳатидан кўрқиб, унинг фарзандини қайтариб беради, лекин бунинг эвазига «Заҳҳок адолатли» деган сохта ҳужжатга имзо чекишни сўрайди. Шунда Кова:

Хурушиду баржаст ларзон зи жой,  
Биддариду бистурд маҳзар ба пой.  
Гаронмоя фарзанди ў пеши ўй.  
Аз айвон бурун шуд хурушон ба кўй (1,88)

Шоислом Шомуҳаммедов таржимаси:  
Ғазабидан қалт-қалт титрай бошлади,  
Ёрликни йиртдию ерга ташлади.  
Арзанда фарзанди билан иковлон,  
Ғазаб билан чиқди кўчага шул он (1,104)

Таржима форсча байтларнинг мазмунини тўла ифодалаган. Шоирнинг ҳаяжонли тасвири, ҳиссиётлари, зулмга қарши бешавқат ғазаби аниқ берилгани учун Кованинг важоҳати кўз олдимизда намоён бўлади. Абулқосим Фирдавсий бир ёки икки байтда қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ўй-фикри, кечинмаларини кўрсатиб бера олади. Чунончи, Заҳҳокка қарши отланган Фаридуннинг ҳолати:

Бошида қасосу дилида ғазаб,  
Қовоғи уюлган, кўзлар хунталаб (1,99)

Ёинки асарнинг дардли саҳифаларидан бири-Рустамнинг ўз ўғлини ўлдиргандан кейинги изтиробли кечинмаларини олиб кўринг. Бу уч хил усулда тасвир этилган: Рустамнинг ўз монологлари, бошқа персонажларининг у ҳақидаги гаплари ва муаллиф баёни. Бундай дардли сатрлар, шунингдек бошқа қаҳрамонларнинг характер хусусиятларини очиб берадиган

уринлар ҳам ошиқ-маъшуқларнинг висол дамларини тасвирловчи байтлар, жангу жадалларнинг ур-йиқити, шовкин-суронли манзаралари ҳам, паҳлавонлар ва шоҳларнинг гантанавор нутқларию шоирнинг лирик чекинишлари ҳам-бари таржимонлар томонидан ўзбекча байтлар орқали дуруст ифодаланиб берилган.

«Шоҳнома» байтларини аниқ таржима қилишнинг қийинчилиги архаик сўзларнинг тушунишдаги мушкулликдангина иборат эмас. Бу қийинчилик шоирнинг ихчам бадий ифодаларини бузмаган ҳолда маънони ёрқин, равшан чиқариш, яъни таржимада ҳам тўлақонли шеърӣ ҳикматлар бунёд этиш талаби билан яна ортади. Фирдавсий тасвирда ихчамликка интилиб, баъзан шундай байтлар ижод қилганки, уларни хийла муҳокама-мулоҳазалардан сўнг тагига этиш мумкин. Йўқ, «Шоҳнома»да мавҳум маъноли мисралар бор экан, деб ўйламанг. Ундай эмас. Биз айтадиган «тушунилиши оғир» сатрлар классик санъат асарларида учрайдиган зўр шоирлик иқтидорининг мевасидир.

Зол севгилисининг таклифига биноан қоронғи тушганда қаср томон йўл олади. Рудоба томга чиқиб йигитни кутиб олади. Зол, сен томда бўлсанг, мен кўчада-қандай қилиб дийдор кўришамиз, иложини қил, деганда қиз иккита узун сочини пастга осилтириб, шу «арқонлар»га тирмашиб чик, дейди. Лекин Золи Зар қиз сочларини қўлига олиб ўпар экан:

Чунин дод посух, ки: «Ин нест дод,  
Чунин рўз хуршед равшан мабод,  
Ки ман хираро даст бар жон занам,  
Бар ин хастадил тезпайкон занам».

Бу байтларнинг маъносини қандай тушиниш керак? Тожик тилини пухта билиб, «Шоҳнома»ни бемалол ўқиб завқланадиган одам ҳам шундай жойларга келганда тўхтаб қолади. Эски форсий сўзлар бу ерда иккита: *хира* ва *тезпайкон*. *Хиранинг* маънолари қоронғи, сарсонлик, ожиз, жасур, беҳаё, уятсиз. (Фарҳанги забони тоҷики, чилди 2, саҳ. 478). *Тезпайкон* эса: «найзанинг ўткир учи, ўқ учи, ўқ, найза маъноларида қўлланилган. Бу маъноларнинг қайси бири



Фирдавсий байтларига мос келади?

Зол жавобини бир бошдан таржима қилиб чиқамиз: «Бу инсофдан эмас. Агар мен беҳаёлик қўлини жонимга (яъни қизнинг сочига) урсам ва бу нозик дилга (қиз сочи ва айни пайтда ўзининг дили) найзапанжа ботирсам, бундай кунда қуёш нур сочмасин». Албатта, бу ерда яширин сўз ўйин-тажнис ҳам бор: хира сўзининг асосий маънолари қоронғилик, хиралик (кўнгил хира бўлмоқ). Шунга кўра шоир Рудоба сочининг қоп-қоралиги, ва тун қоронғилигини ҳам бир йўла назарда тутган бўлиши эҳтимол. Унда таржима: «Мен бу қора сочга—ўз жонимга қўл урсам» ёки: «Мен бу жонимга қора ниятли қўлимни теккизсам» қабилида бўлиб чиқади. Аммо чуқурроқ фикр қилинса, дастлабки вариантими («Мен беҳаёлик қўлини ўз жонимга урсам») мантиқан тўғри эканлиги аниқ бўлади. Демак, шоир сўзнинг яқин маъносидан кўра, узоқ маъноларини кўпроқ назарда тутган экан.

Мазкур байтлардан кейин келадиган мана бу парча яна ҳам диққатлироқ:

Каманд аз раҳи бистаду дод ҳам,  
Бифканд хору назад ҳеч дам. (1,264)

Аввалги икки байтда тажнис мавжудлиги ва мажозий маъноларнинг кўплиги мазмуннинг англашини қийинлаштирган. Кейинги мисолда бундай ҳодиса йўқ. Каманд—арқон, раҳий—кул, чокар, хизматкор, бияфканд-ташлади, солди, ёйди, туширди ва ҳоказо. Аммо биринчи мисрадаги *бистаг* (олди) сўзидан кейин келган *gog* (инсоф, адолат, нола, бахшиш, бермоқ) сўзи нима мақсадда қўллангани аниқ эмас. Шунингдек, *хор* ҳам ҳозирча қайси вазифада келгани номаълум. Агар *gog*ни инсоф, адолат деб олсак, унда: «Чокаридан арқон олди, адолат ҳам (ундирди)» деган таржима ҳосил бўлади. Бу мантикқа мос эмас. Хизматкордан шундай пайтда қанақа адолат ундирилиши мумкин? Бахшиш, нола-фарёд маънолари бу ўринда умуман тўғри келмайди. *Бермоқ* маъноси қолади. Қўллаб кўрамиз: «Чоракдан арқонни олди (ю) берди (ҳам)». Бу бирмунча тўғрига ўхшайди. Лекин бундан кейинги байтда арқонни девор кунгарасига илинтириб, осилиб чикди, дейилган. Арқонни ундан фойдаланмасдан туриб

қайтариб берадими? Арқон томдан қайтиб тушишга ҳам керак-ку. Яна луғатга мурожаат қиламиз. Маълум бўлишича, қадимги форс тилида *staganu (stagu) dog* ибораси мавжуд бўлиб, у олди-берди, савдо муомаласи маъноларида ишлатиб келинган (Фарҳанг..., 2 жидд, 247 б.). Агар Абулқосим Фирдавсий бу иборани шу маънода қўллаган бўлса, у ҳолда: «Чокардан арқонни олиб қайтариб берди», ёхуд: «Чокар билан олди-берди қилди», мазмунидаги гаплар келиб чиқади. Бизнингча, байтни шундай тушуниш мақсадга мувофиқ. Чунки бу шоирнинг мухтасарликка интилишидан келиб чиққан ҳодисадир. «Чокардан арқонни олиб берди (ҳам)» дейиш билан Фирдавсий «Арқонни олди ва бошқа нарсаларини (отулов, қурод-яроғ, кийим-бош) унга берди» демоқчи бўлса ажаб эмас. Мазкур маънони шоир *берди* феъли орқали қисқа қилиб ифодалаб қўя қолган. Шу каби *хор* сўзи ҳам мавжуд маъноларида эмас, балки деворнинг кунгураси, арқонга боғланадиган қозик, ёинки қўл панжалари (арқонни ўраган қўл) маъносида ишлатилган. Ҳикоя қилишнинг ўта сиқик усули шоирнинг шундай йўл тутишга мажбур этган. Бу усул юксалининг тез давом этаётганини, ҳаракатларнинг чаққонлигини ҳам кўрсатиб туради.

Битта байтни тушуниб етиш шунчалик душвор экан, шоир-гаржимоннинг иши нақадар машаққатли эканини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Ахир бундай сатрлар «Шоҳнома»да юзлаб, минглаб учрайди. Келтирилган мисолимиз яхлит ҳолда ўзбек тилига мана бу тарзда таржима қилинган:

Тўйиб ўниб, деди: «Эмас адолат,  
Куним қаро бўлсин, бу қандай ҳолат.

Ўз жонимга ўзим қасд айласам, қасд,  
Ўз хаста дилимга урса найза даст.»

Навқардан олиб қирқ қулоч арқон.

Сарой деворига отар паҳлавон. (1,180)

Равшан, равон мисралар. Маъно тўла акс этган. Муаллиф муддаосини ифодалайдиган мажоз ва кўп маънолик чиройли, таъсирчан бўлиб чиққан. Бу каби мисолларни ўзбекча гаржиманинг биринчи китобидан кўплаб келтириш мумкин. Улар зукко адиб ва истеъдодли тадқиқотчининг меҳнати,

изланишлари самарасидир.

«Шоҳнома» таржимонларидан бири рус шоири И.Сельвинский Фирдавсий маҳорати ва уни таржимада акс эттиришнинг муҳимлиги хусусида гапириб, шундай дейди: «Биласизми, тасвирий санъатда ҳаракатни ифодалаб бериш, масалан, сакраб-сакраб югураётган отни чизиб кўрсатиш гоят мушкул. Бу фақат буюк рассомларгагина насиб бўлган. Шеърда ҳам, масалан, камон ўқининг учи бораётганини тасвирлаб бериш осон иш эмас. Фирдавсий буни қила олган. Ўқ сизнинг диққатингизни марказида туриши учун шоир барча воситаларни ишга солади. Шу мақсадда у Ашкбуснинг Рустам устига ўқ ёмғири ёғдиргани айтади ва жанг охирида Рустам отган ўқ лашкар олдидан олиб ўтилганда, жангчилар уни найза деб ўйлаганлари келтирилади. Хуллас, бутун эпизод «ўқ» билан тўлдирилган. «Ўқ» бу ерда энг кўп такрорланадиган сўз. Аммо бугина эмас. Шоир сизнинг эътиборингизга «ўққа тутиб», ўқнинг парвозини тасвир эта бошлайди. Бу ажойиб! Бошида бир неча байтларда атайлаб чўзиб бўлса ҳам Рустам ўқининг таърифи, унинг камонга жойланиши, отишга ҳозирланиш босқичлари баён этилади—ўқ отилишини сабрсизлик билан кутасиз. Бу атайлаб қилинган секинлаштириш, воқеалар оқимини бўлажак якунловчи бош зарбага тайёрлаб беришдан кейин, шунда бирдан... ўқ қўйиб юборилади. У учи бормоқда... бир байт доирасида. Унинг ҳалокатли оқибати эса, бир сатрда ифодаланган, холос». (И.С.Брагинскийнинг «Шоҳнома»нинг 1957 йилги русча нашрига ёзган сўзбошидан олинди (ГИХЛ, М., стр.22)).

Абулқосим Фирдавсийнинг бундай ҳайратомуз санъатини теран тушуниб, таржимада янгидан ҳосил этишга муваффақ бўлиш таҳсинга сазовор, албатта. «Шоҳнома»да аввалги бобларда баён этилган воқеалар, қаҳрамонларнинг номлари, хислат-хусусиятлари кейинги дostonларда такрорланади, баъзан бу тасвирий восита вазифасини ҳам бажариб келади. Шунинг учун алоҳида қисмлар таржима қилинган тақдирда ҳам асарнинг бутун воқеалари бошдан-охиригача ўрганиб, хотирада сақланган бўлиши лозим. Бу яна шунинг учун муҳимки, Фирдавсий ҳар бир бобни махсус муқаддима билан

кейинги бобга улаб борар экан, муқаддималарда аксарият бўлажак воқеаларнинг мазмунини имо-ишоралар орқали укувчига сездириб, қизиқтириб боради. Бу муқаддималардаги ишорани тўлиқ фахмлаш учун эса, улардан кейин келадиган бобнинг мазмунидан яхши хабардор бўлишга тўғри келади. Чунончи, Хурмуз тахтда ўтирган пайтида адолатли бўлишга ваъда беради, лекин сал ўтмай юртнинг улуғларини қатл қила бошлайди. Баҳодир лашкарбоши Баҳром Чўбинни ранжитади, натижада Баҳром унга қарши исён кўтаради, шоҳнинг ўзини бўлса кўзини ўйиб кўр қиладилар. Шоир бу воқеаларни муқаддима баҳор ва кузнинг мунозараси орқали заҳарханда аралаш баён этиб, ўзининг салбий муносабатини ифодалаган: кузнинг ҳам безаклари, мақтанадиган нарсаси кўп, аммо булар ҳаёт нишонаси эмас.

Мабодо сарғайса ранг-рўйинг андак,

Хурмузд тожи каби берайин безак» – дейди баҳор кузакка...

Ҳ.Фуллом, Назармат, Ж.Жабборов таржима қилган боблардаги мазмун аксарият ўринларда яхши ифодаланган, байтларнинг ихчамлиги, образлар, эпик ҳикоя усули сақланган. Бирок, «Шоҳнома» таржимасида маъно ноаниқликларга йўл қўйилган жойлар ҳам анча бор.

«Кайхусрав подшолиги» бобининг кириш қисмида ўзининг шоҳ ва салтанат ҳақидаги қарашларини баён этиб, дейди: агар тождорнинг асл зоти-гавҳари шоҳлардан бўлса (яъни фарр эгаси бўлса), у яхшилик қилиши лозим. Ўшандай шоҳ уч нарсани орзу қилса арзийди. Булар: хунар (истеъдод), нажот ва гавҳар (насаб) бўлиб, уччаласи бир-бири билан боғлангандир. Шундан кейин муаллиф биринчи ўринга-гавҳарни, иккинчи ўринга-нажотни, учинчи ўринга-жамиятда қўлга киритиладиган хунарни қўйиб таъриф этар экан, шу хислағларга эга бўлган ҳукмдор ақлли бўлса яна яхши, деган хулосага келади. Таржимада байтлардаги жумлаларнинг келизлигидан бу маънони англаб бўлмайди. Бугина эмас, Фирдавсий қарашларига зид фикрлар келиб чиққан. Чунончи:

Тоза бўлса агар подишоҳ зоти,

Яхшиликда қолур жаҳонда оти (2,7).

Абулқосим Фирдавсийни подшоҳ зотининг тоза-нотозалиги эмас, балки унинг «қонуний сулолалар» авлодидан бўлиши кизиқтирган. *Фарр соҳиби яхшилик қилиши шарт - шоирнинг ақидаси шу*, Таржимон давом этади: «Насаб ҳам фойдасиз агар йўқ хунари» (2,8). Аслида эса: «Гавҳари бўлмаса хунарни қайдан олади?» дейилган. Демак, шоир гавҳарни бирламчи деб ҳисоблаб, ҳаётда қўлга киритилмаган малака, тажриба ва бошқаларнинг миқдори шу гавҳарнинг қийматиغا вобаста, деган фикрни олға суради. Таржимада бунга қарама-қарши ўлароқ хунари бирламчи, агар бу хислат кишида бўлмас экан, насабнинг қанақа бўлишининг аҳамияти йўқ, деган маъно ифодаланган. Шуни ҳам айтиш керакки, «Шоҳнома»даги *хунари сўзи* биз тушунадиган маънода қўлланилмаган. Шоир бу сўз орқали жамиятда қўлга киритилмаган жамики нарсалар-билим, малака, ахлоқ-одоб, ҳарбий маҳорат ва ҳақозаларни кўзда тутган. Шунинг учун асардаги сўз ва ибораларни таржимасиз олганда уларнинг ҳозирги ва илгариги маънолари орасидаги тафовутларни эътиборга олмоқ даркор. Шунга ўхшаш яна бир мисол: *озога, озог* сўзлари «Шоҳнома»да мулк эгаси, номдор, насл-насабли, хўжайин маъноларида келади. Шоҳ Хусрав атрофига барча аслзодалар, заминдорлар (деҳқонлар) ва тождорлар йиғилдилар, дейди Фирдавсий. Таржимада келтирилади: «Насаб эди унга зеб-озодалик, Худованди тожу ва шаҳзодалик» (2,9). Биринчидан, зеб-озодалик ҳозирги тилимизда зеб-зийнат ва тозалик маъноларини беради, иккинчидан, худованди тожни ўзбек китобхони тож эгаси эмас, балки тож худоси деб тушунади, учинчидан, «ў» боғловчисини ишлатгандан кейин «ва» ортикчадир, тўртинчидан эса, байт маъноси умуман мавҳум, у оригиналдагидай атроф ҳокимларига эмас, Кайхусравга қаратилган бўлиб қолган. Шу сингари ғализ, тумтоқ таржималар иккинчи китобда анча.

Аслиятдаги мазмун:

1. Фуруди бегуноҳ ўлдирилмади (3,467).

2. Ўқ зарбидан жони чикди (3,438)

3. Олов ёқиб оламни ёритиш пайти келди (3,467)

4. Тожу камар сендан камол топди (3,389)

Таржимада:

У Фурӯд бегуноҳ ўлдирилди (2,97)

Жони найзадан сочди сўнг ёғду (2,  
69)

Энди келди уни ёқиш айёми, кўк  
утила ёндириш они (2,98)

Тожу камар сендан бўлди ихтиёр  
(2,23)

Эътиборсизлик натижасида айрим жойларда персонажларнинг номлари алмаштирилган, бир қаҳрамонга тегишли гап иккинчига нисбат берилган. Масалан, Зангори Шоварон деган исми шариф Зангау Шоварон тарзида ёзилиб, иккита одамга айлантирилган. Чолғу асбоби кўс (ноғора) лашкарбоши қилиб «тайинланади»: «Колат йўлига сўнг Кўс жўнатилди» (2,89). Асл нусхада: «Тус келгач, Калот (Колат эмас) йўлига нағора чалдириб кирди». Иккинчи китобнинг дастлабки бобларида кишига ҳеч қандай завқ бағишламайдиган қофияланган тахтул-лафзга ўхшаш байтлар ҳам учраб туради.

Ж.Жабборов таржима қилган «Искандар подшолиги» бобида ҳам жиддий хатолар бор. Дорони енган Искандар унинг хотинига мактуб йўллаб, шаҳаншоҳлар удуми, васият-насиҳатларига амал қилинғуси, шу васиятга мувофиқ қизингиз Равшанакни олдимга юборинг, дейди, Ўзбекчада ўқиймиз: «Менга Равшанакни *этингиз инъом*». Мактуб сўнггида ёзилади: «Кўнглингизни тўқ тутинг, муроасага келинг, Эрон сизнинг ихтиёрингизда, мени Доро ўрнида билинглар». Таржимада эса:

Жаҳонда Дордек ном беринг менга,

Кўнглимдагидек ком беринг менга (2,354).

Забардастлик иддаоси, босқинчиларга хос дўк-пўписа акс этган бу таржималарда. Ваҳоланки, Фирдавсий Искандарни Эронга босиб келган ажнабий ҳукмдор эмас, балки ашконийлар тахтининг меросхўри сифатида тасвирлайди. Шунинг-чун Искандар пўписа қилмайди, маликани инъом этинг, дея талаб қўймайди (ахир инъом мактуб орқали талаб қилинмайди, қолаверса, бу сўз шоҳ қизи шаънига муносиб

эмас). Бу фикр Искандарнинг Равшанакка ёзган мактубида яна ҳам ёрқин баён қилинган (мазмун): «Шоҳлар фарзандига муносиб олдинда Исфаҳон муъбади, канизаклар, тож ва тахти равон билан, сенга суту шарбат берганлар билан келтирсинлар деб буюрдим. Бизнинг ҳарамни Равшан қил, қасримда бонулар сардори бўлгин, сўзларининг ҳамиша ҳаёли бўлсин» (7,13).

Бу парча шандай таржима қилинган:

Қаттиқ тутиб шоҳлар удумин бул кун,

Пешкаш этмоқдамиз Исфаҳон мулкин (?)

Сенгадир тожимда неки ҳикмат бор (?)

Сенгадир суту бол эмган бу диёр (?)

Бизнинг жонимизга нур бўлсин жонинг...

Сенинг хоҳишингча айлансин дунё (?) (2,354-355)

Абулқосим Фирдавсий ўз қаҳрамонлари номидан мактуб битганда уни ҳамма вақт Яздон номини ёдга олиш билан бошлайди. Бу унда қатъий қоида. Искандар мактублари ҳам шундай ёзилган. Аммо таржимон Яздон ўрнига қизнинг ўзини дуо қилади. Дилорой (Доронинг хотини) номани Искандарни мадҳ этиш билан бошлашга «мажбур» қилинган. Баъзан кичик бўлиб кўринадиган, лекин Фирдавсий услубига мутлақо тўғри келмайдиган ўзгаришлар бор. Масалан, Оллоҳ, Раззоқ, Халлоқ сўзларининг «Шоҳнома» қаҳрамонлари тилидан келтирилиши ёки Кайхусравни бобоси тенги Рустамни ўғлон, чироғим деб «эркалаши» («Бежан ва Манижа» достонида) асло ярашмайди.

Маъноси ғализ таржималар биринчи (53, 86, 105, 306, 307, 309, 310, 311, 316, 318, 319, 401 бетлар) ва учинчи (7, 9, 48, 52, 13, 14, 244, 245, 30, 277, 279 бетлар) китобларда ҳам мавжуд. Аммо иккинчи китобда бундай нуқсонлар нисбатан кўпроқ. Албатта, қайд этиб ўтилган камчиликлар таржиманинг умумий ҳажми билан солиштирилганда унчалик кўп эмас. Шундай бўлса-да, улар китобхонлар таъбини хира қилиши турган гап. Аслини олганда бадий ижодда «маъно ғализлиги» деган нарса устида гапиришнинг ўзи ортиқча. Маъно бўлмаган жойда шоирлик маҳоратидан сўз очишга ҳожат йўқ-ахир бу адабиётнинг ибтидоий талаби...

«Шоҳнома» – йирик ҳажмли китоб. Бироқ у зерикарли

эмас. Унинг ҳар бир боби, ҳар бир достони ўзгача тароватга, кишини сеҳрлаб оладиган жозобага эга. Қадимий афсоналар, эртакка айланган тарих саҳифаларини билишга интилишимиз ски ажойиб сюжетлар қаҳрамонлик юришлари, муҳаббат мажаролари бизни мафтун этадими? Албатта. Бирок «Шоҳнома»нинг таъсирбахшлиги, бадий қиймати фақат шундан иборат эмас. Унинг ҳусни жамоли, жозибаси Фирдавсийнинг шоирона даҳоси билан бунёд этилган сатрларнинг нафосатидир. Шеърий санъат қадимий афсоналар лирича руҳ бағишлаган. Мифологик қаҳрамонларнинг ҳарбу зарблари, шукуҳ ва салобатини ёрқин, жонли қилиб тавдалантирган. Асарни ўқиганда кишининг қалби узок ўтмишдан садо берган, ва лекин ҳеч сўнмайдиган ширин, айни вақтда шиддатли, пурвиқор оҳанглар билан тўлади. Фирдавсий шеърининг кучидирки, афсона ва тарих бирга қўшилиб, бир каттакон қўшиқдай янграб турибди.

Жаҳонпахлавон он яли аржманд,  
Ба тиғу ба ханжар, ба гурзу каманд,  
Буриду дариду шикасту бубаст-  
Ялонро сару сийнаву пову даст.

Шоир сўзлари қиличдай ўткир, сойдаи сероҳанг. Улар куйлайди, фиғон чекади, рақсга тушади, йиғлайди... Дарвоқеъ, буюклар шунинг учун ҳам буюкки, уларнинг асарларида ғоя ва унинг бадий ифодаси ҳайрон қоларли даражада уйғун ва муганосиб бўлади. Катта фикр, кенг қамровли мазмун, бақувват гуманистик идеялар қудратли истеъдод ва теран донишмандлик бағрида туғилиб вояга етади-да! Шуниси ҳам борки, ижодкор қанчалик улкан бўлса, унинг ўзига хос услуби шунчалик равшан кўзга ташланади. Абулқосим Фирдавсий шеърини унинг битта байтидан таниб олиш мумкин. Шоирнинг ўз луғати, севган иборалари, вазни, ритм-оҳанги бор. Қаҳрамонларнинг вужудида куч-ғайрат яшнаб туради, улар юриш-туриш, феъл-атрофи, нутқи билан доимо жангавор шижоат, жасурлик, ички ғурур ва ташқи ҳашаматни намойиш қилиб турадилар.

«Шоҳнома»да кенг манзаралар чизиш, панорамали тасвир



асосий ўрин эгаллайди. Бу ҳол эпопеянинг шеърӣй тузилиши, бадий воситаларида ўз таъсирини қолдирган. Шундай усуллардан бири мисрада (ёки бутун байтда) сўз ва бирикмаларни қаторлаштириб, уюштириб келтириш-санок санъатидан фойдаланишдир. Юқорида келтирганимиз Рустам жангини тасвирловчи парчага диққат қилсак, бир жумладан иборат икки байтда уч мисра нуқул ҳарбий қуролларнинг номлари ва улар воситасида паҳлавон амалга оширган ишлар санаб чиқилганини кўрамиз. Яъни: Рустам қилич, ханжар, гурзи ва аркон билан ёвларининг бошини, кўксини, оёгини, кўлини кесди, ёрди, синдирди ва боғлади. Сўзлар қатори шеърӣй либос кийганда-вазнга жойлашиб, ўзаро оҳангдошлик касб этгач, катта ифодавий кучга молик бўлади. «Шоҳнома»да сўзлар билан бирга, бирикмалар, жумлалар ҳам ана шундай кетма-кет уюшиб келган. Бу усул барабар тўхтамларни ҳосил қилиб, шеърнинг ҳаракати, ички динамикасини кучайтирган, ритмнинг муайян мусиқий такт бўйича аниқ такрорланиб, вазн билан кўшилган ҳолда ажойиб гармонияни вужудга келтирган. Классик адабиётшуносларимиз буни лафъу нашр (йиғиш ва ёйиш) санъати деб номлаганлар. Европа поэтикасида эса бу параллелизмлардан фойдаланиш дейилади. Бироқ «Шоҳнома»да мазкур усул шу дражада кенг ва хилма-хил кўринишда қўлланилганки, уларнинг ҳаммасини лафъу нашр ёки параллелизмлар андазаси билан таърифлаб бўлмайди. Бу Абулқосим Фирдавсийнинг ўзигагина хос санъатдир. Асарни таржима қилган ўзбек шоирлари унинг бу хусусиятини яхши бера олганлар.

Йиғилди парию, паланг, парранда,  
Арслону қоплону шеру дарранда (1,47)  
Баландда ҳилпирар Коваён ялов,  
Шоҳона, хумоюн, нурафшон ялов (1,111)  
Наъра тортганда сардоркуш полвон,  
На филда ҳуш қолди, на девларда жон (1,383)

Бу тасвирий восита такрор санъати билан кўшилиб, муайян мусиқий ҳамовозликни пайдо қилган. Шу сабабли қаторлашиб келган сўз ва иборалар аксарият ўзаро оҳангдошдирлар. Бундай оҳангдошларни таржимада ҳам ўқиб завқланамиз:

Саховат, адолат кўтармиш уни,  
Фаридун сендирсан қилолсанг шуни (1,128)  
Ўзила бир даста паҳлавон олди,  
Ҳамфикр, ҳаммаслак, ҳамзабон олди (1,154)

Абулқосим Фирдавсийнинг тили бағоят мусиқий. Сўзлар, ҳижолаар тула оҳангда бўлмаган жойларда ҳам айрим говушларнинг аллақандай ички нурланиш, майин садо беришини сезиб турасан киши. Бу оҳанглар шоир юрагини қат-қатидан сизиб чиқиб чиққан наводай ёқимли.

«Шеърый асарда фикр ва образлар қанчалик муҳим бўлса, унинг тузилиши, сатрлардаги жумлаларнинг ўзига хос хусусиятини (умумий ва жузъий композиция) ва сўзларнинг шлоҳида жаранги, оҳангдошлар (аллетирация, инструментовка, говушларнинг ички ҳамоҳанглиги – умуман, эвфония) ҳам шунчалик муҳимдир», – деб ёзган эди атоқли таржимон ва шоир В.Брюсов («Русские писатели о переводе», М.2-Л., 1960, 544 б.) Модомики бу шундай экан ва таржима бадий асарнинг янги тилдаги ҳаёти бўларкан, демак, ўша янги тил мусиқаси, оҳангдошлик имконияти унда акс этиши керак. Бу қанчалик амалга ошади – шоир-таржимоннинг маҳоратига боғлиқ. «Шоҳнома»даги кўп пардали, сержило мусиқани таҳини бузмай бошқа тилда ифодалаш хийла мушкул иш, лекин шунга қарамай, таржимани ўқиганимизда сероҳанг ўзбекча байтларга ҳам дуч келамиз:

Аскарлар қароғи разм чоғида,  
Анжуман чароғи базм чоғида...  
Дилида шукрона, гумони қайда,  
Тилида мадҳона, дармона қайда (I, 344)

Бу каби ҳамма сўзлар ёппасига оҳангдош бўлган ва шу билан бирга сўзлар тенг вазнли рукнлар бўйлаб жойлашган чиройли байтларни тарсеъ санъатига мисол қилиб кўрсатганлар. Кейинги байт асл нусхада ҳам шу санъатда битилган:

Равонаш гумони ситойиш надошт,

Соф ўзбекча сўзлар оҳангдошлигидан яралган сатрлар таржиманинг тароватини янада оширган:

Қасоскор қиличдан қирилди кўпи...  
Қизишдан қизирди ҳамон олишув,  
Қизил қони дарё, тер оқар дув-дув. (1,301)  
Курсию, пардаю, тахти равонлар,  
Чодирю, охуру гурзи гаронлар (3,540)

Ш.Шомуҳаммедов бажарган бу таржималар Фирдавсий шеърининг авжига яқин келади ва китобхонга ҳузур бағишлайди.

Бироқ шуни айтиш керакки, шеърда ички оҳангдошлик бўлиш-бўлмаслигига шоирнинг услубига боғлиқ нарса, у гоҳида кўп, гоҳида кам бўлиши ёинки умуман бунга аҳамият берилмаслиги мумкин. Оҳангдошликнинг барча халқлар шеърлятида қатъий талаб асосида бўладиган зарурий элементи қофиядир. Қофия барқарор, унсур сифатида шеърдаги бошқа мусиқий элементларни бир маромга йўналтириб, мисралар «бошини қовуштиради». Фирдавсий ашъори бу жиҳатдан олий намуна. Унда қофиянинг тури кўп: тўла оҳангдош сўзлар қофияси, ҳамоҳанг ҳижолар, алоҳида товушлар жўрлиги ва ҳоказо. Аҳён-аҳёнда радиф ҳам учраб туради. Қофия бўладиган сўзлар аксарият қаҳрамонларнинг характер хусусиятини, муаллиф ғояларини чуқурроқ ифодалашга хизмат қиладилар.

Бировга насиба бўлгаю меҳнат,  
Бировга ўтгайдир лаззату неъмат.  
Жасоратли деҳқон ҳунардан тушар,  
Нажиблик дарахти самардан тушар.  
Кинаю адоват ишга бош бўлур,  
Ғанимлар шоҳининг бағри тош бўлур(3,6060)

Таржимон-шоирларимиз «Шоҳнома» қофияларини қайта яратишдаги санъаткорлигини алоҳида таъкидлаш лозим,

хусусан, Ш.Шомухаммедов ва Ж.Жабборов таржима қилган боблар бу жиҳатдан ажралиб туради. Асл нусхадаги қофия сўзлар баъзан ўзгартирмасдан айнан келтирилади. Бу тадбир «Шоҳнома» руҳини ҳис қилиб туришга кўмак беради. «Эллада ва Румонинг улуғ шоирларини таржима қилиш хусусида гап борганда, – дея ёзган эди В.Брюсов, – ... нутқнинг, сатрлар тузилишининг хусусиятини, ҳамма сўзлар, бутун ибораларни, барча таркиботларни бериш зарур деб ўйлаймиз («Русские писатели о переводе», 543).

Мазкур фикр юнон ва румо классик адабиёти таржимаси тўғрисида билдирилган бўлса-да, у қадимги шарқ шеърлятига ҳам бирдай таалуклидир. Айниқса, «Шоҳнома»дайд кўҳна исотирлар юзасидан ёзилган асар таржимасига бу талаб бағамом мувофиқ келади. Бу жуда қаттиқ талаб. Аммо олдинга катта талаб қўйиб, маъсулиятни тўла ҳис қилган ҳолда ишга киришишнинг ўзи, гарчи муддао юз фоиз амалга ошмаса-да, яхши натижаларга олиб келиши муқаррар. Зеро, андазани кенг олиш, умрни қутлуғ мақсад йўлига бахшида этиш ўз ишига чексиз муҳаббат ва беғараз ижодий ниятдан дарак беради. Ахир яхши таржима-таржимоннинг ўз намунасига муҳаббати меваси-да! Бу очик, равшан, оқилона муҳаббатдир. Мутаржим гўзалликни чуқур тушунган, уни ўзининг оламига айлантирган ва шу оламдан янги олам ато этиш истейдодига молик бўлган одамдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, ижодкор сифатида таржимонни «ишнинг практик аҳамияти»дан кўра соф адабий ният-ўзга тилда бунёд этилган кишини мафтун этувчи бемисл сўз санъатини она тилида кўриш, «бегона муъжизани бир лаҳза бўлса-да ўзиники деб билиш») (А.А.Фет), уни эгаллаш истаги кўпроқ қизиқтиради. Шунинг учун улар енгиб бўлмас куч билан ишга берилдилар. Баъзан тантана қиладилар, баъзан ҳама мағлубият аламини чекадилар. Лекин яна ўша В.Брюсов айтганидай, «Данте билан курашда оқсоқ бўлиб қолиш ҳам зўр шарафдир».

Бу кураш, халқаро ижодий турнир жаҳон адабиёти майдонида бир неча асрлар давом этади. Шоирлар ҳар гал ўз камонларининг адабий-эстетик қарашлари, янги дид ва талаблари билан қуролланган ҳолда классикага қўл урар

эканлар, тоза йўл, янгича усул қидирадилар. Бисотларидаги имкониятларидан фойдаланишга интиладилар. Ўзбек китобхонларига тушунарли бўлган тожикча сўзлар таржимонларимиз ихтиёридаги шундай имкониятлардан эди. Улар буни мавриди билан унумли қўллаганлар. Аммо бу масалада эътиборимиз ҳам бор: қофияга олинган тожикча сўзларнинг бир қисми бугунги ўзбек ўқувчисининг фаҳмига бориб етадиган эмас. Таржимонлар нияти тушунарли: классик асарни соддалаштириш, изоҳ-шарҳни кўпайтириш (ҳатто мифологик образларда акс этган сўз ўйинлари, матн орқасидаги яшириш маъноларни биринчи ўринга олиб чиқиш ҳам) таржимани талқинга айлантириб қўйиши мумкин. Байтларнинг асл нусхадаги ҳолати, бутунлигини сақлаш учун эса Фирдавсий луғатини кўпроқ олиб қолишга тўғри келади. Аммо шундай бўлса ҳам, масалан, мана бу сўзлар таржима қилиниши керак эди: ганг, ком, захра, дебо, чандиш, пешбанд, дурри самин, муфид, яксара, раҳнамун, шикан баршикан, мастон, обу хок, гарон, равон (жон маъносида), домод, ож, ҳакимон, боҳуш ва бошқалар. «Шоҳнома»нинг ўзига хос архаизми бўлмиш рой, ғаррон, ҳанзал, сипоҳ, силеҳ сингари сўзлар ҳам ўзгаришсиз олинган. Булар ҳозирги форс ёки тожик китобхонига ҳам тушунарли бўлмаса керак. Ўзбекча жилдларнинг охирига илова қилинган изоҳларда бу сўзлар йўқ. Афсуски, ўзбек ўқувчисига ёрдамга келадиган зарурий луғатларга ҳам эга эмасмиз.

Қофия ҳақида гапирганда яна бир камчиликни кўрсатмасдан иложимиз йўқ. Бу таржимада чала қофияли ёхуд умуман қофиясиз байтларнинг мавжудлигидир. Чунончи, иккинчи китобда: алданма-чекинма, куйлар-улар, келур-етур (32), келди-жўнатилди, ёнибди-кутибди (41), чорва-гўё, ўлдирилди-бўлди, тўсин-устин, айёми-они (45, 44, 48) сўзлари қофия деб тақдим этилган. Бир жойда шоҳ (дарахт шоҳи) шоҳ деб ёзилиб, огоҳ унга қофия қилинган (2, 424). 1200 байтли «Бежан ва Манижа» достонининг 300 яқин байти мутлақо қофиясиздир. Намуна келтираммиз:

Бу аччиқ нақлни тинглар экан шоҳ,  
Бутун вужудини қоплади титроқ. (276)  
Сўнг унинг олдида тиз чўкти Гургин,

Ўбдон тавба қилиб ер ўпти Гургин.  
Жомга бокди, кейин олдига кўйди,  
Унда кўп ғаройиб лавҳалар кўрди (211)

Кофиясиз шеър жуда хунук кўринар экан: шип-шийдон  
килинган уйга ўхшайди, файзсиз. Насрий баён ёки тахтул-  
лафз бундан кўра таъсирлироқ. Чунки унда маъно қирралари  
тулароқ акс этган бўлади. Абулқосим Фирдавсий ашъорининг  
бутун нафосатини беришнинг иложи йўқдир балки, лекин  
инди унинг қофияси ҳам ташлаб кетилса...

«Шоҳнома»даги ўзига хос тасвир ихчамлиги, қаҳрамонлик  
оҳангини акс эттирувчи салобатли руҳ унинг ифода-образлари,  
пишбех-истиораларида ҳам яққол кўзга ташланиб туради.  
Чунончи:

Майдонга от сурди сармаст фил гўё,  
Остида палангу қўлда аждаҳо (1,379)

Рустам-маст фил, минган оти-йўлбарсдай беомон, кўлидаги  
пишшири-аждаҳодай одамкуш. Бундай муболағали, лекин  
Фирдавсийнинг ўзига ярашадиган ташбеҳотлар  
Ш.Шомуҳаммедов томонидан муваффақиятли  
ўзбекчалаштирилган.

Совутин кўрганлар оловнамо дер,  
Қиличин тафтидан ёнар қора ер.  
Овозидан дашту тоғлар дарз кетти (1,379)  
Шундай деб суғурди қиличин қиндан,  
Бало наҳангини чиқарди индан (1,348)

Ҳ.Фулом, Ж.Жабборов таржима қилган достонларда ҳам  
образли ифодаларни сақлашга яхши эътибор берилган.  
Қимдан-кам ҳолларда ифодалар (шеърый таржимада жоиз  
бўлган эркинлик) ўзгартирилган, шунда ҳам байтнинг конкрет  
ибораси ўрнига Фирдавсийнинг бисотида мавжуд бўлган  
образларни қўллашга ҳаракат қилганлар. Бизнингча, тўғри  
ини қилинган: «Шоҳнома» байтларининг образларини айнан  
сақлабгина муаллиф услубига етказиш мумкин. Образли  
ифодалар муқобиллиги маъно-мазмун муқобиллигини

таъминлашга кўмаклашади, шеърнинг завқбахшлиги, таъсир кучини оширади.

Энди икки оғиз вазн хусусида.

Профессор Шоислом Шомухаммедов «Шоҳнома» таржимасининг биринчи китобига ёзган сўзбошида матбуотда эълон қилган мақолаларида таржима жараёнида юз берган қийинчиликлар, қўлланилган метод ва принциплар хусусида гапириб, иш вақтида пайдо бўлган энг катта муаммо – бу вазн масаласи эди, дея қайд этади. Шундай бўлиши табиий. Чунки шеъринг таржимада вазни акс эттириш анча мураккаб ва тортишувли масала. «Шоҳнома» таржимасига келганда бу яна муҳимроқ аҳамият касб этади. «Шеърнинг вазнини акс эттириш, – деб ёзади профессор Ш.Шомухаммедов, – унинг куйи, музыкаси бинобарин, кайфият ва туйғуларини акс эттириш демак» («Шоҳнома». Биринчи китоб . Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1875, 711 б.).

Ана шу талабга асосан, кўлгина таржимонлар ва таржима назарийетчилари асл нусханинг вазнини айнан сақлаш идеяси олға сурадилар. Бошқача айтганда, таржимада эквиметрик позицияси қатъий ҳимоя қилиб чиқадилар. Бироқ, бу маънодаги вазнлар мувофиқлигига кўп ҳолларда эришиб бўлмайди. Негаки, вазн-халқ тили ва унинг адабий-эстетик анъаналари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ҳодиса. Агар бир миллий адабиётнинг (баъзан бир неча қўшни халқлар адабиётининг) ўз шеъринг системаси, тарихан шаклланган вазн тури бор. Шундай бўлгач, вазни айнан сақлашга интилиш аксарият ҳолларда она тилига зўравонлик қилиш, ватан адабиёти талабларини менсимасдан иш кўриш билан барабар бўлиб чиқади. Немис таржимонлари Шайх Саъдийнинг «Бўстон» асарини ўз вазни-мутақориб орқали таржима этишга уринганлар. Лекин бу иш мувоффақиятли чиқмаган. Бунга ўхшаш мисоллар кўп. Шу сабабли бир-биридан узоқ адабиётлардан асар таржима қилинганда кўпинча вазни айнан сақлашга эмас, балки ватан адабиётидан мувофиқ, яқин келадиган вазн турини топиб қўллашни маъқул кўрадилар. Яъни таржимада эквимотриклик учун эмас, балки эквиритмикликни қўлга киритиш учун кураш олиб борилади.

Чунончи, рус таржимонлари «Шоҳнома» ритмини акс эттириш сари интилиб, А.С.Пушкин замонидан то ҳозиргача бўлган ушлаб вазн хилларини синаб кўрдилар.

Дақиқий ва Фирдавсий арузнинг мутақориб баҳрини (Тўрт гурокли қусурли (мақсур) мутақорибнинг парадигмаси куйидагича: фаўлун, фаўлун, фаўлун, фаўл. Солим рукнлар бир қисқа ёки чўзиқ ҳижодан иборат, талаффуз оҳанги биринчи чўзиқ ҳижода кучаяди-муайян урғу ҳосил бўлади) бежиз танламаганлар. Чунки мутақориб салобатли, тантанавор ритми ифодалайдиган вазн ҳисобланади. У бошқа вазнларга нисбатан жангнома руҳига мувофиқроқ. Шунинг учун «Шоҳнома»дан кейинги қаҳрамонлик дostonлари шу баҳрда яратилган. Абулқосим Фирдавсий мутақориб имкониятларидан шу даража усталик билан фойдаланганки, гўё бу вазни унинг ўзи ижод этгандай. «Шоҳнома»ни ўқиганда бошқа баҳрда бундай асарни яратиш бўлмайди деган хаёлга борасиз. Дарҳақиқат, мутақориб деганда классик адабиётда аввало «Шоҳнома» кўз олдимизда гавдаланади.

Бундай қараганда, шарқ классик адабиётидан таржима қилувчи ўзбек адиблари олдида вазн муаммоси йўқдай бўлиб туюлади. Ҳақиқатдан ҳам, кўп асрлик адабиётимиз арузда яратилган, ўзбек ва тожик шеърини услуб ва усуллар, адабий-эстетик анъаналар жиҳатидан бир-бирига яқин, «Қутадғу билик», «Садди Искандарий», «Чор дарвеш» (Хиромий), «Россия кўзғалони» (Сидкий Хандайлиқий) ва бошқа бир қанча дostonларимиз мутақориб баҳрида ёзилган. Шундай бўлгач, «Шоҳнома»ни ўз вазни-мутақориб мусаммани мақсур баҳрида таржима қилиш лозим, деган хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади. Аммо бу ерда яна бир «лекин» бор: аруз ХХ аср бошига қадар шеъринимизнинг асосий вазни эди, совет даври ўзбек шеъринининг етакчи вазни ҳижо системаси. Шунга кўра, ҳозирги китобхонларимизнинг кўпчилиги қисми ҳижо шеърини руҳида тарбияланган. Шу маънода таржимоннинг, ўзбек ўқувчиси арузда ёзилган шеърни ҳазм қилолмайди, уни бармоққа солиш ўқийди, деган фикри тўғри бўлиб чиқади. Албатта, бу гапни китобхонларнинг ҳаммасига нисбатан айтиш хато. Арузни талаффуз қилолмайдиган зиёлилар билан бир қаторда, бу вазнда ёзилган шеърни жуда қадрлайдиган, уни



севиб, тушуниб ўқийдиган «оддий» китобхонлар ҳам талай. Афтидан, гап қайси вазннинг тилимизга мос келиш-келмаслигида эмас. Гап кишининг қандай адабий анъана руҳида тарбияланганидадир. Ҳам аруз, ҳам бармоқ шеърини руҳида тарбия топган кишилар адабиётимизнинг бу икки ҳазинасидан баҳраманд бўлиб келмоқдалар.

Умуман, вазнлар хусусидаги бахснинг акс-садоси таржимачиликка ҳам таъсир қилапти. Оригинал адабиётда бармоқ ва аруз вазнларида шеър ёзиш ёнма-ён ривожланиб бораётгани каби шарқ поэзиясидан ҳам икки хил вазн барабар қўлланилиб келади. Рудакий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Камол Хўжандий ғазаллари, айрим дostonлардан парчалар арузда ўгирилган бўлса, Хайём ва Бедил рубоийлари, «Хирадномаи Искандар» (Жомий), «Бўстон», «Гулистон» (Саъдий) асарлари шу жумладан «Шоҳнома» бармоқ вазни билан таржима қилинган.

Албатта, вазннинг яхши ёки ёмони бўлмайди. Ҳар бир вазн муайян даврда, муайян вазиятда кишиларнинг кайфияти, туйғулари, улар қизиққан ижтимоий мазмунни ифодалашга хизмат қилади. Лекин аруз ҳақида гап борганда, шуни айтиш керакки, у шунчаки ўлчов, чорчўба бўлмасдан, балки тарихий калоритни белгилайдиган адабий ҳодисадир. Муҳтарам таржимонларимизнинг фикрини давом эттирадиган бўлсак, вазн, жумладан аруз-бу бир система, классик адабиётимизнинг қонун-қоидалари, талаб-андозаларини мужассамлаштириб келади. Бинобарин арузда ёзилган асарнинг ифода-образлари, мусиқаси, хуллас, бутун организми шунга мувофиқ равишда бичилган. Бу унсурлар бошқа вазн қолипига кўчганда «бегоналашиб» қолиши, қандайдир қовушмаганликнинг пайдо бўлиши шундан.

Оташин лаъли ки тожи хусравонро зивараст,  
Ахгара баҳри хаёли хом пухтан дар сараст.

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг машҳур «Тухфатул афкор» номли қасидаси матлаи бу. Мазкур қасида яқинда Ш.Шомухаммедов таржимасида босилиб чиқди. Мана ўша матлаъ:

Подишоҳлар тожида ёлқинли лаъл бўлса безак,  
Бошдаги ҳар хом хаёлга тоб берувчи чўғ демак.

Ўз вазнида жуда аниқ ва жуда чиройли қилинган таржима.  
Бир хил қофияланувчи олтмиш байтли қасида бошидан  
охиригача шундай ўтирилган. Дарвоқе, Ш.Шомухаммедовнинг  
«Шоҳнома»дан бажарган илк таржималари ҳам арузда эди.  
Таржиманинг биринчи китобида бунинг таъсирини сезиш  
кийин эмас. Аруз оҳангига мос келадиган, мутақориб баҳри  
рунklarига тушувчи байтлар учраб қолади баъзан. Чунончи:  
Агар Сом /каби ул/ урушқоқ/ экан,  
Баҳодир /ақлли/тиришқоқ/ экан...  
Бу ишда /жадаллик/келишмас/ эрга,  
Масал /бор/шошилган /ёлчимас эрга (1,443)

Бу факт шуни кўрсатадики, Фирдавсий шеърятининг ўзи,  
асар оҳанги таржимон-шоирларимизни беихтиёр мутақориб  
баҳрига мувофиқ келадиган ритмик муқобаллик излаш сари  
етаклаган, натижада айрим ўринларда байтлар аруз вазнида  
яратилган. Шунинг оқибати бўлса керакки, таржимадаги  
мисраларнинг кўпи ўн бир ҳижоли бармоқ вазнининг 6+5  
ёки 5+6 туроқлашув системасида эмас, балки 3+3+3+2 ёхуд  
3+3+5 туроқлашув системасида ижод қилинган. Масалан:

За-во-ра /фил-ган-га/ ке-ла-ди/ яқин,  
Я-қо-си /йир-тил-ган/ юз-ла-ри/ сўлгин

Бу эса мутақориб рунklари ҳижоларининг гуруҳланиш  
тартибига мосдир. Мутақорибда ҳам, агар уни бармоқ вазни  
сингари, ҳижолар системасига солиб чиқсак, 3+3+3+2 ҳосил  
бўлади. Бу таркибот паузалар такрорига, бир хилдаги ритмининг  
давом этишига мувофиқ бўлиб «Шоҳнома»да кўп учрайдиган,  
нигиб ўтганимиз уюшиқлар қатори-сўзларнинг тизилиб келиш  
санъатига айнан мос тушади:

Қадимий /манзилим/масканим/маним,  
Гурхонам/кувватим/кафаним/маним (3,607)

Бу хилдаги байтлар таржимада алоҳида ажралиб туради.

Улар мутақориб баҳрининг вазнига муқобил варианти сифатида қабул қилиниши мумкин...

Айтилган гаплар «Шоҳнома» ва унинг таржимаси ҳақида баён қилинган айрим қайдлар, холос. Таржимонлар коллективи (Шуниси характерлики, «Шоҳнома»ни тўрт киши таржима қилган бўлса ҳам, унинг ягона услубига ҳалал етмаган. Таржимонлар асосан биринчи китобда қўлланилган принципларга амал қилганлар. Шундай бўлса-да, Ш.Шомухаммедов таржималари ажралиб туради, унда оригинал тилни пухта билган кишининг қўлини бемалол ҳис қилиш мумкин) чинакам улкан ижодий ишни адо этганлар. Бу замондошларимизга муносиб тўхфа бўлди. «Қачонлардир одамизот зеҳни билан яратилган асарларнинг замона гирдобларидан омон қолиб, давримизга келиб етганига гувоҳ бўлиш ҳар бир маданият дўстини беҳад севинтиради» – деган эди Мақсуд Шайхзода.

«Шоҳнома» – Абулқосим Фирдавсийнинг ўзи башорат қилганидай, завоқ билмас шеърят обидаси, маънолар қарвони. Бу қарвон авлоддан-авлодга томон йўл босиб, турли халқлар дилидан манзил эгаллаб келмоқда, ҳар бир янги таржима унинг қўнимгоҳидир. «Шоҳнома»ни таржима қилиш, мавжуд таржималар устида иш олиб бориш тўхтамайди-Фирдавсий қарвони йўлда давом этади.

Ҳамидулло Болтабоев

**ФИТРАТ - ФИРДАВСИЙШУНОС**

Форс мумтоз адабиётининг зукко тадқиқотчиси Абдурауф Фитрат 1910 йилларнинг охирироғида Абулқосим Фирдавсий ва унинг буюк «Шоҳнома»сига ўз илмий ва публицистик мақолаларида мурожаат эта бошлаган. Машҳур «Тилимиз» мақоласида буюк форс адибининг номи «Эрон адабиётини оёққа турғизган, дарий тилига адабий тил мақомини берган» улуғ устод сифатида таърифланади: «Форс тилининг бу силкиниши Эрон шоири Фирдавсийнинг чиқиши эди. Фирдавсий арабчиликка қарши қайнаган, қизиққан бир миллатчи эди. Ўттиз йил тиришди, донгли «Шоҳнома»

китобини ёзиб чиқарди... Фирдавсийнинг икки тилаги бор эди: Эрон улусини арабдан совутиб, эронли туйғусини бермак ва араб тилини Эрондан суриб чиқармоқ. Шунинг учун «Шоҳнома»нинг ҳар бир еринда эронлини махтаган шоир араблиққа келганда:

Зи шири шутур хўрдану сусимор,  
Арабро ба жое расидаст кор.  
Ки тахти Каёнро кўнад орзу  
Тфу, бар ту, чарх гардун тфу.

деб қийқирмишдир. Бу сўзларнинг туркчаси шудир: Туя суғи билан илон (аслида «калтакесак») эти емакдан бошқа иш билмаган арабнинг иши шу ерга чиқмишким, Эрон императорининг тахтини истайдир. О, шу ишга сабаб бўлган (фалак, тфу, сенга тфу). Бу мақолада Фитрат форс шоирининг жасоратини тан олиш баробарида турк тилини ҳам бахтсизлик ботқоғидан кутқариш учун шундай бир «ўзбек фирдавсийи керак» деган хулосага келади.

Фитрат асарларида бошланган бу муҳим нуқта кейинроқ С.Айний, Е.Э.Бертельс, И.Брагинский ва бошқа олимлар томонидан давом эттирилган. С.Айний Ўрта Осиёга Рашид алфанди қиёфасида кирган Х.Вамберининг «Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи» китобига ёзган шарҳдаги «тожиклар гапирадиган Ўрта Осиёнинг форс лаҳжаси луғат жиҳатидан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам кўп хусусиятларга эгаки, булар Фирдавсий усулини эслатади» деган қайдига асосланиб, жонли тожик тилидаги сўзлар билан «Шоҳнома»дан олинган намуналарни қиёслаб, бу фаразни қатъийлаштиришга ҳаракат қилган. (Айний С.О Фирдоуси и его «Шах-намэ» Литературный Узбекистан, 1935, №1, с.78-91).

Йигирманчи йилларнинг охирларида жадид драматургиясида бир қанча тарихий мавзуда яратилган асарлар утмишни томошабин кўз ўнгида тирилтириш орқали халқдаги наганпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга ҳаракат бўлган. 1918 йили «Шоҳнома» сюжетидан фойдаланиб, драматург Ғози Юнус «Заҳҳоки морон» номли пьеса ёзгани маълум. Муаллифнинг эътифига кўра, «ёзажак асарим учун танлаган

мавзуим шарк дostonларидан энг машхури – бизнинг ўз молимиз қаторида саналган Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридан бир муҳим қисмини ташкил қилган «Заҳҳок ва Кова» воқеасидир. Воқеа қабила тарихидир, бу дoston эса хурофотдан кўра асотирдир». 1920 йилда алоҳида китобча ҳолида нашр этилган бу драма ҳақида Шамсиддин Хуршиднинг тақризи, Фитратнинг бу тақризга жавобан ёзган мақоласи эътиборлидир. Олим драматургга қўйилган ноҳақ айбларни рад этгани ҳолда қадимий Эрон афсоналари руҳида ёзилган бу асарни «ўз молимиз деб қабул қилиш ва унинг турк заминида кечган» деб нотўғри талқин этилганини кўрсатиб ўтган. Қолаверса, айни мана шу сюжет асосида турк адиби ва олими Шамсиддин Сомибекнинг «Коваи оҳангар» асари ўзбек саҳнасига чиқиши муносабати билан бу саҳна талқини ҳақида Чўлпоннинг тақризи ва «Шоҳнома»нинг туркча таржималарига бағишланган мақолалари эълон қилинган. Бу эса Фирдавсий мавзуси ўзбек адабиётшунослигида ҳам эътибор билан ишланганини кўрсатади.

Фитрат 1930 йилда ««Фарҳоду Ширин» дostonи ҳақида» мақоласида дostonнинг илдизи Фирдавсий асарига боғланишини кўрсатиш билан бирга «Шоҳнома»да Хусраву Ширин тарихи тўла акс этмаганини ҳам қайд этган: «Фирдавсий бу дostonни ёзганидан бурунги қисмларини яхши билган, лекин нима учундир ҳаммасини «Шоҳнома»сига киргизишни лозим кўрмаган». (Фитрат. «Фарҳоду Ширин» дostonи тўғрисида. Аланга – 1930, №1, б. 14-17) Шунга қарамай олим Фирдавсий таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан 1934 йили бу кўҳна мавзуга қайтиб, ўзининг янги кузатишларини эълон қилган. Йил бошида эълон қилинган «Эртақлар ва ҳақиқатлар» мақоласида «Шоҳнома» асарининг ёзилиш тарихи билан боғлиқ бир қатор афсоналарни ўрганиб чиқиб, улардаги «эртақлик миқдори» билан чин, ҳақиқий воқеаларни саралаб чиққан. Буюк асарнинг ёзилиш сабаби афсоналарда айтилган «Султон Маҳмуднинг фармони», «Аёзнинг далолати» ёки «Ҳасан Маймандийнинг кенгаши» билан ҳам, ўзига замондош шоирлар Унсурий ва Маҳҳолнинг

воситачилиги билан ҳам боғлиқ эмас, Фирдавсийнинг ўзи айтган сўзлар:

Ки он дostonро дуруғ аст пок,  
Дусат з-он наарзад ба як мушти хок

(Мазмуни: У дostonлар ёлгондан иборатдир, улардан икки юзтаси бир сиқим тупроққа арзимаиди)га асосланиб, бу ҳолат «Мажмаъ ул-фусаҳо» тазкирасида ҳам қайд этилганини аниқлатган. Маълум бўлишича, буюк адибнинг замондошлари томонидан ёзилган «Шоҳнома»лардан қоникмай, шундай янги асарни тартиб беришга журъат топган деган хулосага келган. Фитрат бу мақолада «Шоҳнома» яратилган мураккаб тарихий воқеалар силсиласидан Фирдавсий – Тусий билан Маҳмуд Ғазнавий ўртасидаги можаронинг илдизини ахтарган, ниҳоят айрим ривоятларда айтилган мулоҳазалар қатидаги ҳақиқатни юзага чиқарган: «Фирдавсийнинг асари биттач, Мансур бинни Муҳаммаднинг насиҳати билан подшоҳга тақдим этмоқчи бўлган ва Маҳмуд Ғазнавийнинг Ғазл бинни Аҳмад исмли вазири воситачилигида китоб хоҳонга етиб борган. Айний юқорида тилга олинган мақолада «Султон Маҳмуд нима учун «Шоҳнома»ни ёқтирмади?» деган савол қўйган ва унинг жавобида «Шоҳнома» барча буюклик, барча шон-шараф ва барча юксак даражалар Эрон шоҳлари сулоласига хос, деб талқин этарди. Султон Маҳмуд Эрон иркидан эмасди, ота-бобоси шоҳ бўлмаганди ва бунинг устига қулбачча ҳам эди. Шундай экан барча шон-шарафларни Эрон шоҳлари сулоласига хос деб талқин этадиган «Шоҳнома» уни хушнуд қила олмасди» деб ёзган(Фирдавсий. Замони ва муҳити у.Барои адабиёти социалистик.1930, №5-6). Фитрат бу муҳим саволнинг жавобида барча масалаларни осонгина Султон Маҳмуднинг мустабидлиги билан Садриддин Айний томонидан ҳал этилишидан аввал ёзган эдики, «Ғазнавий ҳукумати турк ҳарбий аристократия ҳукумати эди. Эрон ҳарбий аристократиясининг фойдасига ёзилган, қадим Эрон афсоналарининг мажмуаси буларни албатта қизиқтирмас эди» деган ҳақиқатни баён қилган. (Фитрат. Эртақлар ва ҳақиқатлар. Фирдавсий таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан. Машғала. 1934, №1 Б 5-19)

Фитрат мақоласини изчил ўрганиб, олим томонидан «Фирдавсийнинг санъаткорлик маҳорати ғоятда самимийлик билан баҳолангани»ни шўро даврида илк бор тилга олган олим Хамиджон Ҳомидов Фитратнинг юқорида келтирганимиз жавобидан қониқмай, «умуман Фитратнинг «Шоҳнома» ва унинг муаллифи ҳақидаги мақолаларида тадқиқотчининг субъектив қарашлари акс этган» деган ҳукмни айтади. Муаллифнинг аввалроқ қайд этишича, Фитрат Фирдавсий ҳаётига ва «Шоҳнома»нинг ёзилиши тарихига оид ривоятлардан, тарих ва тазкира китобларидан энг ишонарли далолатни топиб, уларни илмий жиҳатдан текшириб кўришган эришган эди. Фитратнинг бу илмий заҳмати дунё шоҳномачилигида ҳам сезиларли из қолдириши мумкин. Фитратдан сўнг бу мавзуди илмий асарлар битган Н.Маллаев, Ш.Шомуҳаммедов тадқиқотларида гарчи олимнинг номи тилган олинмаган билан унинг муҳим хулосаларидан амалда фойдаланилди, бу фактнинг ўзиёқ Фитрат қарашлари «субъектив» деб ижирганишга лойиқ эмаслигини кўрсатади.

Маълумки, 1934 йилнинг 13 октябрида Фирдавсийнинг минг йиллиги муносабати билан катта илмий анжуман ўтказилган. Унда бош маърузачилар Фитрат ва Айний бўлган. Ҳар икки олимнинг маъруза матнлари ўз даври матбуотида акс этган, ҳатто бир материал асосида бир неча тилларда мақолалар эълон қилган. Фитрат шоир ҳаёти саналарини аниқлашда, унинг ижодий йўлини ёритишда Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола»сидаги маълумотлардан ҳам фойдаланган. Мазкур рисолада ёзилишича, «Устод Абулқосим Фирдавсий Тус деҳқонларидан бўлиб, Табарон ноҳиясининг Бож деб аталадиган қишлоғидан эди. Бу катта қишлоқ, ундан мингта аскар чиқади. Фирдавсий бу қишлоқда ҳамма нарсага эга эди. Ер-сувидан келадиган даромад туфайли ўзига ўхшаганларга қарам эмасди. Битта қиздан ўзга фарзанди йўқ» (Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоялар. – Т., 1985. – б. 47). Мана бу воқеалар Шамсиддин Сомий қомусида келтирилган бўлиб, турк олими шоирнинг туғилган ўрнини Тус музофотининг Разон қишлоғи деб кўрсатган. Фитрат Сомийнинг бу қайдларини қабул қилгани ҳолда эронлик

шоҳномашунослар кўпроқ Низомий Арузий Самарқандийнинг дилолатини қабул қилганлар: «Шоир шаҳар яқинидаги Бож кишлоғида (бу ном манбаларда Фаж деб кўрсатилган) 329 ҳижрий-қамарий санада туғилган. Умрининг асосий қисмини Эрон ва Хуросон шаҳарларида ўтказиб, машҳур Маҳмуд Ғазнавий билан келиша олмаганидан сўнг умрининг сўнги даврини ўз она шаҳрида ўтказган ва 400 ҳижрий қамарий йилда Тус шаҳрида вафот этган. Унинг қabri мана шу шаҳарда жойлашган бўлиб, кейинроқ улуғроқ оромгоҳ қурилган. Бу маълумотлар эронлик олим Саййид Маҳмуд Мусавийнинг «Тус тарих билан мулоқот шаҳри» китобидан олинган бўлиб, бу «Шоҳнома»нинг минг йиллигига бағишланган умумжаҳон шижумани қатнашчилари учун йўриқнома тарзида чоп этилган. Айни маълумотлар асарнинг сўнги тўлиқ нусхасига ёзилган сўзбошида ҳам келтирилган. Бу муҳим илмий манбалар сўнги йиллар фирдавсийшунослигининг қайди бўлиб, улар буюк шоирнинг ҳаёти ва асарига доир жуда кўп муаммоларнинг ечилишига ёрдам беради.

Фитрат мақоласида эса, Фирдавсий даври, муҳити анча батафсил ёритилган бўлиб, сомонийлар давлатининг юксалиши даври бўлгани, аммо шоир ёшлигида бу улуғ сулола таназулга юз тутиб, ғазнавийлар ҳукумати кучайгани, Султон Маҳмуд Сабуктагиннинг тахтга чиқиши (ҳижрий 387) ва бошқа кўпгина тарихий воқеалар ҳаққоний ёритилган. Айни мақолада илк бор «Шоҳнома» ва ўзбек адабиёти мавзусига эътибор қаратилган бўлиб, турк адиблари «Кутадғу билиг»дан тортиб то жаид адабиётига қадар бу буюк сарчашмадан озиқлангани қайд этилган. Шунингдек, Фитратнинг кўрсатишича, Низомий Ғанжавий «Искандарнома» асарини ёзишда, Навоий «Тарихи мулуки ажам» асарининг андозасини тайёрлашда, Мунис «Фирдавс ул-икбол» китобида Фирдавсий асарига эргашганларини қайд қилади. «Шоҳнома»даги ишқий сюжетни таҳлил қилар экан, «Низомий, Ҳофизларда бўлган мистик ишқдан асар тополмаймиз. Бу парчалардаги ишқ реал ва ботурларча ишқ, реал бир севишдир, каби эҳтиросли кузатишларни учратамиз. Албатта, бу танқид ўз-ўзидан гасдиғини топиши мумкин, чунки исломий тарихдан бурунги даврдаги севги можороларида илоҳий ишқ унсурлари



кўринмаслиги ёки тасаввуфна ошиқлик мартабаси учрамаслиги табиий.

Фитрат «Адабиёт қоидалари»да классик дostonларга таъриф бераркан, унинг ёрқин мисолини Фирдавсий асари орқали кўрсатган: «Машхур Эрон шоири Фирдавсий Эроннинг тарихи, афсонавий қаҳрамонлари туғрисида бўлган халқ ашулалари, халқ дostonлари, халқ эртақларини йиғиб, ўттиз йил тиришиб, шул «Шоҳнома»сини ёзган. Бундай дostonларга классик дostonлар дейилади. Юнонларнинг машхур «Илиада» деган дostonи шундай дostonларнинг биринчиси ҳам атоқлиси ҳисобланадир. 1926 йилда қайд этилган бу мулоҳазалар табиий суратда 1934 йилда ёзилган мақолага ҳам кўчган: «Қаҳрамон дostonи бўлиши жиҳатидан бу даврнинг «Шоҳнома»си қадим юнон шоири Хулиф (Гомер)нинг «Илиада»сидан сўнгра дунёда биринчи деб қабул қилинди. (Фитрат, Абулқосим Фирдавсий. Социалистик илм ва техника. – 1934. №9, б. 9-14).

Фитрат мақоласи 30-йиллар адабиётчилигининг меваси сифатида баҳоланиши лозимки, мақолада замон талаби билан ёзилган айрим сўлликларни («Абулқосимнинг келиб чиқишига кўра деҳқон оиласида, мавқеини йўқотаёзган феодал аристократияси вакили бўлиб, мафкура ёғидан тушкун ва эзилувчан синфнинг қарашларини акс эттирган») ҳам учратамиз. Таассуфки, бу каби қарашлар кейинчалик яратилган тадқиқотлардан ҳам ўрин олган. Жумладан, «Шоҳнома»нинг ўзбекча таржимасига ёзилган сўзбошида шуларни ўқиймиз: «Унинг ота-боболари ер-сувини йўқотиб, камбағаллашиб қолган деҳқонлардан эди. Фирдавсий эндиликда ўзининг иқтисодий қудрати билан бирга мамлакатда сиёсий мавқеини ҳам қўлдан бериб қўйган, феодал аристократиясининг вакили эди. Бу эса, «Шоҳнома»нинг ғоявий йўналишида ҳам доимо сезилиб туради..»

Фирдавсий дostonи мана шу Ўрта Осиё ва Хуросонда юз бериб турган синфий қарашларнинг бадиий ифодаси сифатида юзага келади. Мафкуравий томондан бошдан оёқ ўтроқ халқларнинг кўчманчилик талони ва босқинчиларига қарши кураши тасвири, шунингдек, меҳнат аҳлининг ҳимоя қилиш

нояларини илгари сурди.

Фирдавсий мавзуси Фитратнинг «Аруз ҳақиқи» рисоластидан ҳам муносиб ўрин олган. Фитрат араб шеър шеши бўлган арузни Эронга кириб келиши ва форс шоирлари ижодига ўрнашиши масаласини кузатар экан, «Эрон феодал аристократияси араб арузининг нисбатан умумий қоидларини, назарий томонларини қабул қилиши» билан чекланмасдан «форсий шеър вазнларининг муҳим хусусиятларини унги сингдира бошлагани»ни ёзади. Бу ҳодиса айниқса форс шеърятига хос бўлган маснавий жанрида яққол кўринишини эслатган. Бу буюк асарнинг вазн жиҳатидан ҳам турк шеърятига намуна бўлганини тасдиқлаган. Фитратнинг илк турк достони «Қутадғу билиг»дан тортиб шўро даврига қадар маснавий йўли билан битилган жуда кўп асарлар «Шоҳнома»нинг «мутақориб мусаммани маҳзуф» вазнида ёзилганини қайд этиш билан ўзбек арузи муаммоларини ўрганиш масалаларига ҳам ойдинлик киритган. Демак, Фитрат Фирдавсий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолаларида (аслида бир мақола жузъий ўзгартиришлар билан рус ва тожик тилларида эълон қилинган. Абулкасым Фирдоуси. Социалитическая наука и техника. – 1934. №10-11) буюк форс адибининг ҳаёти ва ижодини ўзбек адабиётшунослигида илк бор тадқиқ этиш билан бирга Фирдавсий ва ўзбек адабиёти масалаларига доир муҳим кузатишларни ўртага қўйган.

Фитрат бу каби қатор мақолаларга сочилган қарашларини яхлит ҳолда бир рисолага жамлагани ҳақида маълумотга эга бўлсак ҳам, бироқ бу илмий асар шу кунга қадар сақланмаганини таассуф билан қайд этишга мажбурмиз. Фитратнинг Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома» асари мавзуида ёзилган мақолаларини ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин:

1. Фитратнинг Фирдавсий мавзуида ёзилган ва бошқа форс мумтоз адабиётининг умумтараққиёт масалаларига бағишланган асарлари олим илмий меросининг ажралмас бир қисмини ташкил этган. Уларда замонанинг муҳим илмий муаммоларининг ечимини ақс этиши билан бирга форс-тожик ҳамда ўзбек адабиётшунослигининг ўзаро боғлиқ нуқталари ҳам, айниқса, адабий таъсир муаммолари ўзига хос тарзда

ифодаланган:

2. Фитратнинг «Раҳбари дониш» журналида тожик тилида эълон қилинган адабий мақолалари тожик адабиётшунослигининг шаклланишига ҳам, айрим улуғ сиймолар ижодининг ўрганилишида ҳам муайян илмий хизматга эга.

3. Фитрат Фирдавсий мавзуси билан боғлиқ ҳолда 10-йилларнинг охирларидан бошлаб ўзбек ва форс адабий алоқалари масаласини тадқиқ этишга киришган ва форс тили адабиётда тилнинг жорий этилишида Фирдавсий даҳосининг ўрнини тўғри кўрсатиш билан ўзбек адiblари ҳам Фирдавсий каби турк тилини бахтсизлик гирдобидан қутқаришини чин дилдан истаган.

4. Фитрат буюк «Шоҳнома» муаллифининг ҳаёти, ижоди билан боғлиқ муаммоларнинг нозик тадқиқотчиси бўлгани учун ҳам шоир юбилейи муносабати билан ўтказилган бутуниттифоқ илмий анжуманида айни мана шу мавзуда маъруза қилган ва ўзининг илмий хулосаларини адабий жамоатчилик тасдиғидан ўтказган.

5. «Шоҳнома» асарининг ёзилиши билан боғлиқ турли хил ривоятлар ва афсоналар исканжасидан асарнинг ёзилиш тарихига оид асосли, ишонтирарли маълумотларни тўплаб, илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш билан бу муҳим жаҳонгашта асарнинг ёзилиш тарихига оид чалқаш мулоҳазалардан адабиётшунослик фанини тозалашга ҳаракат қилган.

6. Фитратнинг Фирдавсий мавзуидаги қарашлари ўзбек адабиётшунослиги учун бу соҳада бошланғич нуқта ҳисобланиб, олимнинг қатлидан сўнг ҳам ўзбек ва тожик олимларининг кейинги тадқиқотлари, унинг қарашлари кейинги давр адабиётшунослари томонидан давом эттирилган.

7. Ўрта Осиё халқларининг адабиёт ва маданият тарихини ўрганишда Фитратнинг форс-тожик адабиёти масалаларини ёритган илмий асарлари ҳар икки қардош халқлар адабиёти илми учун бирдай муҳим аҳамиятга молик.

## ЎЗБЕКЧА «БАРЗУНОМА»ГА ДОИР

Маълумки, Абулқосим Фирдавсий ўз «Шоҳнома»сида қадимги мифлар, ривоят, афсона, халқ қаҳрамонлик дostonлари асосида Наримон, Сом, Золи Зар, Рустам, Сухроб каби Сейистон қаҳрамонлари шажарасини яратди. Шоир бу образлар орқали меҳнаткаш халқнинг адолат, адолатли шоҳ учун, тинчлик, ҳамжиҳатлиги учун кураш ғоясини илгари сурди; босқинчилик урушларини, мамлакатни пайҳон, халқни хонавайрон қиладиган ўзаро урушларни, тахт-тож таллашишларни қаттиқ қоралади. Фирдавсийдан сўнг турли даврларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда ана шу образлар, мавзу ҳамда ғояларнинг давоми – анъанаси, шажараси сифатида «Доробнома», «Жаҳонгирнома», «Барзунома», «Фаромарзнома», «Қаҳрамоннома» сингари унлаб дostonлар яратилди. Бу қиссаларнинг бош қаҳрамонлари бевосита Сейистон баҳодирларининг авлоди тарзида тасвирланади. Жумладан «Қиссаи Сухроби ял»да Рустамнинг Саманган маликасидан дунёга келган ўғли Сухроб саргузашти тасвирланса, «Барзунома»да Сухробнинг оддий чўпон қизидан туғилиб, бутун умрини Тошкент атрофида деҳқончилик билан утказишга интилган Барзунинг кечмишлари ифодаланган. Жаҳонгир Барзунинг ўғли, Қаҳрамон эса Жаҳонгирнинг фарзандидир. Улар орасида энг кўп тарқалгани ва турли тилларга таржима қилингани «Барзунома» қиссасидир. Мазкур асар XVIII асрдаёқ ўзбек тилига таржима қилинган, аммо алоҳида китоб ҳолида кўчирилмаган ва нашр қилинмаган. Кейинчалик қиссанинг мухтасарроқ баёнини Шоҳ Ҳижрон, Хомуший ва Нурмуҳаммад Бухорийлар «Шоҳнома»нинг ўзбекча таржимаси таркибига Сухроб дostonининг давоми сифатида илова қилишган. Қиссанинг Шарқда кенг тарқалган мукаммал нусхаси Ҳайбатуллоҳўжа Хислат томонидан форсийдан ўзбек тилига таржима қилиниб, шоир Шавкат хати асосида 1912-1917 йилларда тошбосмада нашр этилади. Китоб 340 бетдан иборат. Қисса охирига илова қилинган маснавийда асарни форсий тилдан туркийга Шавкат

ҳамкорлигида Хислат ўғирганлиги алоҳида қайд этилган.

Хомуший ва Нурмуҳаммад Бухорийлар таржимасига киритилган қиссада Барзунинг туғилишидан умрининг охиригача бўлган воқеалар нисбатан ихчам тарзда тасвирланган. Мазкур нашрнинг биринчи бетиде асар «Қиссаи Барзуйи шер» деб номланса, асосий боб бошланишидан олдин бешинчи бетда «Фарзанди Рустам маъ Барзуйи шер» деб аталган. Биз воқеа мантиқига ҳамда анъанага кўра «Барзуйи шер» деб аталганини маъқул деб билдик. Чунки Сухроб Рустам фарзанди, Барзу эса унинг набираси. Форсий тилдаги «Барзунома»лар сингари «Қиссаи Барзуйи шер»да воқеа махсус сарлавҳалар остида баён этилмайди. Фольклор асарларига хос замин орқали воқеалар бир-бирига боғланиб кетаверади. Хислат таржима қилган «Қиссаи Барзуйи шер» ҳам жихатидан катта, сюжети ва композицион қурилиши мураккаб бир асар. Қиссанинг бошидаёқ Барзунинг Сухроб фарзанди эканлиги ва отаси Турон ҳокими Афросиёбнинг фитнаси туфайли ҳалок бўлганлигига ишора мавжуд. Мазкур асарда Барзу ҳаёт аччиқ-чучукларини тотиган, замини замонни ларзага келтирадиган баҳодир, Тошкент ҳокими сифатида тасвирланади. У бевосита отасининг кушандаси Афросиёбга эмас, балки унинг ўғли Афросиёби Кучакка қарши курашади. Воқеа Тошкент, Гангдидж, Кобулистон, Зобулистон, Сейистон, Балх шаҳарлари, яъни Хуросон ва Мовароуннаҳрда юз беради. Асарнинг дастлабки саҳифаларида воқеа жараёнида бевосита Барзу ва унинг ўғли Талха иштирок этадилар. Улар Афросиёби Кучакнинг ғаламислиги, босқинчилиги, турли мамлакатларнинг бир-бирига гиж-гижлаб чиқарган жанжалларининг олдини олиш учун курашадилар, ватан ҳимоясида фидоийлик кўрсатадилар. Барзу ўз юртига кўз олайтирган душманни фавқулодда куч ва ғайрат билан тум-тарақай қочиради. Уч кеча-кундуз дам олгач Сейистон томон юради. Энди «бу воқеа шу ерда турсин, Афросиёбдан сўз эшитмоқ керак» деган бошланма билан Афросиёби Кучакнинг лашкар йиғиб, Тошкент устига бостириб келиши тасвирланади. Бу урушда Барзу, Зол ва унинг набиралари Дороб, Карислон дев, Озарбарзин, Шаҳриёр, Оқили Азим, Рубин, Гершаст каби

унлаб қаҳрамонлар иштирок этадилар. Қиссаниш мана шу жанг тасвирига бағишланган эпизодидан бошлаб, кўнчилик шарқ қиссаларига хос воқеа ичида воқеа тарзида янги-янги ҳикоялар, жанг майдонида ярадор бўлиб, оти билан ғойиб бўлган баҳодирларнинг фантастик саргузаштлари келтирилади. Озарбарзин, Талҳа воқеаси худди шундай саргузаштлардан ҳисобланади. Бу ҳикояларда ҳам инсонпарварлик, мардлик, жасорат, юксак инсоний ахлоқ улуғланади; улар қиссанинг асосий ғоясини тўлдириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Сарой аҳлининг ғийбати отасининг қаҳру ғазаб қилиши муқаррарлигига қарамай малика Дилором чалажон Талҳани ўз қароргоҳига элтиб, муолажа эттиради. Тузалгач, йигит малика ўйлагандай забардаст баҳодир, чин инсон, эл-юрт учун жон фидо қилувчи ватанпарвар бўлиб чиқади. Қизнинг отаси ҳам Талҳадаги бу сифатларга қойил қолади, тан беради. Афросиёб Кучак ғоятда муғамбир, худбин ҳамиша душман лашкарининг заифлашишини пойлаб юради. Талҳанинг ғойиб бўлганини эшитган душман хуруж бошлайди: Рубини бадкирдор табли жанг қоқтиради. Барзу ҳам ҳарб ноғораларини чалдиришга мажбур бўлади. Саъдан ибни Талҳа, Суҳроб ибни Талҳа, Барзу, Қаҳрамони Девкуш ва бошқалар яккама-якка олишувда, оломон жангда иштирок этадилар. Кеч бўлгач, Барзунинг лашкари қўли баланд ҳолда жангтоҳдан қайтади. Ярадор Саъданни оти майдондан олиб чиқиб, бир ўрмон четида ўтлаб юради. Хўжа Сулаймон бошлиқ савдогарлар майсазорда беҳуш ётган Саъданни кўриб даволайдилар. Саъданнинг саргузашти ғоятда ғаройиб бир тарзда берилган. Ҳикояда мардлик, жасорат, ҳақиқат, ростлик ва ҳалоллик, адолат учун интилиш, бирлик қора кучлар, девлар, ғайритабиий офатларни маҳв этади. Саъдан савдогарлар ҳамроҳлигида офат ва қирғин тимсоли бўлмиш Аҳриманни дафъ этади. Ҳаётдаги барча қийинчиликлар офату-кулфатларни мардонавор енгиш, дўстга ҳамдард, ҳамдам бўлиш Саъданга стакчи ҳислатдир.

Қиссанинг давоми «эмди булар келаверсунлар, бир калима сўз воқеоти Барзуйи шердан эшитинг» деган сўзлардан сўнг «Мавлоно Фирдавсий Тусий... андоғ ривоят қилурларким ул кун ки икки дарёи лашкар оромгоҳларида қарор олдилар

ҳар тарафга айёрларни юбордилар, Саъданни ҳеч ердан топа олмадилар. Барзуйи шер дарғазаб бўлиб, манинг отимга табли жанг уринглар деб буюрди» (30-бет) каби жумлалари келади. Эртаси жанг бошланиб, узоқ яккама-якка олишув бўлади. Носири Филдандон ибни ал-Ғайбни ҳам, Барзуни ҳам ярадор қиладилар. Ночор табли бозгашт (қайтиш ноғораси) чаладилар. Ўзаро қиргин жангларда Дороби Зарринкамар, Соғон ибни Баҳман, Билсим, Ниқобдор, Оқил Азим, Гаршаст, Ардашир Гурдофарид, Сиёмард, Баҳром, Мозандарон девларнинг авлодлари (уларнинг ота-бобоси Рустам томонидан ўлдирилгани учун Афросиёби Кучак томонидан туриб жанг қиладилар), Фўладбанд Од, Турбону, Орзубону, Кодардухт, Фаридухт, Паричеҳрабону сингари хотин қиз баҳодирлар иштирок этади.

Барзу қанчалик бақувват, оламини ларзага келтирадиган жаҳонпахлавон бўлса, Афросиёби Кучак ҳам шунчалик бекиёс баҳодир. Барзу ҳар бир ишни Золнинг маслаҳати билан тадбиркорлик билан бажаради. Афросиёби Кучак ўзгаларнинг юртини босиб олиш, бойлик орттириш, ўз шаҳоншоҳлигини дунёга кўз-кўз қилиш йўлида ҳеч қандай қабиллик, пасткашлиқдан қайтмайди. Кўп бойлик еру мулк ваъда қилиб ҳоқони Чиндан, зангилару девлардан лак-лак лашкар тўплайди. Ибни ал-Ғайб, Дороби Зарринкамар, Саъдан, Талҳа, Барзу каби паҳлавонлар ҳам баъзан душман исканжасида қоладилар, вақтинча чекинишга мажбур бўладилар. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ғанимлар қай даражада кучли бўлишмасин лекин адолат учун ғалаба қилади, ҳақиқат тантана этади.

Барзу оғир ярадор бўлиб, Музаффар бинни Густаҳам кўлида муолажа қилаётганда мадад учун қилган Ниқобдори Сурхпўш билан Фулодманд ўртасида узоқ жанг боради. Мана шу олишув тасвиридан сўнг баҳодир Суфарнинг Умаршоҳ қизини Аносир Жоду кўлидан озод қилиши билан боғлиқ фантастик ҳикоя келади. Суфар қизни озод қилиш йўлида Жамшид тилсимини синдириши керак эди. Бунинг учун эса жаҳаннамдек биёбонда одамхўр маҳлукни, аждар, занги, Ахриман, охуи сафидни ўлдириши, яна кўп жасоратлар кўрсатиши лозим бўлади. Суфарнинг бу саргузашти Рустамнинг шоҳ ва халқни

Мозандарон девлари қўлидан озод қилиш йўлиди, Фарҳоннинг тилсимни очиш борасида кўрсатган жасоратлариги ўқшайди. Ҳикоя қай даражада фантастик бўлмасин унда инсон иккi заковати, жасорат ва матонатига меҳр яққол кўзга ташланиди. Умаршоҳ Суфарни ажалдан қутқарди, энди у яхшиликки яхшилик қайтариши керак эди. Бунинг устига унинг тақдири кўз олдида турган ғовларни енгил, бало-офатларни дафъ этишига боғлиқ ватан хавф остида, халқ унинг кўмагига муҳтож. Мана шуларнинг барчаси Суфорни фавқуллодда жасоратга ундайди, ғоятда хавфли тўсиқларни мардонавор енгил ўтишда куч-ғайрат бахш этади. Сафар анча мураккаб шахс. У Афросиёби Кучак томонига ҳам ўтмайди, Барзунни ҳам қўллаб-қувватламайди. Чунки у Исфандиёр уруғида, Барзу эса Рустам авлодидан эди. Рустам унинг бобокалонини ўлдирган ана шунинг учун ҳаёт қийинчиликларида товланиб, жаҳонпахлавон даражасига етган Суфар Рустамнинг неварасидан боболари учун ўч олмоқчи, унинг давлатини ўз ерига қўшмоқчи бўлади. Энди Барзу билан Суфар ўртасида жангу жадаллар бошланиб кетади. Бу эса ташки душманларни шод этади. Икки баҳодир бир-бирларини зил кеткизиб олишаётган бир пайтда биёбонда етти ниқобдор пайдо бўлади. Уларнинг сардори Сафидпуш Суфар билан Барзуи шер ўртасига номаи сулҳни ташлади эрса Суфар унамади. Ниқобдори Сифидпуш ғазабланди. Тиғи хуношомини наёмидин шуғуриб яланглади ва айтди: «Эй хирасар, тиғи тиз ва шамшири хунрез бирла бошингни танангдан жудо қилайму. Андин сўнг мунинг сўзига унади ва сулҳга бўйин қўйди. Андин сўнг тиғи хуношомини наёмига солиб айдикки, хирасарлар нечукдин ҳар иков жангу жадал қилурсизлар. Аммо сизлардин лозим шулдурки ҳар иков бо иттифоқ ҳиммат камарини боғлаб, яқдил ва яқжиҳат бўлғайсизлар. Мундин кейин бир-бирларингга кина-адоват қилмағайсизлар. Бухл ва хиёнат уруғини кўнгулларингнинг зироатгоҳига айлантормағайсизлар» деб бирлашиб Афросиёби Кучакка қарши курашишга даъват этади. Бу ерда ўзаро хусумат, маҳалпарастлик, адоват қаттиқ қораланаяпти, мамлакат халқ бирликка чорланмоқда, ўзаро феодал урушлар лаънатланмоқда.



Бу Сафидпуш Кайхусрав бўлиб чиқади. Унинг маслаҳати ва Золнинг интилишлари билан мулклар турли шахзодалар, баҳодирлар ўртасида тенг тақсимланади. Исфандиёр авлодидан бўлмиш Дароби Баҳман шаҳаншоҳ бўлади. Лекин сулҳга рози бўлган Суфар қалбини ғаламуслик, душманлик ҳисси, ўз хиссасига қоникмаслик ўртарди. Натижада Барзу ва унинг тарафдорлари гоҳ Суфар бошчилигидаги қўшинга гоҳ азалий душмани Афросиёби Кучакка қарши курашадилар. Воқеа майдонига Саёмак, Кубод, Фаромарз, Жумҳур, Сухроби Соний, Гургин, Форибурд, Шохуйи Пирони Виса Одилшоҳ, Ширвон шоҳ, Али ал-Қадр, Ландхур, Хокими Чин, икки томон жосуслари чиқади. Қисса охирларига келиб Барзунинг воқеалар силсиласидаги руҳи жанг майдонидаги сиймоси хиралашиб боради. Энди Ландхур, узоқ саргардонликлардан эсон-омон қайтган Ибни ал-Ғайб кўпроқ жасорат кўрсатадилар; энг мураккаб ҳолатларда воқеа ечимига дуо ва илоҳий куч сабаб бўлади, айрим эпизодлар диний тус олади. Асосий воқеа туронийлар кўп талофат кўрган, шаҳаншоҳ бир айёрини чорлаб ал-Ғайбни тутиб келиш ҳақида топшириқ бериши ва шундан сўнг ухлаб ётган Ибни ал-Ғайбнинг димоғига ҳушсиз қиладиган дорини исқатиб, олиб келишгандан сўнг уни занжири Хазлонга тортиб, зиндонга ташлади. То замони Искандари Зулкарнайн келиб бу шаҳарни мусаҳҳар айлаб ва неча жодуларни ўлдуриб, Ибни ал-Ғайбни зиндондан олиб, ўзларига амири лашкар қилгайлар» деган жумла билан тугайди.

Шундан сўнг «Золи Зарнинг ҳазрати Искандар бирла топишканини айтур» сарлавҳаси остида Золнинг мадад сўраб Искандарга бориши, у лашкар тортиб келиб Ибни ал-Ғайбни озод қилиши, лекин якка олишув дайди ўқдан ҳалок бўлиши ҳикоя қилинади. Гершаст Ибни ал-Ғайбни Даҳман шоҳонга қўяди, Зол Сейистонга қараб кетади, Искандар фарангиларга қарши жангга жўнайди. Мазкур воқеа баёнидан сўнг, «Эмди бу воқеанинг ҳақиқатини эшитмаган киши «Шоҳнома»даги «Искандарнома»и Мавлоно Фирдавсий Туси алайҳи роҳмаға ружуъ қилсун. Э одам ўғли гар оқил эрсанг ўтканлардан ибрат ол» (438 б.) деган жумла мавжуд. Гарчи шарқда кенг тарқалган «Барзунома» Фирдавсий қаламига мансуб бўлмасада

ривоятларда Барзу Сухробнинг ўгли талқин этилигани мазкур қиссада ҳам уч ўринда Фирдавсий асар автори сифатида тилин олинади. Баъзи бир бадий хусусиятлари, ўшлаб ҳикояларни уз ичига олган ўзига хос сюжет ва композицияга эга бўлган «Барзуйи шер» мураккаб қисса асарнинг асосий сюжет чизиғини Барзу ва унинг тарафдорларининг ички бўлини феодаallar ҳамда Афросиёби Кучак бошчилигидаги босқинчиларга қарши кураш воқеаси ташкил қилади. Лекин қисса таркибида у ёки бу баҳодир саргузашти, фожеаси билан боғлиқ ҳикоя ва ривоятлар мавжуд. Уларнинг айрими умумий сюжетга ёпишмай турсада (жумладан оти билан дарёга чўккан Ибни ал-Ғайб саргузашти сингари) кўпчилиги асардан кўзда тутилган асосий ниятни рўёбга чиқишига хизмат қилади.

Асар ниҳоятда содда бир услубда, халқ қиссалари ва артаклари услубида яратилган. Қиссани форсий нусхасига солиштирганимизда Ҳислат уни айнан таржима қилмай, асл нусхани ўзига хос ўзбек китобхонларига мос тарзда нақл қилганини аниқладик. Умумий сюжет чизиғи форсий матнга бирмунча тўғри келгани ҳолда, баён бадий тўқимадан мутлақо оригинал, ўзбек халқ қиссаларининг услубини эслатади. Чунончи Тожикистон ФА шарқшунослик институтининг қўлёзмалар бўлимидаги профессор А.А.Стариков фондида №17да 2 қўлёзма сақланади. Тахминан XVII асрда кўчирилган бу қўлёзманинг бош қисми (7 варақ) «Шаҳриёрнома» ҳамда «Барзунома» (1952 варақ)дан иборат. Мазкур дастхат хали ўрганилмаган ва тавсиф этилмаган. «Шаҳриёрнома» Мухторий Ғизнавий қаламига мансуб. «Барзунома»нинг эса яратилган даври, муаллифини аниқлаб бўлмади. Зероки дoston мукаддимасиз «Ҳамоннинг Ҳайталшоҳ фарзандини ўлдириши» боби билан бошланиб, «Барзунинг туронликларга қарши тунги ҳужуми» деган сарлавҳа билан тугайди. Матннинг охириги қисмлари йиртилган. Гарчи бу дostonда Эрону Турон ўртасидаги урушлар, айрим шоҳ ва шаҳзодалар, паҳлавонлар ўртасидаги шахсий хусумат, ғаразлар туфайли келиб чиққан жанглар тасвирланса-да, лекин сюжети «Қиссаи Барзуйи шер» мизмунига ўхшайди. Бундан ташқари «Барзунома»да Рустам, Ғаи, Бижон, Гударз ва бошқа бевосита «Шоҳнома» дostonларининг образлари мавжуд. «Зулҳуморнинг Бижонни

кидириб бориши», «Бижоннинг Якдаст қўлига гирифтор бўлиши», «Рустамнинг тушида Гершаабни кўриши», «Барзунинг Мусалдан Турон томон йўл олиши», «Барзунинг Мусал шоҳи Фархшоҳ билан мулоқоти», «Якдаст лашкарининг Жавонбахшга қарши юриши», «Фаридун тилсимоти ва унинг ажойиботлари баёни» сингари боблар ҳам бу шеърин «Барзунома»нинг биз таҳлил қилаётган «Қиссаи Барзуйи шер»дин фарқ қилишини кўрсатади. Бундан ташқари «Барзунома»нинг бошидан охиригача Сейистон баҳодирлари шажарасининг тўртинчи авлоди сардори Рустами Достон қатнашади. Шунинг учун бу асарнинг «Барзунома»нинг яратилган ўзбекча варианты дейиш мумкин.

«Қисса ўзига хос бадий қимматга эга. Унда классик насрда учрайдиган мураккаб иборалар, бадий-гасвирий воситаларни кам кўрамиз. Асарда бош қаҳрамон Барзудан ташқари юзлаб баҳодирлар иштирок этади, хотин-қиз чавандозлар, жосус, айёрлар қатнашади. Уларнинг ҳар бири ўзига яраша келбат ва салобатда, ҳарбий ҳунарда такрорланмас маҳорат соҳиби, Барзуйи Деҳқон зарбидан заминга гулгула, фалакка ларза тушади»(25-бет), у наъра тортганда замин у осмонни ғовга қоплайди, душманнинг юраги ёрилади. Асарда муболаға ва сифатлаш санъатидан ғоятда унумли фойдаланилган. Улар китобхон кўз олдида жанг манзарасини, яккама-якка олишув жараёнини мукамал гавдалантиради. Талҳага қарши майдонга чиққан Бобак ибни Ардашер «ҳайбатидин замин у замон, макину макон, куррай-арз симобдек ларза ва изтиробга келур эрди» (94-бет). Барзу кўпинча қалқонсиз жанг қилар эди. Чунки у наъра тортиб ҳамла қилганда ҳарифи ман-ман деган паҳлавон бўлса ҳам саросима бўлиб қолар эди. Бундан фойдаланган Барзу бир қўли бир уни даст кўтариб, боши узра қалқон қилиб юриб душманни қирарди. «Барзу қувватини сарпанжаи паҳлавонийга келтуриб, бир наъраи таҳамтанвор чекиб, камарбандидин тутди. Афросиёби Кучакнинг юз йигирма газ қоматини бир зўр бирла ердан узиб, бошига сипар айлаб жангга кирди. Тамом лашкардин гиревлар ўрлади эрса ширвон шоҳи келиб Барзунинг сарраҳини олди. Барзуйи девона бир тиг уриб эрдик бошига тўрт ангушт ўлтурди,

қонлар фаввора уриб бадар кетди. Андин сўнг одил шоҳ кириб амуд ҳавола қилди. Барзу амуди гарони санги осмон ранги бирла чунон урдик баҳамроҳи амуд сурмадек нарм бўлди». Ҳарифини чап қўли билан бошига қалқон қилиб душманга қирон солиш фақат жаҳонпахлавонларининг иши. Бу ерда кучли мантиқ бор. Чунки ўз баҳодири ёки бошлиғи ҳариф бошида бўлгач унга тиф ва гурзи уролмайди, фақат унинг отини ҳалок этиши ёки қўлини чошиб ташлаши, узоқдан ўқ уриши мумкин ҳолос. Саъдан Талҳа, ибни ал-Ғайб, Ландхур, Гароздандон, Суфар сингари ўнлаб қаҳрамонлар ҳарбу зарбда фавқулодда куч ва қудратга эга, сифат ва ҳунарда уларнинг биронтаси иккинчисини тақрорламайди. Инсон руҳий олами тасвирида ҳам предметлар, табиат ва ундаги ҳодисалар тасвирида ҳам биз ранг-баранг бадий образли ибораларни кўрамиз. Балх шаҳри Чорсусида тўпланган халқ «Бир юз етмиш қабзали камонни тортган» Доробнинг қудратига қойил қолиб, ҳама аҳли бозор ангушти ҳайратни дандони таажжуб билан тишлар эрдилар» (76-бет). Кўп лашкари кирилиб, мағлубиятга учраши муқаррар эканлигини сезган Барзунинг изтироби «фикр отини ҳайрат биёбонида югуртурур эрди» (33-бет) деган бир жумлада лўндагина ифодаланган. Дароби заррин камар Билсимни еганда «Рубиннинг ҳуши куши ошёнасидан учиб кетди» (35-бет). Жанглар баёни баҳодирлар олишадиган майдонлар тасвирида ҳам биз турли-туман ўхшатиш, сифатлаш, муболаға сингари санъатлардан унумли фойдаланилганини кўрамиз. Баъзан бир-икки жумла билан бугун манзара киши кўз олдида намоён бўлади. «Офтоб найза бўйи кўтарилғонда икки дарёи лашкар саф ораста қилдилар» (34-бет). «Абр соқоллиқ ва бод фарроғлиқ расмини адо айлайди» (ўша бет), «алқисса икки дарёи лашкар монанди Саъди Искандар тақобили якдигар бўлдилар» (112-бет). Бадий тасвирда баъзан наср билан назм аралашиб келади. «Назм» ва «шеър» номи остида келган шеъринг парчалар бадий жиҳатдан бўш бўлса ҳам жанг майдони олишувлар жараёнини ҳароратли ифодаланишига хизмат қилган. Оқили Азим билан Ибни ал-Ғайб жанги тасвирида қуйидагиларни ўқиймиз: Оқили Азим дарҳол чордара оғзидаги нақибға кириб кетди ва бу

чордара ичида Оқил Азимнинг нечанд хоссаларини чок ва хун бирла оғушта қилиб, ер билан яксон қилдилар. Бу икки найрамнажодлар шери ғаррон ва фили дамондек чунон жанглар қилдиларки, «Шул вақтда Саъдон наърай Ибни ал-Ғайб аждахо овозидек бўлиб бир тарафдин ва ўзини барқи ямини янглиғ ўзини қалби лашқариға урди ва жанг мағлубага айланди. Байт:

Ики лашқар эмас, ики ҳашгоҳ,  
Урушиб, сўкуб бир-бирини сипоҳ.  
Уруб гурзу қўпол ва шамширу тиг,  
Тўкар эрдилар қонларни бедариғ.  
Етар эрди бир неча бош кесик,  
У дам тўлди майдонға беҳад ўлик.  
Чекар эрдилар разми раъдвор,  
Чу шери жаён унларин неча бор.  
Қиличлар қизил қон бирла топди ранг,  
Ажаб бўлди ул кунда мағлуба жанг.

Маълумки «Шоҳнома»дан бошлаб табиат тасвири, қаҳрамонлар руҳий олами ифодаси, жанглар баёнида кўпинча кун ботиши билан кун чиқиши манзараси тавиридан фойдаланилади. Бу усул «Шоҳнома»мотивлари асосида яратилган барча дoston ва қиссаларга ҳам хосдир. «Барзуйи шер» қиссасида ҳам қуёш чиқиши ва ботиши тасвири турлитуман ранг ва оҳангда берилганлигини кўрамиз. Бу манзара асарда тасвирланаётган воқеанинг узвий қисми ёзувчи ижодий ниятининг бир ифодаланиш усули ҳисобланади. Чунки кун чиқиши ва ботиши ҳам руҳий олам тасвири, ҳам пейзаж кўриниши айни пайтда воқеага қандайдир ўзгача руҳ бериб туради: асарда бу тасвир усулининг ўнлаб намуналари ишлатилганки, у Ҳислатнинг маҳоратидан далолат беради. Дарёдан эсон-омон чиққан Ниқобдор етти кундан сўнг келиб Рубин лашқариға қўшилади. Душман қўшини ғоятда хурсанд бўлиб, тонг отиши билан табли жанг қоқадилар. «Эрса фалак жамшиди Машрик соридан чиқиб, олтин зеварлик хаймасини фалак тоқи узра ўрнатди»(38-бет). Қуёш чиқиши қанчалик хашаматли, тантанали тасвирланса, ўша кунги жанг шу даражада шиддатли, айни пайтда ижобий қаҳрамонлар учун

зафарли бўлади. «Офтоби оламтоби заррин ниқоб даричан бодин бош чиқариб, зарандуд аламини кўк майдонида ўрнатди эрса, икки дарёи лашкар тақобили якдигар бўлуб, саф ва ясол ораста қилиб, маймана ва майсара камингоҳларини мардона корозмудаларга топшурдилар»(90-бет). Шу куни Барзу лашкари душман устидан ғалаба қозонди, Афросиёби Кучак одамлари тум-тарақай қочиб, қалъа ичига бекинадилар. Қуёш чиқишининг қуйидаги тасвири ҳам жангу жадалларнинг тантанаворлигига, баҳодирларнинг шукуҳу шавкатиға ғоятда ҳамоҳанг тарзда берилган. «Хуршиди – товуси зарринкор канотини ёзиб жаҳон фазосида парвозға келади»(95-бет), Алқисса амри маликул даричаи обдин бош чиқариб чархи кабуд узасиға олами зарандудини ўрнатиб жаҳони зулумоти майдониға нурафшонлиғ шевасини намоён қилади»(96-бет), «Семурғ заррин болини уриб Кўҳи Қоф узасиға парвоз қилиб, гардуни мингранг фазосида жилва айлаб, оламға нуррезлик қилди»(97-бет). Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қиссада қуёш ботиши тасвирини қахрамонларнинг ғамгин, мунгли, дардчил руҳий ҳолатларига мутаносиб тарзда берилгани ҳам кўп учрайди. Ота-боболарининг Рустам қўлида вафот этганини билган Дароб катта лашкар билан Сейистон ва Тошкент устиға юради. Яна қирғин жанглар бошланиб кетади. Барзу бошлиқ энг зўр баҳодирлар ярадор бўлади. Зол ҳасрат надоматлар билан қалъаға қайтади. Ана шу мунгли оҳанг «Кечанинг қора зоғлари мушкин қанотларини ёзиб, жаҳон боғида парвоз қила бошлайди» (71-бет) деган жумла билан хулосаланади.

Мазкур асарда ҳам бошқа Шарқ қиссаларидек: «келтириб дурларким», «Ривоят қилурларким» сингари традицион бошланмалар, «Эмди Барзуйи Шердин эшитмоқ керак», «Эмди Ибни ал-Ғайиб келатурсун, сўзни бошқа ердин эшитинг», «Эмди икки калима сўзни Афросиёби Кучакдин эшитинг» каби воқеани боғлаш воситаси сифатида келадиган иборалар кўп ишлатилган. Асар тилини синчиклаб кўздан кечирилса, сажъ санъатидан ҳам усталик билан самарали фойдаланилгани ҳам кўзга ташланади. «Ҳар икки дарёи лашкар сафу ясол аз барои жангу жидол ораста ва пироста

бўлдилар» (116-бет).

Хулоса қилиб шуни айтиш керакким, «Барзуйи шер қиссаси» ўзининг ғоявий бадиий жиҳатдан жиддий ўрганишни тақазо этадиган асар. Унда ўзбек классик насрининг кўп фазилатлари мужассамланган. Асар лексикасида бевосита туркий халқлар топонимикаси, аномастикасига доир кўплаб сўз ва иборалар учрайди; микдор в чама сонларнинг ўнлаб атамалари мавжуд.

Бундан ташқари «Барзуйи шер қиссаси»нинг ўзбекча қўлёмасини топиш, ҳеч бўлмаса нашрий нусхаларини қиёсий ўрганиш галдаги вазифалардан бўлиб келмоқда. Зероки ўзбекча қисса биз кўздан кечирган форсий шеърини ва насрий «Барзунома»лардан жиддий фарқ қилади.

Умунан, Шарқда «Шоҳнома» сюжетлари асосида яратилган қиссалар таъсирида ёки улардан баъзиларининг сюжетлари қайта яратиш заминида ўзбекча «Китоби подшоҳ Афросиёб», «Қиссаи Жамшид», «Барзуйи шер қиссаси» сингари китоблар вужудга келган. Буларнинг ҳар бири ўзига хос оригиналикка эга асарлардир.

## II

### «ШОҲНОМА» МУСАВВИРИ

Юргимизнинг энг кўҳна шаҳарларидан бўлмиш Самарқанд қадим ул-айёмдан илм-фан, тасвирий санъат, бадиий адабиёт ҳар томонлама тараққий топиб, турли даврларда ўз мавқеини сақлаб келаётган шаҳардир. Афросиёб ва бошқа мавзеларни қазिश пайтида қадимшуносларимиз қўлга киритган ашёлар ушбу шаҳар ҳудудида яшаган аجدодларимиз қадимги замонларда ёғоч ва ганж ўймакорлиги, наққошлигу мис қандакорлиги ҳунарлари, ранг тасвир ҳамда ганжда қиёфани ифода этишда юксак тараққиётга эришган, мумтоз асарлар яратишганлигини исботлашган. Афросиёб қалъаси деворларидаги манзара тасвири, сипоҳлар, элчилар, хонаки ҳамда ёввойи қушларнинг мой бўёқдаги тасвирлари бу фикрни яна бир қарра тасдиқлайди. Ана шу анъана Самарқандда китобат санъатининг ривожланиши билан XV-XVIII асрларда янада давом эттирилди ва ўзига хос бир миниатюра мактаби

вужудга келди. Самарқанд миниатюра доираси тараққиётида машхур мусаввир Муҳаммад Муроднинг ҳиссаси, айниқса, каттадир.

Муҳаммад Мурод Самарқандий XVI аср охирларида Самарқандда туғилган. Ёшлигидан чехракушоиликка қизиққан, хусусий муаллимлардан хаттотлик ва китоб наққошлагига бўйича дарс олган. Кейинчалик Улуғбек мадрасасида таълим олиб, илми маъқул ва манқул (диний ва дунёвий билимлар) бўйича яхши савод чиқарган. Мадраса хатмидан сўнг у китоб кўчириш ва уларга рангли суратлар, нақшлар безаш билан шуғулланади. Аммо мусаввирнинг жонзотлар, хусусан, инсон ташқи кўриниши, табиий манзаралари, сарбозлари жанг жараёнларини ғоятда маҳорат билан чиза бошлаганини сезган мутаассиб уламолар уни таъқиб эта бошлайдилар. Буни сезган рассом дўсти Муҳаммад Нодир Самарқандий билан махфий тарзда Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлади. Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги замонида Агра ва Деҳлида яшади, дўсти Муҳаммад Нодир биргаликда Аграда санъат мактаби ташкил этди. Муҳаммад Мурод Самарқандий ўз мактабида ўнлаб мусаввирларни тарбиялаб етиштиришга муваффақ бўлади. Ҳинд тасвирий санъатининг атоқли вакиллари Басрант, Бихаши, Гужаратий, Иброҳим Қаҳҳор, Банвари Хурд, Сури Гужаратий, Парвин, Ром Дас ва бошқалар бевосита Муҳаммад Муроднинг шогирдларидирлар. Мусаввир XVII асрнинг биринчи чорагида Деҳлида вафот этган. Муҳаммад Мурод Самарқандий ҳаёти ва ижодий меросни топиш ва ўрганишда профессорлар И.Низомиддинов ҳамда М.Ашрафийларнинг хизматлари катта.

Маълумки тасвирий санъат оламида «чехракушолар сарвари», «Шарқ Рафаэли» деб донг таратган Камолиддин Бехзод Мовароуннаҳр халқлари тасвирий санъатини янги тараққиёт чўққисига олиб чиқди. У кичик ҳажмдаги рангли суратларда табиат тасвири, киборлар суҳбати, қабул маросимини, ошиқлар учрашуви, муҳориба асноси, донишмандлар баҳси, инсон ташқи қиёфасидаги ғоят нафис, мукамал тасвирлашга эришди; ранглар таносибини сақлаш, тасвирланаётган шахслар қиёфасининг ўзига хослигига



эришиш мусаввир асарларининг нозик жиҳатларидандир. Муҳаммад Мурод Самарқандий Беҳзоддаги ана шу ўта нафислигу бокира кўтаринкилик руҳини муваффақият билан давом эттирган санъаткордир. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича мусаввир Шарқ мутафаккирларининг ўнлаб асарларини безаган, уларга юзлаб миниатюралар чизган; Ҳиндистоннинг бетакрор табиатининг муайян гўшалари рассом мўйқалами орқали қоғоз юзида қайта жонланган, теурий задоганларнинг аксини яратган. Лекин бундай асарларга Муҳаммад Мурод имзо чекмагани сабабли уларни аниқ ажрата олиш қийин. Аммо шунга қарамай санъатшунослар ватандошимиз миниатюраларининг услубига қараб маълум миқдорини аниқлашга эришганлар. Уларнинг бизгача мукамал сақланиб қолганлари 200 дан ортиқдир.

Мусаввирга жуда катта шуҳрат келтирган асари Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сига чизилган ва Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 1811 рақамидаги дастхат таркибида сақланаётган 115 миниатюрадир. Бундан ташқари Муҳаммад Мурод томонидан Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларига чизилган миниатюралари Париж миллий кутубхонасида ҳам мавжуд. Муҳаммад Мурод Самарқандий Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган мусаввирлардан асарлари энг кўп бизгача етиб келган рассом ҳисобланади. Муҳаммад Мурод билан ҳамроҳ, Ҳиндистонга келган Муҳаммад Нодир Самарқандий Бобурийлар сулоласининг «Шаҳаншоҳлик мураққаъси» (Империя альбоми)ни тузган. Баъзи санъатшунослар мураққаъдаги шаҳзодалар портрети Муҳаммад Мурод қаламга мансуб деган фикрни билдирмоқдалар. Чунки, бир қанча портретлар манзара тасвири замирида чизилганки, бу услуб Муҳаммад Муродгагина хосдир. Йигитлик онларидаёқ «Шоҳнома»дек буюк асарда тасвирланган тимсоллар сиймосини барқамол тасвирлай олгани ҳам бу мулоҳазани қувватлайди, албатта.

Маълумки, Фирдавсий «Шоҳнома»си яратилгандан бери турли асрларда юзлаб котиблар уни қайта-қайта кўчирдилар, наққошлар турли лавҳалар билан безадилар; мусаввирлар ҳар

бир дoston воқеасига мос расмлар чиздилар. XIII асрдан бошлаб Миср, Табриз, Исфаҳон, Шероз, Ҳирот, Мавғр, Урганч, Тошкент, Деҳли, Самарқанд шаҳарларида «Шоҳнома» дастнависларига турли-туман услубдаги чехракушолар миниатюралар чиздилар. Улар орасида 1556-57 йилларда кўчирилган «Шоҳнома» нусхасига Муҳаммад Мурод томонидан чизилган суратлар энг кўп ва хўп ҳисобланади. Зероки, мусаввир ҳар бир дostonдаги воқеа жараёнига, шоир ижодий ниятига мос суратлар чизган. Буюк шоир «Шоҳнома»да халқ қаҳрамонлиги, инсондўстлик, ватанпарварлик, мардлик ва жасорат, адолатли шоҳ бошчилигида марказлашган давлат учун кураш, жанг ўрнига сулҳнинг афзаллиги, халқлар дўстлиги, тинч-тотув яшаш, ишк-муҳаббат каби ҳамиша инсониятни лол қолдириб келаётган ғояларни баланд пардаларда куйлаган, жаҳолат ва разолатга нисбатан заковат ва маърифатни қарши куйган, зулмат устидан нур-рўшноликнинг ғалаба қилиши тарафдори бўлган. Муҳаммад Мурод Самарқандий 115 миниатюра ичида Фирдавсий дostonларидаги ана шу юксак инсонпарварлик, адолатпешалигу маърифатпарварлик ғояларини ўта лиризм ва юксак кўтаринкилик, жанговарлигу шердшлик руҳида ранг-баранг лавҳалар орқали тадрижий такомилда тасвирлашга эришган.

«Темирчи Кова кўзғалони», «Заҳҳокнинг Фаридун томонидан асир олинishi», «Золи Зарнинг Меҳроби Кобулий билан суҳбати», «Фаридун ўғиллари Яман шоҳи ҳузурида», «Рустамнинг туғилиши», «Бежон ва Манижа», «Тахминанинг Рустам билан учрашуви» сингари ўнлаб асарлар бу фикрни тасдиқлайди. Чунончи, шаҳзодаларнинг Яман шоҳи томонидан имтиҳон қилинишида Фирдавсий асарида кўзда тутилган ният ва дoston воқеаси ихчам тарзда мукамал акс топган. Ўртада шаҳаншоҳ ўтирибди. Унинг чехраси, келбат ва салобати кўпни кўрган, донишманд эканлигини кўрсатиб турибди. У кўлларини кўтариб Салм, Тур ва Эражларга мурожаат қилмоқда. Рўпарада ўтирган шаҳзодалар бош эгиб ним таъзимда. Фақат Эражнинггина икки кўли олдинда – таъзимга қовушган. Эраж билимдон, заковатли, инсондўст, акалари

эса такаббур, шаҳзодалиги тутиб турибди. Чап томонда эса Яман шохининг қизлари қизил, жигарранг, нофармон рангдаги арабий либосларда ўтирибди. Бошлари таъзимда. Олдиндаги дастурхонга уч шаҳзодага мўлжалланган тожсимон тилсим анжомлари қўйилган. Суратда барча чизик, лавҳа ва ранглар ниҳоятда уйғун ва мутаносиб, савол-жавоб, суҳбатнинг самимийлигини яққол сезилиб турибди. Заҳҳокнинг ҳибсга олиниши тасвирида эса халқ қудратининг разолат устидан ғалаба қозониши оломон руҳияти орқали кўрсатилган. Жанглар тасвири, Рустамнинг Оқ фил, Акван дев билан олишуви, Анушервони Одилнинг сарой аъёнларига насиҳати, темиртирноқ, руйинатан Исфандиёр келбати тасвирлари ҳам «Шоҳнома» сюжетларига мутаносиблиги, нозик ранг, мўъжаз тасвирлар орқали юксак ғояларнинг ифодаланиши жиҳатидан диққатга сазовордир. «Гулистон»га чизилган икки миниатюра остига муаллиф имзо чеккан «Шаҳзода», «Шива Парвати» суратлари ҳам ўзининг композицион бутунлиги, ранг танлаш ҳамда тасвирланаётган сиймо руҳий дунёсини ҳам изчил акс эттирилганлиги билан алоҳида қимматга молик. Шу даврда бунёд этилган шаҳаншоҳлик китобхонаси, ўзига хос картиналар галереяси – нигористон безакларида ҳам Муҳаммад Мурод ва унинг шогирдлари хизмати борлигини тарихчилару санъатшунослар алоҳида таъкидлашади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки Муҳаммад Мурод Самарқандий ижоди махсус ўрганишга арзирли мерос. Унинг «Шоҳнома»га чизган миниатюраларини алоҳида альбом сифатида нашр қилинса, нур аъло нур бўлар эди.

Бокижон Тўхлиев

## ФИРДАВСИЙ ВА ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Туркий халқлар ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданий тарихида XI аср алоҳида муҳим босқични ташкил этади. Бу даврда Қорахонийлар давлати айни гуллаган даражага эришди. Ана шу ривожланган маданиятнинг энг нодир дурдоналари сифатида икки буюк асар бунёдга келди. Улардан бири Муҳамамад Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» ва иккинчиси Юсуф

Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридир.

«Девону луғатит турк» («Туркий сўзлар девони») XI аср туркий тилда мавжуд бўлган сўзлардан тузилган луғатдир. Аммо бу луғат бизнинг тасаввуримиздаги ҳозирги замон луғатларидан тубдан фарқ қилади. Гап шундаки, Муҳмуд Кошғарий ҳар бир сўзни изоҳлар экан, фикрини далиллаш учун халқ орасида машҳур бўлган мақол, қўшиқ, нақл, афсона ва дostonлардан ҳам айрим парчаларни илова қилади. Айрим ўринлардагина замондош шоирларнинг шеърий асарларини мисолга олади. Шундай қилиб, олимнинг асари ўзида бадиий парчаларни ҳам қамраб олган ниҳоятда йирик илмий иш сифатида намоён бўлади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») асари эса туркий халқларнинг XI асрда яратилган ниҳоятда муҳташам бадиий ёдгорлигидир. «Қутадғу билиг» ўз жанрига кўра фалсафий дидактик дostonдир.

«Қутадғу билиг» бутун борлиғи билан туркий тилда, туркий заминда, табиийки туркий бадиият анъаналари руҳида майдонга келди. Бироқ бу нарса унга қўшни халқлар, ўзга адабиётлар таъсири мутлақо йўқ деган хулосани бермайди. Қолаверса, бизда таъсир, адабий таъсир деган тушунчанинг ўзида ҳам кўпинча аниқлик етишмайди. Адабий таъсир тушунчаси баъзида муайян бир адабиёт ёхуд ижодкорнинг ўзига хослигини, мустақиллигини йўқотадиган, уни инкор этадиган гарзда изоҳланади. Ваҳоланки, ҳар қандай адабиёт ҳам, алоҳида олинган якка ижодкор ҳам ўзини қуршаб турган ташқи олам, ўз атрофидаги бошқа адабиёт ва бошқа ижодкорлар билан мулоқотда бўлмай туриб, уларда мавжуд бўлган ҳодисаларни кузатмасдан яшай олмайди. Бундай кузатиш ва алоқалар эса ижодкорнинг ўзига ҳам, муайян бир адабиётга ҳам турли даражада таъсир ўтказиши. Ана шу таъсир миллий заминда «қайтадан ишлаб чиқилади», у анъанадаги кадрятлар мезонида янгидан баҳоланади. Баҳоланиш жараёни мураккаб кечади. Шунинг учун ҳам бир адабиётдаги барча жанрлар, образлар, мавзу ва ғоялар тўлиғича бошқа бир адабиётга ўтганини жаҳон маданияти тарихини билмас керак.

Турк адабиёти намоёндаларининг араб-форс адабиёти

намуналарига мурожаати тасодиф эмас. Айниқса, янги шароитларда майдонга чиқиб келаётган ахлоқий-маънавий қадриятларни том маънода англаш ва англатиш учун ўша адабиётлардаги тайёр шакллар, шунингдек сўфийлик тарикати айнан мос келмоқда эди.

Туркий адабиётга ўтган шакл ва ғоялар бу адабиёт тараққиёти учун зарур восита сифатида қабул қилинмоқда эди. Туркий шоирлар миллий адабиёт равнақини ана шу ҳолатга боғлаб тасаввур этмоқда эдилар. Юсуф Хос Ҳожиб олдида ўзи яшаб ижод этаётган жамият талаблари асосида мавжуд «ўзга» анъаналарни ўрганиш вазифаси турарди.

Аmmo туркий адабиётга ўтган ахлоқий-таълимий характердаги дoston фақатгина миллий рух билан бойитилди холос дейиш масаланинг бутун моҳиятини англамаслик, ёки уни бирёқлама баҳолаш бўлур эди. Дoston жанрининг ўзиёқ туркий заминда тубдан ўзгаришларга учради.

Комил инсон талқини, фаоллик, амалий ҳаракатларга ундаш буюк ўзгаришлар даврига хос тарзда Юсуф Хос Ҳожиб ижодида акс этади. Юзаки араблаштириш онгли равишда танланган йўл бўлиб, адабий ниқоб вазифасинигина бажарар эди. Зеро ислом идеологиясининг ғоят кескин ҳаракатлари даврида, айниқса бутун туркий оламда ҳам бу ҳаракат тобора авжланаётган XI аср шароитида бундан ўзга йўлни тасаввур этишининг ўзи жуда қийин.

Араблашган қолип «Кутадғу билиг»да пантеонига оид қаҳрамонлар номини атайлаб киритиш, ислом урф-одатларига оид айрим деталларга диққатни тортиш тарзида намоён бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб ислом афсоналаридан ўз даврининг долзарб ижтимоий масалаларини боғлашда фойдаланади. Бунинг учун ўша афсоналар тўлиқ ҳолда эмас, кўпинча уларни назарда тутовчи хулосалар ёки айрим, шуни ҳам бирмунча шартли ишоралар тарзида қўллаганини кўриш мумкин.

Демак, араб-ислом афсоналари туркий адабиёт ихтиёрига ўтганидан кейин биринчидан, анча қисқартиришларга учрайди, иккинчидан, уларга қўшимча лавҳалар юритилади, учинчидан, тамомила янгича талқинлар берилади.

Масаланинг яна бир томони бор. Бошқа бир адабиётдан таъсирланиш учун ўрганувчи адабиёт ҳам тараққиётнинг ўрганилаётган адабиёт турган даражасида бўлмоғи шарт. Камида у билан тенг бўлиши, ҳеч бўлмаганда ундан паст бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда у ўз мустақиллигини йўқотиб қўйиши, том маънодаги таъсир остида қолиб, «юритиб келиши» ҳам мумкин. Адабиётдаги шундай жараёнларни кўзда тутиб А.К.Васеловский «рўпара келувчи оқим» ҳақида гапирган эди. (А.Васеловский. Историческая поэтика. М., 198.)

Шу ўринда А.Н.Конраднинг бир фикрини эслаш лозим: «Ҳақиқатдан ҳам, тарихдан турли халқларда айнан улар орасидаги алоқалар мавжуд бўлган тақдирда бир хилдаги адабиётнинг юзага келаш ходисаларини учратиш мумкин. Жумладан, X-XIII асрлардаги Ўрта Осиё, Эрон, Шимолий-Ғарбий Ҳиндистон ва Кавказ адабиётларининг ўзаро таъсири ва ҳамкорлигини инкор этиш мумкин эмас. Бу адабиёт маҳаллий тафовутларига қарамасдан, барибир бир типга муносибдир. Айни адабий типга «Шоҳнома» ва «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» ҳам киради. Улар ўз муайян ички алоқалари, маданий муҳити туфайл юзага келган. Айни шу муҳитда мавзу ва услубий бўёқдорлигига кўра ниҳотда яқин бўлган Рудакий, Низомий, Саъдий, Умар Хайём каби шоирлар лирикаси шаклланган.

Булардан шундай хулоса чиқариш мумкин: «...Бир типдаги адабиётларнинг пайдо бўлишидаги ҳал қилувчи омил – турли халқларнинг ижтимоий-тарихий ва маданий тараққиётнинг айнан бир хил бўлган даражаси ҳамда ана шу тараққиёт намоён бўладиган шакл билан боғлиқ. Турли халқларнинг ижтимоий ҳаёти ва маданиятида феодализмнинг илк босқичи юзага келган умумий шароит моҳиятига ва ҳатто шаклига кўра ҳам кўпинча жуда яқин бўлади, шунинг учун ҳам кўпгина ҳолатларнинг ўзаро яқин бўлиб қолиши мутлақо ҳайратланарли эмас» (Н.И.Конрад. К вопросу о литературных связях. – Изв. АН ОлиЯ, 1957, том XVI, вып. 4, с. 302-303).

Юсуф Хос Ҳожиб ниҳоятда мураккаб ижтимоий ҳодисалар гирдобидида яшади. XI асрдаги Қорахонийлар давлати мусулмон давлати эди. Аммо бу даврда исломгача бўлган барча эътиқод

ва қарашлар таг-томири билан йўқотиб битган эди дейиш мумкин эмас. Адибнинг ижоди махсули бўлмиш «Қутадғу билиг»нинг ўзидаёқ қадимги қаҳрамонлик эпосининг садолари, «Девону луғотит-турк»даги ўғитномаларнинг оҳанглари, шомонлик қарашларининг излари, ҳатто айрим ўринларда будда динининг аломатларини кўриш мумкин. Аммо шунисига шубҳа йўқки, Юсуф Хос Ҳожиб ўз олдига Қорахонийлар давлатини мустаҳкамлаш, замондошларини ахлоқий-эстетик нуқтаи назардан муайян даражада тарбиялаш билан бир қаторда ислом ақидаларини, хусусан сўфийликни тарғиб этишни ҳам мақсад қилиб қўйган. Бежиз эмаски, қадим адабиётимизнинг йирик тадқиқотчиларидан бири Купрулизода адибни «Турк адабиётининг илк мутасаввуфларидан» деб баҳолаган эди.

Аслида «Форс-тожик адабиёти ва Юсуф Хос Ҳожиб ижоди» деган мавзу ниҳоятда кенг бўлиб, уни тўлалигича қамраб олиш бир мақола доирасида ҳал бўладиган иш эмас. Шунга кўра ҳам биз бу ерда мавзунинг айрим қирраларигагина тўхталиш билан чегараланамиз. Гап шундаки Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойик» (XII аср) каби асарлари туркий халқларнинг алоҳида-алоҳида миллатларга бўлиниши арафасида яратилган бўлиб, уларнинг барчаси учун муштарак адабий ёдгорликлар ҳисобланади. Мавзунинг кенглиги, адабий-тарихий фактларнинг нисбатан катталигини ҳисобга олиб, «Қутадғу билиг» устидагина тўхташ маъқул кўринапти.

Юсуф Хос Ҳожиб асарига форс-тожик адабиётига буюк бир муҳаббат туйғуларининг самимий ифодаларини очик кўриш мумкин. Хусусан адиб ўз асарини бир ўринда «Шоҳномаи туркий» деб атайти.

«Қутадғу билиг»да «Шоҳнома» қаҳрамонларига тез-тез мурожаат этилганини ҳам кўриш мумкин.

Юсуф Хос Ҳожиб ижодида айрим форс-тожик адиблари билан ниҳоятда яқин ҳамоҳанглик кузатилади. Хусусан, Рудакий, Фирдавсийлар ижоди адиб эҳтиромида бўлганини сезиш қийин эмас. Ҳар ҳолда адибнинг:

Арабча, тожикча китоблар ўқуш  
Бизин тилимизда бу юмғи уқуш  
(Арабча тожикча китоблар кўп,  
Бизнинг тилимизда бу китоб янгиликдир.)

деганига қараганда унинг араб ва форс-тожик адиблари  
ижодини яхши билиши кўриниб турибди.

Ўрни-ўрни билан фикрий яқинликлар, ифодалардаги кучли  
ўхшашликлар кўзга ташланади. Абдулла Ансорийдан шундай  
мисралар бор:

Ту ки аз як қатра маний

Аз кучост ин ман-мани.

(Ўзинг-ку бир қатра манидан яралгансан,

Бунчалик ман-манлик қаердан келди?).

Энди Юсуф Хос Ҳожибда ўқиймиз:

Манидин тўрумиш ўзунг мен тема,

Ўзунг мен теса ай уну ўрнунг ул.

(Манидан яралган ўзингни «ман» дема,

Ўзинг, яъни жонинг ман-ман деса, ана сенинг ўрнинг, деб  
айт. («Қутадағу билиг» ... 798-799 бетлар.)

Фирдавсийда:

Жаҳон бе сару тожи хусрав мабод,

Ҳамиша бимонад жовид шод!

(Абулқосим Фирдавсий. «Шоҳнома», жилди якум.  
Душанбе.)

Юсуф Хос Ҳожибда:

Эй эзгу килинч, асли эзгу уруғ,

Ажун қалмасуни сизингиз куруғ.

(Эй ҳуш ҳулкли, асли эзгу уруғли,

Олам сизсиз куруғ қолмасин.

(«Қутадағу билиг», Адиб, 1987, сах. 48, 78-79 бетлар.)

«Шоҳнома»да адолатли сиёсат барқарор бўлганини  
тарифлаш учун қўй ва бўрининг бир сувликдан сув ичиши  
кўп таъкидланган. Масалан:

Жаҳондор Маҳмуд, шоҳи бузург,

Ба обишхур орад ҳаме мешу гург. (Абулқосим Фирдавсий.  
43.)

Ёки:



Жаҳон тоза гашт аз сари тожи ўй,  
Або гург меш обхўрди ба жуй.  
Айни тасвир «Кутадғу билиг» учун ҳам хос:  
Элин этди тузди, баюди будун,  
Бўри кўй била сувлади ул ўдун.  
(Элида тартиб ўрнатди, уни тузди, халқ бойиди,  
У даврда бўри кўй билан бирга сув ичди.) («Кутадғу билиг».  
124-125 бет).

Рудакий ва Фирдавсийларда қариликдан шикоят оҳанглари махсус мавзу даражасига кўтарилгани яхши маълум. Рудакийнинг «Шикоят аз пири» номли қасидаси ҳам мавжуд. Унда жумладан шундай дейилади:

Маро бисуду фуру рехт ҳарчи дандон буд,  
Набуд дандон, лобал чароғи тобон буд.  
Сапиду симзада буд, дурру маржон буд,  
Ситораи саҳари буду қатраборон буд.  
Яке намонд кунун з-он, ҳама бисуду бирехт,  
Чи нахс буд? – Ҳамоноки нахси Кайвон буд. (Гулшани адаб. Душанбе. «Ирфон», 1975, саҳ – 9)

Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида қарилик ҳақидаги йўл-йўлакай мулоҳазаларидан ташқари, алоҳида махсус тўхталган ҳолатлар ҳам мавжуд. Жумладан Искандар ҳақидаги дoston таркибида «Гила қардани Фирдавсий аз пири ва даҳр» сарлавҳали бўлим бор. Унда жумладан ўқиймиз:

Чу будам жавон бар барам дашти,  
Ба пири маро хор бигузошти.  
Ҳама зард гардад гули камгор,  
Ҳама парниён гардад аз ранж хор.  
Дугои шуд он сарви нозон ба боғ  
Ҳамон тира гашт он гироми чароғ.  
Пур аз барф шуд куҳсори сиёх,  
Ҳама лашкар аз шоҳ бинад гуноҳ.  
Вафову хирад нист наздики ту,  
Пур аз дардам аз рои торики ту.

Инсон киёфаси, унинг тана аъзоларидаги ўзгаришлар воситасидаги қарилик тасвири инсон қалбидаги чуқур

кечинмалар билан уйгун ҳолда берилаётгани тасвирдан очик кўриниб турибди. Айни оҳанглар Юсуф Хос Ҳожибда ҳам янгича руҳ ва тароват билан кўзга ташланади. Фирдавсий «Шоҳнома»сида камон ва унинг ўқи тўғрилиқ ва эгриликнинг тимсоли сифатида келади. Асарда бу хил мисоллар ниҳоятда кўп учрайди. Биргина мисол:

Наяндишад аз кори бад як замон,

Раҳи тир гирад, на роҳи камон.

Ўқ ва ёй туркий адабиётдаги энг қадимги анъанавий образлардан ҳисобланади. Айни образ «Қутадғу билиг»да ҳам кўп учрайди:

Бўдум эрди ўқтег кўнгул эрди ё,

Кўнгул қилғу ўқтег, бўдум бўлди ё.

(Қаддим ўқдек тўғри, кўнглим эса ёйдек шай эди,

Кўнгул орзулари хануз ўқдек, лекин қаддим ёй бўлди.)

Ёки:

Бўлум эрди ўқтег эгилди бўдум,

Тириглик тугади етилди ўдум.

(Бўй (қомат)им ўқ каби эди, қоматим эгилди,

Тириклигим тугади, менинг (ўлим) фурсатим етди.)

Айни образ шоир қасидаларида ҳам учрайди:

Қайинтег бўдум эрди ўқтег кўни, туз,

Ётег эгри бўлди эгилдим, тўнгитдим.

(Қайиндек бўйим ўқдек тўғри, рост эди,

Энди ёйдек эгри бўлдим, эгилдим, мункайдим.)

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқ ва ёй яшаш махсус шуғулланувчи касб эгалари ҳам бўлишган. Улар ўқчи ҳамда ёйчи деб юритилган (Қаранг: «Қутадғу билиг». 666-бет). Айни пайтда лашкар орасида ҳам алоҳида машғулоти тури шу ном билан юритилган:

Атим, эрсиг эрса бўлур ўқ-ячи,

Кўни бўлса қилқи бўлур тамғачи.

(Мерган довюрақ бўлса, ўқ-ёйчи бўлади,

Хулқи тўғри бўлса, муҳрдор бўлади.) (Ўша асар, 612-613

бетлар.)

Фақат ташқи қиёфагина эмас, инсон маънавий оламидаги яхши хислатлар, тўғрилиқлар ҳам ўққа нисбат берилади:

Бугун, чин бағирсоқ, кўзи, кўнгли тўқ,

Кўни бўлса қилқи масал адғу ўқ.

(Ишончли, чин, жонкуяр, кўзи, кўнгли тўқ,

Феъли мисоли отиладиган ўқ каби тўғри бўлса.) (Ўша асар. 458-459 бетлар).

Баят кимга берса қилинч арқуқи,

Ани эмгатур бу замона ўқи.

(Худога кимга ножўя феъл-атвор бахш этса,

Уни бу замона ўқи қаттиқ кулфатга солади.) (Ўша китоб, 334-335 бет)

Ёки:

Неку тер эшитгил, эй кўнгли ариғ,

Бу ўзлак ўқи бирла кўнгли балиғ.

(Нима дейди, эшитгин, эй кўнгли пок,

Бу даврон ўқи билан кўнгли ярали киши) (Ўша китоб, 800-801 бетлар)

«Йигитликка ачиниб, қарилик ҳақида айтади» қасидасида шоир дастлабки байт – «матла»да йигитлик айёмини ўтиб кетганлигини қайд қилар экан, навбатдаги байтларда бу фикр ўзининг поэтик ривожини топади, энди унга афсус, надомат, қайғу оҳангли ҳам сингдирилади.

Фақат ташбеҳлар мисолади гапириладиган бўлса, улар лирик қаҳрамон хусусиятларини, уларнинг руҳий кечинмалари, ўй ва ҳисларини жуда аниқ, айни пайтда таъсирчан ифодаланишида муҳим функцияни бажарган. Шоир йигитликнинг беҳуда ўтганлиги ҳақида ёзаркан, ташбеҳлардан мана шу ҳолатни усталик билан тасвирлаш учун фойдаланади:

Тамам арғувантек қизил менгзим эрди,

Бу кун заъфарон урғун энгда тараттим.

Йипарсир қара бошқа кафур эшудим,

Тўлунтег талув юз қайуқа элаттим.

Ярук язтег эрдим туман ту чечаклиг,  
Хазанму тўшуттум камуғни қуриттим.  
Қайинтег бўдум эрди ўктег кўни, туз,  
Ятег эгри бўлди, эгилдим, тўнгиттим.  
(Қизил юзим муглоқ арғувондек эди,  
Бу кун унга заъфарон уруғини сепдим.  
Ипорли қора бошқа кофур (ок) буркадим,  
Тўлин ойдек кулча юзни қаёққа элттим.  
Турли-туман гулга тўла ёруғ баҳордек эдим,  
Хазон тўқдимми, барчани қуритдим.  
Қайиндек бўйим ўқдек тўғри, рост эди,  
(Энди) ёйдек эгри бўлди, эгилдим, мункайдим) («Қутадғу  
билиг», 936-937 бетлар).

Шоирнинг маҳорати шундаки, у кекса шахс образини, унинг ўй ва хаёлларини инсоннинг ташқи кўринишлари орқали очади. Йигитлик ва кексаликдаги зоҳирий белгилар шу даража усталик билан танланганки, бу белгилар орқали шоир қалбини ҳаяжонга келтираётган туйғуларини тушуниш учун ҳам калиг топилгандай бўлади.

Дастлаб юз тасвири бериларкан, йигитлик даври учун қизил, кексалик даври учун заъфарон ранглара ажратилади. Худди шу тасвирда туркий халқлар бадий ижодидаги қадимги анъаналарнинг ёрқин тасвирини кўриш мумкин. Чунки туркий халқлар адабиётида қизил юз ёшликнинг, гўзалликнинг, сарик юз эса кексаликнинг, айни пайтда дард ва аламга қайғу ва ғамга мубталоликнинг рамзидир.

Кейинги байтда икки давр бошдаги сочлар орқали қиёсланади. Навбатдаги байт эса бу икки даврни бутун кўлами билан тасвирлашга қаратилган. Шунга кўра шоир ўз мақсадини тўлиқроқ ифодалаш учун адабиётда ўзаро зид қўйиладиган икки фаслдан: йигитлик учун баҳор ва кексалик учун куздан фойдаланади. Парчанинг охириги байтида қад тасвири берилган. Бу ерда йигитликдаги қоматнинг тўғрилиги, тиклиги ўққа, кексайган чоғи эса ёйга нисбат берилади. Ўқ ва ёйнинг традицион образлардан эканлигини қайд қилишга алоҳида эҳтиёж бўлмаса керак.

Бу ерда кўриниб тургандай, шоирнинг асосий мақсади йигитлик ва қариликнинг зоҳирий белгиларини қайд қилиш эмас, албатта. Шоирнинг буюклиги шундаки, у мана шу ташки белгиларига жуда катта ғоявий-бадий «юк» кўя билади. Юқорида айтганимиз сариқ юз лирик қаҳрамон қалбидаги ўта нозик туйғуларни: қаттиқ эзилиш, кучли изтироб, алам ва қайғуларга гирифторликни англатса, охирига байтдаги ёй образи лирик қаҳрамоннинг машаққатли ҳаётига ишорадир.

Буларнинг ҳаммаси ўзбек ва тожик, туркий ва форсий халқлар маданияти, санъати ва адабиёти тарихидаги муштарак нуқталарнинг кўплигини, уларни илмий жиҳатдан ўрганиш фанимиз ва маданиятимиз равнақи йўлида кўплаб ижобий омилларнинг юзага чиқишига кўмак бўлишини кўрсатиб турибди.

Маматкул Жўраев

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ТОПОНИМИК АФСОНАЛАРИДА «ШОҲНОМА» МОТИВЛАРИ

Халқимиз тафаккурининг бетакрор мўъжизаларидан бири ҳисобланган афсоналар қадим замонларда яшаган улуг аждодларимизнинг турмуш тарзи, орзу-истаклари, одам ва олам ҳақидаги тасаввурлари, турли хил эътиқодий ишончлар ва маънавий дунёсининг ўзига хос қирраларини ифода этувчи бадий кўзгудир. Афсона – ҳаётий воқеликни ҳаёлий уйдирмалар воситасида ўта фантастик тасвирлаш асосида юзага келган фольклор жанрларидан бири бўлиб, унинг қадим илдиэлари бевосита мифологияга бориб тақалади. Мифологик тасаввурлар силсиласи инкор этилиб, оламни мифик идрок этиш ўрнига воқеликни бадий талқин қилиш анъанаси шаклангач, архаик миф сюжетлари ва образлар тизимининг асосий қисми афсона жанрининг бадий шакли воситасида яшашда давом этаверган. Шу боис афсоналар таснифида оламнинг яратилиши, ўсимликлар ва жониворларнинг пайдо бўлиши, шунингдек ғайриоддий хусусиятларга эга бўлган ҳаёлий қаҳрамонлар ҳақидаги оғзаки наср намуналари «мифологик афсоналар» силсиласи остида умумлаштирилган.

Қадимги аждодларимизнинг мифик қарашлари билан бир қаторда беназир истеъдод соҳиблари томонидан яратилган буюк эпик асарлар ҳам ўзбек халқ афсоналарининг сюжет тизимини шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Афсона жанрининг бадиий тақомилини таъминлаган ана шундай йирик эпик манбалардан бири – «Шоҳнома»дир.

Маълумки «Шоҳнома» дунё адабиётининг шоҳ асарлари сирасидан муносиб ўрин олган муҳташам бадиий қадрият бўлиб, асрлар давомида халқимиз томонидан севиб ўқилган. Фирдавсийнинг кўнгил чаманида очилган ранго-ранг гулларнинг анвойи бўйлари сўз санъатига ошуфта дилларни ўзига ром айлаган. «Шоҳнома» ўзбек халқи орасида шу қадар машҳур бўлганки, унинг айрим ҳикоятлари қиссахон-бахшилар, ровийлар ва эртақчилар томонидан оғзаки тарзда нақл қилина бошлаган. Жамшид, Фаридун, Заҳҳок, Рустам, Зол, Сиёвуш, Афросиёб ва бошқа образлар ўзбек фольклорининг эпик жанрлари сюжет силсиласига сингиб кетган. Натижада «Шоҳнома» сюжети, асосий мотивлари ҳамда образлар қатлами билан боғлиқ бир қатор афсоналар юзага келган.

«Шоҳнома»нинг ўзбек халқ афсоналари сюжет тизимининг шаклланишидаги бадиий ўрни масаласи фольклоршуносларимиз томонидан махсус тадқиқ этилмаган бўлса-да Х.Зарифов, К.Имомов, У.Жуманазаров ва ушбу сатрлар муаллифининг илмий ишларида бу хусусда айрим мулоҳазалар билдирилган. (Х.Зарифов. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар. Пулкан шоир. -Тошкент., 1976.-69-бет; К.Имомов. Ўзбек халқ прозаси. -Тошкент.Фан, 1981, 98-бет; У.Жуманазаров. Тарих, афсона ва дин. Тошкент.:Ўзбекистон, 1990. 61-74-бетлар; М.Жўраев ўзбек халқсамовий афсоналари. Тошкент. Фан, 1995. 71-72-бетлар)

Хоразм ўзбеклари фольклорида «Авесто» ва «Шоҳнома»га алоқадор сюжетлар салмоқли ўрин тутишини қайд қиоған Г.П.Снесарев Фаридун, Рустам, Заҳҳок, Жамшид ва Сиёвуш образларининг тарихий мифологик илдиэлари ҳамда бадиий-гадрижий ривожига доир қизиқарли фикрларни баён этган

(Г.П.Снесаров. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.: Наука, 1969. с. 219-220, 283-286).  
Х.Х.Кўрўғли эса Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжон халқлари эпосининг ўзаро алоқаларини тадқиқ этишга бағишланган монографиясида «Шоҳнома» эпик жанрлар тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатганлигини эътироф этади (Короглы.Х.Х. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербейджана. М.: Наука, 1983. с. 104-168).  
Шунингдек, Оролбўйи халқларининг тарихий ривоятларини тўплаб, таҳлил қилган Л.С.Толстова ҳам ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридаги кўпгина этногенетик ҳамда топонимик афсоналар сюжетининг манбалари «Шоҳнома»га бориб тақалади, деб ҳисоблайди (Л.С.Толстова. Исторические предания Южного Приаралья. М. 1984. с. 124-126, 133-135).

Дарҳақиқат жой номларининг келиб чиқишини изоҳлаш, тушунтириш мақсадида яратилган ўзбек халқ топонимик афсоналари орасида бевосита «Шоҳнома» сюжети ва мотивлари орасида шаклланган эпик матнлар кўп учрайди. «Заҳҳок қалъаси», «Заҳҳокнинг қизи» каби афсоналар шу тарзда яратилган. Қарши шаҳри яқинидаги бир тепалик «Қалъаи Заҳҳоки морон» деб юритилади. Қачонлардир гуллаб-яшнаган шаҳар ўрнидаги бу тепалик ҳақида халқ орасида шундай афсона мавжуд:

Айтишларича, бу қалъани аслида подшо Жамшид қурган экан. Орадан кўп йиллар ўтгач, бу қалъада ўзининг золимлиги билан халққа ҳаддан зиёд зулм қилган Заҳҳок исмли подшо яшаган эмиш. Кунлардан бир куни Заҳҳокнинг саройида «қўрғонимизга қўли гул пазанда бир йигит келганмиш. У пиширган таомлардан тановул қилган кишининг армони қолмас эмиш», – деган миш-мишлар тарқалибди. Бу хабар Заҳҳокнинг ҳам қулоғига етиб боргач, ўша пазандани саройга олдириб келиб, унинг мазали таомларидан татиб кўрмоқчи бўлибди. Ҳақиқатан ҳам, ошпазнинг ҳунари зўр экан. У пиширган ғаройиб овқатлардан еб кўрган ҳукмдор суюниб, ажойиб пазанда топганига боши осмонга етиб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетибди, туну кун овқат емакдан бўшамай қолибди. Охири бир кун ошпаздан мамнун бўлган Заҳҳок

уни ҳузурига чакириб:

– Кўли гул ошпаз экансан, хунур ўргатганингга балли!  
Тила тилагингни! – дебди.

Шунда ошпаз:

– Подшоҳим, сизнинг қараминғиз менга ҳар қандай олтину кумушдан афзалроқ. Ижозат берсангиз, икки кафтингиздан бир ўпсам, – дебди подшоҳнинг ийиб кетганини кўриб, фурсатни кўлдан бермаслик учун.

Бундай ажойиб ошпаздан ажралиб қолишдан кўрққан Заҳҳок ноилож рози бўлибди. Орадан бир неча кун ўтгач, айни азон палласи Заҳҳок ширин уйқуда ётган экан, бирдан унинг икки елкасига нимадир ғимирлаётган бўлибди. Баданига совуқ нарса ўрмалаётганини билган подшо сескиниб уйғониб кетибди. Не кўз билан кўрсинки, ошпаз ўпган жойдан иккита илон ўсиб чиққан эмиш! Бу даҳшатли манзарани кўриб икки юзи уч ювилган доқадай оқариб кетган Заҳҳок дир-дир қалтираб, тили айланмай қолибди. Бу икки илон Заҳҳокнинг бўйнига чирмашиб олиб, уни бўғар, нукул одам миясини сўрар эмиш. Ҳар куни бир бегуноҳни ўлдириб, миясини илонларга беришга мажбур бўлибдилар. Чунки илонлар ўзининг миясини еб қўйишдан кўрққан Заҳҳок ҳар куни тонгда бир кишини қатл қилишга буйруқ бераркан. Ўша одамнинг миясини бериб илонларини боқа бошлабди.

Кунлар кетидан кунлар ўтибди, подшо зулми жудаям ҳаддан ошганлигидан одамларнинг жони ҳалқумига келибди. Шу шаҳарда Қават исмли бир темирчи уста ҳам яшар экан. Бир куни золим подшонинг амрига кўра унинг етти яшар ўғлининг боши олиниб, миясининг қатиғи илонларга ем бўлибди. Кунлар ўтиб, бир маҳал яна устанинг дарвозасини қоқиб қолишибди, темирчи чиқиб қараса, подшо навқарлари устанинг кенжа ўғлини олиб кетмоқчи бўлиб келишганмиш. Подшо зулмидан бағри хун бўлган уста ўзига ўхшаган жабрдийдаларни ёнига тўплаб, фосиқ фосиқ подшонинг додини беришга аҳд қилибди. Тўққиз пахса девор билан ўралган кўрғонга кириш мушкуллигидан икки марта уларнинг режаси амалга ошмай қолибди. Аммо улар кўрғонни қамал қилишни давом эттириб, яна бир уриниб, подшонинг қийноқларидан безор бўлган



бир неча навкарлар кўмагида саройга бостириб киришибди. Заҳҳокни оромгоҳидан топиб ва қилич билан чопиб, бурда-бурда қилиб ташлашибди. Шундай қилиб, эл-юрт золим подшодан қутулган экан (Ипак йўли афсоналари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: М.Жўраев. – Тошкент, Фан, 1993. 60-61 бетлар).

«Заҳҳок қалъаси» афсонасининг сюжети бевосита «Шоҳнома»га бориб тақалади. «Кўли гул ошпаз»нинг саройга келиши ва унинг ўпиши туфайли Заҳҳокнинг кафтидан икки илон ўсиб чиқиши мотивлари «Шоҳнома»нинг Жамшид тавсифига бағишланган бобидаги «Иблиснинг ошпазлик қилгани» деб аталган фаслида тасвирланган эпик воқеалар талқинига ҳамоҳангдир. Иблис ошпазлик қилиб, лаззатли таомлар пишириб бериб, Заҳҳокнинг кўнглини олади. Буюк сўз устаси Фирдавсий таърифича:

Шоҳ овқатдан олиб тотиган сари,

Эс-ҳушини оларди ошпаз ҳунари.

Унга дер: «Орзунг не? Қани, гапир,

Не истагинг бўлса айлагум ҳозир?»

Шунда ошпаз унга тавозе билан эгилиб, муражаат этади:

«Фармон этсанг, шул он ўрнимдан кўпиб,

Кўзга суртсам икки кафтларинг ўпиб!» (Фирдавсий, «Шоҳнома». Форсийдан Ш.Шомухаммедов таржимаси. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 1-китоб, 76-бет).

Оқибатини ўйламаган Заҳҳок ошпазнинг бу истагини бажаришга изи беради. Ошпаз-иблис эса шоҳнинг кафтларидан ўпади-ю, кўздан ғойиб бўлиб кетади. У мальяуннинг лаби теккан жойдан эса «икки чўнг илон» буралиб чиқади. Шоҳ бу ҳолдан ҳайратга тушиб, қутулиш чораларини излайди, қилич билан илонларни чопиб ташлайди. Аммо уларнинг ўрнида янгиси ўсиб чиқаверади. Шунда яна иблис пайдо бўлади ва илонларни одамзод мияси билан боқиш лозимлигини айтади.

Кўринадики, Заҳҳокнинг кафтларида илонлар пайдо бўлиши билан боғлиқ эпик сюжет «Шоҳнома»да қандай бўлса, «Заҳҳок қалъаси» афсонасида ҳам деярли ўзгаришсиз ҳикоя қилинган. Бу қадимий сюжетнинг ўзбек фольклари эпик

анъаналари доирасида кенг оммалашиси узоқ давом этган тарихий-фольклорий жараён маҳсули бўлиб, унинг мотивлари таркиби ва образлар талқинида муайян ўзгаришлар ҳам руй берган. Хусусан, «Шоҳнома»да Заҳҳокнинг ошпази «иблис» бўлса, ўзбек афсонасида бу образ «пазанда йигит» деб таърифланади. Шунингдек, Заҳҳок кафтларидаги илонларни чопиб ташлаганда ўрнида янгиси ўсиб чиқавериши ва чорасиз қолган шоҳнинг ҳузурига келган иблис илонларни одам мияси билан боқишни маслаҳат бериши мотивлари ҳам ўзбек афсонасида учрамайди. Аммо қаҳрамон уч бошли аждаҳо ёки улкан илоннинг калласини кесганида ўрнида янги бош ўсиб чиқавериши мотиви ўзбек халқ эртақларида мавжуд бўлиб, тарихий-генетик жиҳатдан «Шоҳнома»да қайд қилинган эпик мотив билан муштарак мифологик асосларга эга.

«Заҳҳок қатъаси» афсонасидаги темирчи Қават образи ва унинг золим шоҳга қарши кураши мотивининг эпик замини ҳам «Шоҳнома»дадир. «Шоҳнома»нинг Заҳҳокка бағишланган бобида «Заҳҳок ва темирчи Кова достони» деб аталган фасл бор. Ўзбек халқ афсонасидаги «Қават» ана шу «темирчи Кова»нинг ўзгинасидир. Фирдавсийнинг талқинича, темирчи Кованинг ўн саккиз ўғли бўлиб, шулардан ўн етти нафари золим Заҳҳокнинг амри билан қатл этилиб, миялари илонларга ем қилинган, жабру ситамдан бағру хун бўлган ота шоҳ ҳузурига келиб:

Ўн саккиз ўғлимдан тўлганди жаҳон,  
Шулардан биттаси қолмиш бул замон.  
Ўша бирини ҳам қўймасанг агар,  
Дилимдан аланга, эзилмиш жигар, –  
дейди («Шоҳнома». 102-бет).

Темирчи Кованинг ўн етти ўғли нобуд бўлганлиги мотиви ўзбек халқ афсонасида Кованинг золим шоҳ қўлида ҳалок бўлган новқирон ўғлининг ёштини изоҳлаш билан боғлиқ эпик формулага айланган: ўн етти яшар ўғли қатл қилинган Қават Заҳҳок зулмига қарши бош кўтаради. Ковага ўхшаб, Қаватнинг ҳам фақат кенжа ўғлигина омон қолган, холос.

Хуллас, «Заҳҳок қалъаси» афсонасига асос бўлган эпик сюжетнинг илк манбаи Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридир. Бу буюк бадиий эпопея асосида шаклланган бундай афсоналар халқ орасида оғзаки йўсинда ижро этилиб, вариантлашиб кетиши натижасида илк сюжет қатламларининг муайян узвлари унутилган ҳамда қаҳрамонлар номини билдирувчи анъанавий эпонимлар ўзбек тилининг фонетик қонуниятлари доирасида маълум ўзгаришларга учраган. Қалъанинг вайронага айланишининг сабабларини Заҳҳок фожеаси билан боғлаб тушунтириш топонимик афсоналарга хос муштарак бадиий мезонлардан бири – воқеликни эпик талқин қилиш анъанасининг ўзига хос кўриниши бўлиб, асл номи унутилган бу қадимий кўрғон «Қалъаи Заҳҳоки морон» деб аталиши ва у билан боғлиқ афсоналарнинг юзага келиши «Шоҳнома»дек буюк адабий ёдгорлик халқимиз орасида кенг шуҳрат қозонганлигининг ифодасидир.

Наим Норкулов

### «ШОҲНОМА» ДАСТХАТЛАРИ

Буюк сўзнинг устаси Абулқосим Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»си шуҳрати оламга кетган. Айниқса Ўрта Осиёда у қадимдан севиб ўқилади. «Шоҳнома»нинг энг яхши нусхаларини ҳар бир ҳукмдор ўз хазинасида бўлишини ўзи учун фахр деб билган. «Шоҳнома» айна ёзилган пайтда, XII-XIV асрларда унча қадрланмади. Фақат темурийлардан Бойсунғур Мирзо ибн Шоҳруҳ Мирзо ўшанда «Шоҳнома»нинг мукамал нусхаси бўлмаганидан, 40 га яқин сукутли нусхаларни ўрганиб, муаллиф нусхасига яқин танкидий матнини яратди ва ўз шахсий кутубхонасининг китобдори Жаъфар Табризийга уни кўчиртирди; суратлар билан безатди. Асарга муқаддима ёзди ва у фан тарихида «Муқаддимаи Бойсунғурий» номи билан машҳур. «Шоҳнома»нинг Бойсунқур муқаддимаси бўлган қўлёзма нусхалари дунёда кам сақланган. Тошкентда бундай «Шоҳнома» нусхаси учтагина холос: 4235, 2139, 1586 рақамдагилар. Тошкент кутубхоналарида. «Шоҳнома» қўлёзмаларининг ўттиздан

ортик нухаси мавжуд. Энг мўтабар қўлёзмалар унвонли ва гасвирли «Шоҳнома» нухаларидир. Тасвир чекилган қўлёзмалардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Маҳфуз рақами 1811: Қўлёзма 1556 йили Бухорода Ҳамдамий томонидан кўчирилган, 522 варақ, қоғози ўлчами 22x33,5 см. Қўлёзмани 1616 йили Муҳаммад Мурод Самарқандий тасвирлар билан беаган. Тасвирлар сони 116 та. Улардан қуйидаги тасвирлар диққатга сазовордир: «Заҳҳокка қарши темирчи Кова қўзғалони (шўриш)», «Тухматга учраган Сиёвушнинг оловда синалиши», «Шоҳларва ҳақимлар баҳси», «Шаҳид бўлган қаҳрамон», «Баҳромнинг ўлдирилиши», «Манучеҳрнинг Турни ўлдирилиши», «Эрон ва туронликлар жанги», «Фаридун ўғиллари Яман маликаларига уйланиши», «Кайковуснинг ҳузуридаги ботир» ва ҳаказо. Бу қўлёзмадаги тасвирларнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, уларда Фирдавсиёдаги қаҳрамонлик руҳи ўз ифодаси топган; тасвирларда кишиларнинг юз ифодаси акс эттирилган. Шунинг билан бирга ўша давр ашгархонийлар даври ижтимоий ҳаёти, этник ва этнографик хусусиятлари ҳам ўз талқинини топган.

2. Маҳфуз рақами 3463: «Шоҳнома», 1664 йили Бухорода кўчирилган. Мусаввир Муҳаммад Муқим томонидан безатилган. Жамъи тасвирлар сони 77 та, 519 варақ. Ҳажми 22x32 см.

Қўлёзмадаги «Рустамнинг аждар билан олишуви» (389 б) «Манучеҳр овда. Йилқибонларга йўликиши» (368 а), «Элчилар Кайхусрав қабулида» (241 б) «Афросиёб ғорда», «Борбад Хусрав ҳузурида», «Сиёвуш Афросиёб ҳузурида», «Таҳмураснинг девлар билан жанги», «Ёш йигитлар тасвири», каби тасвирлар бошқа қўлёзмалардаги шу мавзудаги тасвирлардан ўзига хос жиҳатларни ва маҳоратли чекилгани билан ажралиб туради.

3. Маҳфуз рақами 372: «Шоҳнома», 1604 йили Бухорода кўчирилган. 601 варақ, 22 та тасвир билан безатилган. Мусаввирнинг маҳорати Муҳаммад Мурод Самарқандийникидан қолишмайди.

4. Маҳфуз рақами 6423: «Шоҳнома», XVI асрда

кўчирилган. 505 варақ. Унвонли, олтин рангли нақшли, чарм муқовали.

5. Маҳфуз рақами 1585: «Шоҳнома», 1450 йили Муҳаммад ибн Сулаймон томонидан кўчирилган. 522 варақ нақшли чарм муқовада.

6. Маҳфуз рақами 1639: «Шоҳнома», олти устунда 1485 йили кўчирилган, сифатли қоғозда, 361 варақ. Унвонли.

7. Маҳфуз рақами 2139: «Шоҳнома», XVI асрда кўчирилган, 635 варақ. Тўртта унвон чекилган.

8. Маҳфуз рақами 1373: «Шоҳнома», 1642 йилда хаттот Араби Шерозий томонидан кўчирилган; 173 варақ, унвонли. Ҳажми 14x24 см.

9. Маҳфуз рақами 1586: «Шоҳнома», 1865 йили Мирза Абдумалик Шаҳрисабзий томонидан кўчирилган. Тўртта унвонли; 620 варақ.

10. Маҳфуз рақами 1408 (Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёмалар институти қўлёмаси): «Шоҳнома», 1597 йили аъло навли қоғозда кўчирилган. 364 варақ, ҳажми 27x18 см. Нақшин (қуббали) тери муқова.

«Шоҳнома» қўлёмаларига чекилган тасвирлар ва нақшлар XV-XVII асрларда Ўрта Осиё тасвирий санъат тараққиётини ўрганишда муҳим манбаъ ҳисобланади.

Мазкур тасвирлар Ўрта Осиё тарихи ва адабиётида «Шоҳнома» қаҳрамонларининг ўз ўрни бўлганидан далолатдир.

Баҳриддин Насриддинов

## «ШОҲНОМА» ҚАҲРАМОНЛАРИ САҲНАДА

Буюк шоир, файласуф Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си жаҳон театр жамоатчилиги каби Ўрта Осиё ва Қафқозия саҳна санъати намоёндаларининг ҳам диққат эътиборини кўп йиллардан бери ўзига жалб этиб келади. Зеро, унда умумбашарий ҳаёт муаммолари, халқларнинг орзу-умидлари, одамий олийжаноблик, чин севги ҳамда биродарлик, мардлик ва қаҳрамонлик, тинчлик ва иноспарварлик ғоялари тараннум қилади. Бизлар учун яна бир муҳим, қадрли томони шундаки

ушбу қомусий асарда индаллосини Амударё бўйларидан олган ва камолатини қадимий Эронда қулоч ёздирган, Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг муқаддас «Авесто» китобининг тарихий-афсонавий шевалари ўз аксини салмоқли топган. «Шоҳнома» қаҳрамонлари, шунингдек (пьесалардаги ҳам) Рустам, Зол, Сиёвуш, Афросиёб, Фарангис кабилар Туронзаминда, Ўрта Осиёдаги шаҳару ўзга мавлуду масканларда ҳаракатда бўлиб, шижоатлар, қаҳрамонликлар кўрсатиши, эзгу орзу-умидларни илгари суриш, тинчлик, осойишталик учун кураш, Эрону Туронро дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш ғоялари ушбу умрбоқий асарга нисбатан алоҳида ҳурмат, эътиборни асрлар мобайнида сарфароз этиб келган.

Туронзамин, Мовароуннаҳрда, сўнг Туркистон ўлкасида ҳам «Фирдавсийхонлик», «Шоҳноманавислик» азалдан силсила тортиб келган. «Шоҳнома»нинг қаҳрамонлари Туронзаминда қадимдан диний байрамларда, халқ ўйин-сайилларида айниқса «Наврўз»даги умумнафосат байраму томошаларида ўзининг жилосини топган. Шунингдек томошаларда «Шоҳнома» қаҳрамонларидан Рустам, Кова, Сиёвуш, Баҳром, Сухроб, Золлару, Кайковус, Жамшид, Фарангислар, ҳатто Заҳҳоклар тимсоли бўй берган: ўйин-қушулар, зикр-самолар, рақслару пантамима ҳаракатлари, масҳарабозлар чиқишлари, Қуёшга, яратган Тангрига сиғиниш, мадҳия-муножотлар ўқиш бўлган ва бу аснода муқаддас «Авесто» мазмуни воқеалари, ҳикоятларидан ҳам фойдаланилган, «Наврўз» шодиёнларида тасвир топган, Тангрига ҳамду санолар ўқилган, «Хуршед-Яшт»лар суҳанварликда тараннум чеккан, муқаддаслик, ёруғлик, зиё рамзи олову чироқлар ёқилган, «Ойдинқул (Чочия»га туташ)»дан муқаддас сувлар келтирилиб ичилган.

«Шоҳнома»даги мана шундай манзаралар, ҳикояту ривоятлар, қаҳрамонлар ҳатти-ҳаракатлари, ўйин-томошалар, уруш ва тинч ҳаёт сахнлари, ҳатто фожеавий ахволлар, кўҳна «Шош»да ва унинг атрофидаги «Занги-ота»да ҳар йили «Наврўз» палласида содир бўлиб келган (буларнинг индаллоси аслида «Қизил гул», «Зарра гул» ўйин-томошаларига пайванд бўлиб кетади ва тўғонбошиси қарийб беш минг йилларга

бориб тақалади – Б.Н. (шодиёнаю томошалар XX асрнинг ўнинчи йиллари охирига ва 20-йилларнинг бошига келганда, икки Тошкентлик ажойиб иқтидор эгаси, ўзбек миллий театри ва драматургиясининг қалдирғоч намояндаларидан бўлмиш Шамсиддин Хуршид билан Ғози Юнусларни (икковлари ҳам Туркистон ўлкасидаги янги тараққий йўналиши – «жадидчилик» ҳаракатининг фаол қатнашчисидир), қобигида драматурглик сахна асари бунёд этмоқ учун етарлича маънавий-ғоявий ва бадиий-нафосатий бўлган буюк «Шоҳнома»га саҳий ният билан ёндошишни ва мураккаб, аммо жуда ҳам хайрли ва фахрли ишни–театр учун пьеса ёзишни тақазо этади. Мана шундай қилиб Шамсиддин Хуршид билан Ғози Юнус миллий театрчилигимиз солномасида дастлаб машаққатли, ижодий-илмий изланишлар-ла йўғрилган муборак ишга киришдилар.

Бу даврлар миллий маданиятларни, адабиёт ва санъатни, шу жумладан драматургия ва театрни ривожлантириш, унинг сахнасида мозийдан силсила тортиб келаётган беназир маънавий меросу кадриятларни, буюк ва халқчил бадиий асарларни, ноёб дostonларни намойиш этиш йўлида жиддий сиёсий-мафкуравий тўсиқлар кўйиш, маън этишлар палласи эди. Ўша паллаларда ўзига хос «қатағон»га учратилаётган ижодкорлар орасида Навоий, Атоий, Лутфий, Дурбек сингари мумтоз адабиёт намoёндаларининг асарлари ҳам бор эди (Қаралсин: «Ёш ленинчи» газетаси, 1928 йил, 6 апрел ва 13-июн). Ушбу палладаги матбуотда – «бу мугасаввуфлардан, хаёлпарастлардан, символистлардан ва бошқалардан пролетар адабёти учун қандай бўлса ҳам бир нарса олишимиз шубҳалидир», – дея, айюҳаннос солдилар. Бунингдек маданий меросдан фойдаланиш йўлидаги зиддиятли аснолар ва маън этишлар ҳатто 20-йиллар сўнгида ҳам ва ундан кейинги чоғларда ҳам яхшигина давом этиб турди (Қаралсин: «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1929 йил, 14 май). Мана шу даврларда Шамсиддин Хуршид Алишер Навоий дostonлари (буюк «Хамса»дан ўрин олган) асосида яратган сахна асарлари (1918 йилда бошланиб 1919 йилда тугатилган) «Фарҳод ва Ширин» ҳам театрда кўйишга рухсат этилмай, то 20-йилларнинг

бошларига қадар қолиб кетганди.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бунингдек маданий меросга қора кўланкалар жиддий соя тушириб турган пайтларда Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига мурожаат қилиш ва унинг асосида сахна асари яратиб, қаҳрамонларини театр воситалари орқали жонлантириш ҳамда халқ орасида ундаги ғояларни тарғибу ташвиқ қилишнинг ўзи бўлмасди, драматургни ҳам, театр тўдасини ҳам хавф-хатарлар кутиши мумкин эди...

Шунга қарамасдан, фидойи, ватанпарвар ва миллатпарвар қалам соҳиблари, жасоратли драматург, янгилик ташаббускори ва жарчиси бўлган жадидчи-ижодкорлардан Шамсиддин Хуршид ва Ғози Юнуслар «Сахна фирдавсийномаси»га дастлаб кўприк ташлаб бердилар (Ўрта Осиёда биринчи бўлиб), «Шоҳнома» асарида драматургик асарлар яратишга муваффақ бўлдилар. Қолаверса, Хуршидда бунингдек муаззам ишни бошлашга муайян заминлар ҳам мавжуд эди, у форс тилини, қадимий эрон адабиёти, маданий қадриятларини, буюк иждоқларининг ашъори билан дурустгина таниш эди, форс-тожик тилида талайгина ғазаллар битганди, XX асрнинг бошларидаёқ ўлкадаги «шоири машхур»лар қаторидан ўрин эгаллаганди, (Қаралсин: Тухфаи Хислат. «Ҳоиб (Хуршид) шоирдан Хислат Эшонга...», Тошкент, Ғулом Ҳасан Орифжонов матбааси, «Баёз», 1914-15 й.й. мелодий – 1333 й. ҳижрий, 23 бет). (Шамсиддин Ҳожа Ҳофиз Шерозий ғазалларини форсчадан ўзбекчага таржима қилган ва уларга «Муҳаммас Хуршид бор ғазали Ҳофиз» каби муҳаммаслар боғлаганди. Саъдию Ҳофиз Шерозийларни худди Яссавий, Жомий, Навоий, Ғузулийлар сингари ўзига устозлар қаторида кўрган ва бу ҳақда ўзи қуйидагича мисраларни ёзиб қолдирган:

Саъдию, Жомий, Навоий Хуршед устои экан,

Бўлғусидир халқаро ашъори иждоқ оқибат (Қаралсин: «Хуршид», Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, Тошкент 1975 йил, 122 бет).

Сиёсий-мафкуравий нуқтаи-назардан олиб қараганда анча зиддиятли даврда Шамсиддин Хуршид «Шоҳнома» асосида



сахна асари яратмоққа киришди ва 1918 йилда уни тугатиб, машхур ҳофиз, созанда ва ўзбек миллий мусика маданиятининг йирик намоёндаси, атоқли бастакор Шораҳим Шоумаров билан бирга, режиссёр Юсуфбек Қурбонов ҳамкорлигида, шу йилнинг ноябр ойида «Турон» театру сахнасига олиб чиқди. Пьеса «Сиёвушнинг ўлим ҳукми» номда «Турон»да бир маротаба намоиш этилди (1918 йил, 5 ноябр) ҳолос ва «Турк.Глав.лит.» шўровий цензураси томонидан «Эрон-Россия федерацияси муносабатларига ижобий хизматдан дариг»лиги рўкачи билан намоишдан тўхтатиб қўйилганди. Кейинчалик, Шораҳим Шоумаров маълумотига кўра ушбу асар 1919 йилнинг май ойида, кўпгина баҳсу тортишувлардан сўнг яна бир бор Тошкентда, «Шайхонтахур»даги томоша сахнасида намоиш этилган ҳолос. Маданий меросга, маънавий кадриятларга солинган қора туфайли бошқа мумтоз асарлар асосида яратилган пьесаларга ҳам манъ этилганди.

Шораҳим Шоумаров 60 йиллар бошида Хуршид ва Ғози Юнусларнинг «Шоҳнома» асосида пьесалар яратиш жараёни, ижодий изланишлари ҳақида жуда қимматли ва қизиқарли маълумотларни берганди. У Хуршиднинг халқ ва мақом куйларини яхши билгани ҳамда «Сиёвуш»га мусиқий асарлар танлаш, куйлар битиш, безакларни амалга оширишда нақадар талабчанлик, синчковлик ҳатто «инжиклик» қилганларини ҳикоя қилиб берганди. Унинг куйидаги хотиралари ҳам ниҳоятда қимматли, ушбу вақтлар театр, мусиқа, ижровий маданиятини ёритиб бериш учун қимматлидир:

«Сиёвашнинг ўлим ҳукми» («Сиёвуш») спектаклига куйлар танлаб битишда биз қадимдан мерос бўлиб келаётган мақомлар, таъсирли, даврли халқ кўшиқ, куйлардан ҳам унумли фойдаландик, шу жумладан «Аввалги муножот (афсуслар бўлсинки, эндиликда бу унут бўлиб кетган – Б.Н.)», гирандалар қадимда ижро этган «Марсия Гиря»лардан ҳам (Хуршид бунисини қарийб тўрт минг йиллик тарихга эгаллигини ва унинг Сиёвуш шаҳид этилганда қабри устида «гирчи (жангчи)»лар хониш этиб, мотам туганлиги ҳақида халқда ҳикоят борлигини қайд қиларди – Б.Н.).

Шораҳим Шоумаров архивида (унинг архиви ниҳотда бой

эди, ноёб тарихий ҳужжатлар ҳам унда бисёр эди) сақланиб келаётган маромнома ҳам жуда ноёб ва қадрли эди:

«Сиёвашнинг ўлим ҳукми», 5 пардали қонли фожеа, улғу муаррих Фирдавсийнинг буюк «Шоҳнома»си асосида шеърӣ тарихий драм асардир. Саҳна тилига Табдил Хуршид Шарафники, чолғули безакловчи Шораҳим Шоумар, саҳналаштирувчилар – Шабистарли ва Юсуфбек Қурбон – ўғли. Рассом Маке Айхберг (Австралиялик рассом, биринчи жаҳон муҳорабаси боис, асирликда Туркистон ўлкасига сурган қилинган, у ўз иниси – ҳарбий дирижёр билан Тошкентда яшаган – Б.Н.). Қатнашувчилар: Парда олдинда шоири-кирон Абулқосим Фирдавсий ва саҳнада: Кайковус – шоҳ, Қаёнийларнинг иккинчиси; Сиёвуш – унинг ўғли; Судоба – Ковуснинг суюқлиси, Яманлик; Суроқа – Судоба жорияси; Қиёнуш – румдан, савдогар, жосус ҳам; Афросиёб – Турон подшоҳи; Фарангис – унинг қизи; Гарсеваз – подшонинг ўғли; Пирон – вазири; Рустам – паҳлавон ва яна Зол, элчилар, халқ вакиллари, жориялар, санъаткорлар, аскарлар...

– Парда очилади, Яманда Кайковус жанг олиб бормокда, Эрон шоҳининг қўли баланд келмокда... Ковус солган қилич зарбидан Яман шоҳининг қиличи қўлидан учиб кетади. Ковус аста босиб боради ва қилични рақиби бўғзига тутлади: Ковус:

Дегандим сенга эй шоҳи Яман –

Таслим бўл, йўқса бошинг янчаман...

Кибрга берилдинг, жанд қилмадинг,

Афсуски, фойдангни ўзунг билмадинг.

Экканинг энди ол, чиқорай хожат,

Ўлимга юз тутгил, ўзга йўқ нажот!...

Ковус қиличини солмокчи бўлади, шу пайт қўшин ичидан бир аскар чиқиб, Эрон шоҳига ташланмокчи бўлади, лекин бунда шай турган Ковуснинг икки навқари уни ушлаб қоладилар – бу яман шоҳининг ниқобланган қизи Судоба бўлади... Ковус:

Ким экан тирранча, бу Яман зўри?

Элтинг қапамга, бўлгай ҳур чўри!...

Яман шоҳи: Кўзимнинг қораси, қизим у, билгил,

Мени ол, қуй уни, инсонлиғ қилгил...

Кайковус: Ҳа, ҳа, ҳа! Инсонлиғ қилғил...

Мана, ол ўзунг эқканинг!...

(рақибига қилич санчади; аскарлар «оҳ» соладилар, парда тушадир).

«Гиря» куйи мунгли садоланур. Кейинги парда кўтарилгач, Кайковус ўрдасидаги харам кўзга ташланади. Судобанинг хонаси, у ғамгин, қайғули ҳолда. Судоба:

Э кўнгил, э сирлар кони:

Борми ўч олмоқ имкони?...

Мана шундай аснода воқеалар силсиласи ўткир драматик ҳолатда ривожланиб бораверади. Бастакор Шораҳим Шоумаров хотирлашича, асарда зебо куйлар, ашулалар ҳам бўлиб, улар саҳналарни, ходисаларни очиб беришда, томошабинларга янада таъсирчанроқ етказишда дурустгина омил бўлган. Ш.Шоумаров таъкидлашича, Хуршид «Шоҳнома»га ёндошиб, унинг асосида «қонли фожеа (яъни трагедия демоқчи)» яратар экан, Фирдавсий матнларини айнан саҳнага олиб кирмаган, уларга «табдил этиш» услубида ёндошади ва инсонпарварлик ғояларини тараннум этадиган пьеса яратади. Атоқли бастакор ва театр намоёндаси ҳикоя қилишича ҳамда ўша чоғида спектаклда роллар ижро этган Сайфи Олимов, Шокир Нажмиддиновлар эслашича – «Сиёвашнинг ўлим ҳукми» саҳна асарининг азиятли тақдиридаги, «Пролеткульт»чилар тажоввуздан ўта куйиб, ўртанган Хуршид бу асарни янгитдан саҳнага қайтариш ҳақида бошқа ўйламади.

Ушбу пьеса асосида ўзининг янги шеърий саҳна асари – «Сиёвуш» операсининг либреттосини савияда яратишга муваффақ бўлди. Мазкур либратто ҳақида сўнгрoк фикр-мулоҳаза юритамиз.

Энди эса таниқли журналист ва мунаққид, Тошкентдаги театрчилик ҳаракатининг фаол намоёндоларидан бири Ғозӣ Юнус «Шоҳнома» асосида яратган «Заҳҳоки морон» пьесаси ҳақида фикр-мулоҳаза юритайлик. Бу асар 1919 йилда яратилган бўлиб, дастлаб атоқли режиссёр ва актёр Маннон Уйғур томонидан шу йилнинг кузида, Тошкентдаги ўша

чоғларда маълум бўлган театр труппасида (у чоғда Карл Маркс труппаси деб аталган) сахналаштирилган эди. Маннон Мажид ўғли – Уйғурнинг ўзи ундаги иблис рўлини муваффақиятли ижро этган эди. Бу пайтларда у ўзбек театрининг етакчи актёрларидан бўлиб, олқишларни кучмоқда эди. «Иштирокиюн» газетаси унинг ҳақида куйидагича ёзганди: «Ҳақиқатда Туркистон ўлкаси, ерли халқ ичида «артист» номини кўтармакка Уйғургина буюк бир ҳаққи бор» (Қаралсин: «Иштирокиюн», 1919 йил, 18 феврал). Бунингдек, баҳога сазовор бўлишда ана ўша Иблис ролининг ҳам ҳиссаси бор эди. Уйғурнинг «комик ролларни бажаришда ўлкада биринчи туриши» ҳақида ҳам ўша давр матбуотида илик сўзлар айтилганди (Қаралсин: «Қизил байроқ», 1921 йил, 26 ноябр). Буни биз бежиз эста олмаётимиз – «Заҳҳоки морон» спектаклида ўта кулгули, ҳатто қаҳқаҳа билан кечадиган сахналар ҳам мавжуд бўлган.

«Заҳҳоки морон» пьесасидаги тимсоллар қаторида темирчи Кова, унинг хотини Меҳриноз, фарзанди Шопур, ҳукмрон Заҳҳоқ, малъун Шайтон кабилар гавдаланади. Ғози Юнус асари курашчанлик руҳияти билан йўғрилганди; ёвузлик тимсоли – Заҳҳоқ одамлар бошига надоматлар, юртга шўршорлар келтиради... М.Уйғур томошабинни кизиқтира оладиган, ҳаяжонли, таъсирчан спектакл яратишга мавуффақ бўлганди. Аммо, шуни ҳам қайд этмоқ керакки, асар муаллифи ушбу пьесани «қонли фожеа» деб атаган, «Заҳҳоки морон»ни бундай деб аташга унинг режиссёри Уйғур ҳам рози бўлган. Лекин спектакл фожеа жанри даражасига кўтарилмаган ва бу ҳолатни бошқа мунаққидлар ҳам таъкидлаб ўтадилар. Ўша пайтларда «Заҳҳоки морон» спектакли ҳақида Фитрат билан Хуршид ҳам тақризлар ёзиб, бирмунча баҳслашиб ҳам олгандилар, асардаги ютуқлар билан бирга, ундаги камчиликларга ҳам эътиборни, театр диққатини қаратган эдилар.

Ғози Юнуснинг «Шоҳнома» асосида яратган «Заҳҳоки морон» асари шак-шубҳасиз улуғ ижодкор Фирдавсийнинг беназр даҳосини, улкан маънавий меросини халқлар ўртасида гараннум этишда ўзига хос салоҳиятли аҳамият касб этади.

Мазкур асар «Ташвиқот-тарғибот» театр труппасида (1923 йил), Бухоро театрида (1922 й.) ҳам саҳналаштирилганди. Афсуслар бўлсинки, кейинчалик бу асар ҳам саҳнада намойиш этишдан тўхтатиб қўйилганда ва драматург публицист Ғози Юнус шахсга сиғиниш даврида қатоғонга учраганидан сўнг театр репертуаридан бутунлай бадарға этилди...

1910 йилларнинг охири 1920 йилларнинг бошига келгач Кафқозияда ҳам, чунончи Озарбайжонда, Фирдавсий «Шоҳнома»си асосида саҳна асарлари яратишга эътибор кучайди: Шамсиддин Сомибекнинг «Коваи оҳангар» пьесаси вужудга келди. Ушбу асарни Тошкент театрларида саҳналаштиришда ҳам ана ўша Шамсиддин Шариф – Хуршид ташаббус кўрсатди, «Коваи оҳангар»ни Озарбайжон туркийсидан ўзбек тилига таржима қилиб, саҳнага олиб чиқилишига муваффақ бўлди. Пьеса 1920 йилда «Шарқ саҳнаси»да кейинроқ эса «Турк ишчилар тўдаси» томонидан саҳнага олиб чиқилиб томошабинларга намойиш қилинди ва катта қизиқиш билан кутиб олинди. Спектакл «Шарқ», «Турон» саҳналарида қўйилганда ундаги Кова – темирчи сиймосини истеъдодли ёш актёр Аброр Ҳидоятлов ўйнади ва муваффақият қозонди (маълумки бу санъаткор кейинчалик буюк актёр бўлиб етишди, Шекспир асарларидаги Отелло, Гамлет сиймоларини катта маҳорат билан яратиб, жаҳонга машҳур бўлди. Қаралсин: А.Дейч, «Аброр Ҳидоятлов», изд-во «Искусство», Москва-Ленинград, 1948 г., 34-42, 48-62 стр.). А. Ҳидоятлов зуғмкорларга қарши исён кўтарганларга бошчилик қилган халқ фарзанди темирчи Кова тимсолини содда, катта қалб эгаси, ҳақиқий баҳодир қилиб яратди. «Коваи оҳангар»ни 1923 йилда Ўзбек давлат ўлка намуна драматик труппасида саҳналаштирди. Асар мусиқа безакларини ана ўша Шораҳим Шоумаров амалга оширди. Иш жараёнида театр ва драматургия заҳматкаши Ғози Юнус ҳам яқиндан қанташди. Асар ва спектакл ҳақида Хуршид билан Фитрат тақризлар ёздилар, баҳслашув ҳам қилдилар. («Қизил байроқ» газетасида)

Ўзбек саҳнасида машҳур озарбайжон драматурги Хусайн Жовиднинг ҳам «Сиёвуш» драмаси ҳам саҳналаштирилган эди, бунинг ҳам ўзбек театрига кириб келишида Хуршид

Шараф ташаббус кўрсатганди. Мазкур спектакл 1933 йилда томошабинларга кўрсатилиб, қизғин кутиб олинганди. Афсуслар бўлсинки, бу драматург ҳам ана ўша «шахсга сизгидеки» даврларида қатоғонга учради ва шундан сўнг Х.Жовид асарлари намойишдан тўхтатиб қўйилганди. Унинг «Иблис», «Шайх Санъон», «Сиёвуш» каби пьесаларини ўзбек тилига таржима қилиб, ташвиқот этгани учун Хуршид ҳам яхшигина азиятлар чеккан эди...

Таниқли композитор ва театр намояндаси Мухтор Ашрафий ҳам ижодий фаолиятида «Шоҳнома»га мурожаат қилди ва «Рустам ҳақида достон» номли мусиқий асарни яратиб, салмоқли маданий мерос сифатида бизларга қолдириб кетди. Композитор Рашид Ҳамраев ҳам «Шоҳнома» асрида ўзининг янги операсини яратиб кетди. Халқ артисти, Алишер Навоий сиймосини кинода ва театрда яратган Раззоқ Ҳамроев ҳам салоҳиятли ишни амалга оширди, «Шоҳнома» қаҳрамонларини радио театрга олиб чиқди.

Ўзбек саҳнасига «Шоҳнома» асосида илк қалдирғоч пьесалари ана ўша Шамсиддин Хуршид (Хуршид Шараф таҳаллусида ҳам асарлар битган), Фози Юнуслар томонидан олиб чиқилгандан сўнг, кўшни ва қардош Тожикистонда ҳам Фирдавсий асари бўйича турли жанрларда асарлар яратишга интилишлар авж олиб кетди. «Саҳна Фирдавсийномаси»нинг тараққиётига тожикистонлик ижодкор – биродарлар ҳам салмоқли улуш қўшдилар, «Шоҳнома» ғояларини тараннум этувчи драматик ҳамда мусиқий спектаклларни юзага келтирдилар. Садриддин Айний номидаги Тожикистон давлат опера ва балет театрида намойиш этилган С.Баласаняннинг «Коваи оҳангир», драматург Фани Абдулло қаламига мансуб «Рустам ва Суҳроб», А.Пирмуҳаммадзода ва В.Волкштейнларнинг «Рустам ва Суҳроб» пьесалари ҳам мана шундай асарлардандир. А.Лохутий номидаги тожик давлат академик театрида ҳам «Рустам ва Суҳроб» асари яратилганди, «Шоҳнома» ва халқ фольклори асосида саҳнада бунёд этилган ушбу спектакл тожик драматургияси ва театрига ўзига хос бир муҳим босқич бўлиб кирганди. (саҳналаштирувчилар А.Саидов, Е.Мительман).

«Сиёвашнинг ўлим ҳукми» (асар устида изланишлар олиб боргани, «Сиёвуш»га илк ёндошишини Хуршид кейинчалик ҳам хотирлаганди. Бу ҳақда «Маърифат» газетасида ҳам маълумот бор; 1992 й., 22 август, 14:71 – 6567) ана ўша кўланкали «Пролеткульт» даврларида тажовузга учрагандан сўнг, бир қанча йиллар ўтгач, Шамсиддин Хуршид Фирдавсий «Шоҳнома»си асосида яна бир асар яратиш масаласига қайтди – бу галги драматургия намунаси – опера либреттоси бўлмоғи керак эди. Драматург бу гал ҳам асарни шеърий йўсинда бунёд этди. Бу ишга киришиш ҳам бежиз эмасди, дунёдаги кўп мамлакатлар ана ўша 1941-45 йиллардаги Гитлер Германияси бошлаган даҳшатли иккинчи жаҳон уруши гирдобига тортилган эди, минглаб шахару кишлоқлар вайрон бўлмоқда, миллионлаб жонлар сўкилмоқда, башарият мусибатли аҳволга тушиб қолганди, бунингдек вазиятдан Эрону Ўзбекистон ҳам четда эмасди; республиканинг аҳолиси ҳоли – тақдирида ҳам, ҳаёти, маишатида, эл руҳиятида ҳам вазминлик ҳукм суриб турарди; кўп оилаларга жанг майдонларидан ҳалок бўлганлар ҳақида «Қора хат»лар келмоқда эди... Мана шундай пайтда Хуршиднинг «Шоҳнома»га мурожаати айни муддао эди, буюк Фирдавсий асарида «уруш ва тинчлик» масалаю муаммолари жиддий аснода кўтарилган эди ва «Сиёвуш» воқеалари дунёда юзага келтирилган вазиятга «лаббай» деб жавоб бериб тургандек туюларди машҳур драматургта...

Хуршид асарнинг опера «либретто»сига ўз-ўзидан етиб келиб, уннамади. Бундан аввалроқ «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Дилором» опера либреттоларида устида олиб борилган мураккаб ижодий изланишларга бой ишлар ўзига хос улкан тажриба, саховатли «кўприк» вазифасини ўтади. Айни чоғда «Сиёвуш»нинг муסיкий драма шакли ҳам яратилдики, бу ҳам ўзига хос бир пиллапоя асносида хизматни ўташи мумкин эди. 1942 йилнинг баҳорида «Сиёвуш» муסיкий драмасининг дастлабки «варианти» ёзиб битказилди, унга ана ўша фидойи бастакор Шораҳим Шоумаров куйлар ҳам таълаб басталади. Драматург билан бастакор асарнинг ушбу янги вариантини олиб,

Ўзбекистон Компартиясининг ўша вақтлардаги бошлиғи Усмон Юсупов ҳузурига бордилар. Аммо бу раҳбардан асарни сахнага олиб чиқиш учун фатво бўлмади, У.Юсупов – ҳозир уруш кетаяпти, аҳвол оғир, бунинг устига Эрон давлати СССР ўртасидаги муносабатлар ҳам жуда нозик ва таранг, ҳозирча «Шоҳнома»нгизни қўя туринглар, яхшиси ҳозир жанг майдонидаги «Қизил аскарлар» ва уларнинг матонатли саргардалари ҳақида театр учун асар ёзинглар дея, сўзни тамом қилиб қўя қолди. Шораҳим Шоумаровнинг кейинчалик хотирлашича, Хуршид «ЦК» биносидан чиқиб келаркан, қандайдир истехзо билан – «буёғи нима бўлиши кўриниб турибди, «Пролеткульт» касови яна бошга тушмасдан, йиғиштириб қўя қоламизни... Онангни қози ўпса, арзи – ҳолингни кимга айтасан... Ахир Шекспир асарини «Ҳамза театри» қўйиб ётибди-ку, нега буюк «Шоҳнома» қаҳрамонлари сахнага чиқмас экан...» дея ғуриллади. «Қизил империя» сиёсатдонларига Эрону Турон тарихий муносабатларини «ғайри социалистик тарзда» кўрсатилиши манзур бўлмаганди ўшанда.

Хуршид шунча тазйик, зиддиятларга қарамай, Фирдавсий «Шоҳнома»сига бўлган ҳурмату эътиқодини асло сўндирмади, машҳур драматург 1945 йилда «Сиёвуш» деб аталган беш пардали шеърӣй фожиавӣй опера либреттосини яратиб бизга ажойиб бадий-фалсафӣй сахна асарини улкан маданий мерос қилиб қолдириб кетди. Унда икки қўшни мамлакатнинг тинчу дўст бўлиб яшаши ғояси ҳам юксак тананнум топгандир:

Хукм сурди бу дамгача халқ аро,  
Эрон бирла Турон деган можаро.  
Бугунги маросим-ла битгай нифок,  
Икки мамлакат бўлғуси иттифок.

(Қаралсин: Хуршид Танланган асарлар, «Сиёвуш», Т., 1967 й., 251-бет)

Мана, энди, Истиклол боис, Хуршид ва Ғози Юнусларнинг «Шоҳнома» асосида яратган пьесаларини қайта сахнага олиб чиқиш палласи келди...



## МУНДАРИЖА

1. Баҳром Қодиров, Муносиб улуш.
2. Хусайн Нароқиён, Фирдавсий «Шоҳнома»си икки маданият алоқалари тўғрисидаги дostonдир.
3. Иброҳим Худоёр, «Шоҳнома»да маърифат ва асл насаб масаласи.
4. Шоислом Шомуҳаммедов, Шеърятимиз сарчашмаси.
5. Абдуқодир Ҳайитметов, Фирдавсий ва ўзбек шеърятини.
6. Ботир Валихўжаев, Мирий – «Рустам ва Сухроб» таржимони.
7. Нажмиддин Комилов, Фирдавсийнинг шеърини карвони.
8. Ҳамидулло Болтабоев, Фитрат – Фирдавсийшунос.
9. Ҳамиджон Ҳомидий, Ўзбекча «Барзунома»га доир.
10. Боқижон Тўхлиев, Фирдавсий ва Юсуф Хос Ҳожиб.
11. Маматқул Жўраев, Ўзбек топонимик афсоналарида «Шоҳнома» мотивлари.
12. Наим Норқулов, «Шоҳнома» дастхатлари.
13. Баҳриддин Насриддинов, «Шоҳнома» қаҳрамонлари ўзбек театри сахнасида.

Илмий-оммабоп нашр  
ЭПИК ШЕЪРИЯТ СУЛТОНИ

Ўзбек тилида

Муҳаррир Илҳом ЗОЙИР  
Мусаввир Темур Саъдулла  
Тех. муҳаррир Валентин ВЕРЕМЕЮК  
Мусаҳҳиҳ Т.Бўриев

ИБ № 296

Текширишга берилди 25.02.2001 й. Босишга  
рухсат этилди 15.05.2001 й. Бичими 84x108 1/32. Шартли  
босма табағи 7,3. Нашр босма табағи 7. Адади 1000 нусхада.  
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 130

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.  
Тошкент-129, Навоий кўчаси, 30-уй.

